



АГРОБИЗНЕС ЖУРНАЛИ

№24, Февраль 2023

ShirinMeva

Сольхян корейс тилида
«қишифори» маъносини
англатади



Эркин УСМОНХҮЖАЕВ:
“Дарёning бўйида бўлса ҳам,
томчилаб суғориш тизимидан
фойдаланиб, экин экиш керак”

**Тупроқни нондек азиз
билган инсон**




AVANT



PIR sendvich panellari

SOVUTGICH KAMERASI UCHUN PIR SENDVICH PANELLAR



SOVUTGICH UCHUN PANELLAR

Kengligi – 1180 mm

Qalinligi - 100/120/150 mm

Metall qalinligi ichki / tashqi - 0,5-0,5 mm

SOVUTGICH UCHUN PANELLAR QUYIDAGI YO'NALISHLARGA MO'LJALLANGAN:

- Sovutgich kameralari, muzlatgichli sanoat omborlarini qurish uchun;
- Yuqori nam jarayonlar mavjud bo'lgan va namlik kontsentratsiyasi yuqori bo'lgan tijorat binolari uchun;
- Oziq-ovqat, agrosanoat, farmatsevtika sanoatida past haroratni saqlashni talab qiladigan binolarni izolyatsiya qilishda foydalilanildi.

 +99895 606-33-33



O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent shahri, Yashnobod tumani,
Elbek ko'chasi, 61.



sales@avantgroup.uz
info@avantgroup.uz



avantgroup.uz

“ТОНГГИ ШАБАДА МАМЛАКАТИ”НИНГ ЮТУҚЛАРИ



“Тонгги шабада мамлакати”. Чиройли ном-а? Корейслар ўз ватанини шундай атайды. Нима учун деган савол туғилади. Эҳтимол, у ернинг ҳавоси тоза бўлиб, нафас олиш осондир. Чунки Жанубий Кореяда дам олиш масканлари кўп. Теварак-атрофи тоғ, дengiz, дарё ва қалин ўрмон, гуллаб-яшнаб турган далалардан иборат. Ўзбекистон аҳолиси Жанубий Кореяни, аввало, ўткир сюжетли тарихий ва замонавий телесериаллари орқали яхши билади. Бундан ташқари, кўплаб урфодатларимиз, масалан, ёши улуғларга ҳурмат каби кўплаб шарқона қадриятларимиз жуда ўхшашва муштарак.

Журналимизнинг олдинги сонларида ёритилган Европа давлатларидан фарқли ўлароқ, аҳолиси 51 миллиондан сал кўпроқ бўлган Жанубий Корея халқининг аксариятини ёшлар ва ўрта ёшлилар, яъни иш билан банд қатлам ташкил қиласди. Гази, нефти ва бошқа фойдали қазилмалари йўқ, саводсиз, камбағал аҳолиси бўлган мамлакат гуллаб-яшнаши мумкинми, деган табиий саволга бу давлат мисолида жавоб олиш мумкин. Корея Республикаси астойдил интилиб, илмга асосланган иқтисодиётни барпо этиш мумкинлигини дунёга намоён этса олди.

Статистик маълумотларга кўра, корейслар дунёдаги энг меҳнатсевар халқ. Жанубий кореялик талабаларнинг ўқиши қобилияти эса дунёда иккинчи ўринда туради. Мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси 99 фоизнита ташкил қиласди. Маҳаллий аҳолининг фикрича, таълим муваффақият калитидир.

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея бутун дунёни юқори технологияли электроника билан таъминлайди ҳамда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳавас қилгулик етакчи саноат мамлакати ҳисобланади. Эҳтимол, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар муваффақиятининг сири ҳам шунда. Улар доим ўз мижозларининг хоҳиш-истакларига қулоқ солади ва шундан келиб чиқиб маҳсулотларини яратади. Шунингдек, корейслар ўз ютуқларига қизиқиш билдирганлар билан тажрибасини яширмасдан баҳам кўради.

Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер озлигига қарамай, мамлакатдаги барча фермер хўжаликларининг деярли 85 фоизи гуруч етишиширади. Жуда кўп сув талаб қиласидиган бу экин учун мамлакат иқлими жуда қулай: атрофи Корея бўғози, Сарикденгиз, Шарқий Хитой ва Япон дengизлари билан ўралган.

Жанубий Кореяда дехқончилик билан шуғулланиш учун 1,3 гектар ерга эга бўлишнинг ўзи етарли. Қолганини муаллифларимизнинг мақолаларидан батафсил билиб оласиз. Келгуси сонда кўришгунча!



Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА,
бош мұхаррир,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги
бўйича техник кўмак” лойиҳаси

ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ



Funded by the European Union

Европа Иттифоқи



Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
(Жаҳон банки таркибига киради)



Ўзбекистон Республикаси
Кишлоп ҳўжалиги
вазирлиги



Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази

УШБУ СОНДА:



6

Ҳ. Ҳайдаров
КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ
АГРОБИОГРАФИЯСИ



7

Ҳ. Ҳасанов
ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЮҚОРИ
ДАРАЖАДАГИ МАМЛАКАТ



10

Ш.Юнусов, С. Алимова
О Сунг ЧХОНГ:
“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИРИН ТАЪМЛИ
УЗУМ ВА ШАФТОЛИСИ КОРЕЯЛИК
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА ЕТИБ БОРИШНИ
ИСТАРДИМ”



13

Г. Ширинова, Ж. Ҳайдарова
СОЛЬХАН КОРЕЙС ТИЛИДА «ҚИШ
ИФОРИ» МАҲНОСИНИ АНГЛАТАДИ



17

Н. Каримова
ТОҒЛАР ВА АДИРЛАРДАН ИБОРАТ ЙОРТ



19

Н. Нишонов
КОРЕЯГА АНОР ВА ГИЛОС ЭКСПОРТ
ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ



22

Б. Матякубов, А. Алимжанов
ЁМГИР СУВИНИ ЙИФИШ ОРҚАЛИ
ҲАМ ЭКИНЛАР СУГОРИЛАДИ



26

Ф. Юсупова
“МОВИЙ ОЛТИН”НИ ТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР



29

Б. Матякубов, А. Алимжанов
МОНИТОРИНГ – СИФАТ
КЎРСАТКИЧИННИГ АСОСИ



32

Г. Ширинова
Эркин УСМОНХЎЖАЕВ:
“ДАРЁ БЎЙИДА БЎЛСА ҲАМ,
ТОМЧИЛАБ СУГОРИШ ТИЗИМИДАН
ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК”



35

Ж. Ҳайдарова
Авазбек ИСРОИЛОВ:
“МАҲСУЛОТЛАР УЧ БОСҚИЧЛИ
БОЖХОНА ТИЗИМИ АСОСИДА
ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ”



37

Г. Ширинова
Сардор АББАСХАНОВ:
“МОШ БОЗОРИДА БОЗОР
ТАМОЙИЛЛАРИ ИШЛАЙДИ”

**40**

Абдумалик РУСТАМОВ:
"ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ –
МЕВА-САБЗАВОТНИНГ ДУНЁ БОЗОРИДАГИ
ТЕЗ ЎЗГАРУВЧАН ТАЛАБЛАРИГА
ПРОФЕССИОНАЛ ЁНДАШИШ"

**46**

Н. Каримова
Үрмонали УСМОНОВ: "БИТТА ЧҮПНИ БЎЛСА
ХАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОНГА
ФОЙДА БЕРАДИ"

**52**

Ж. Ҳайдарова
Илҳом САЙФИЕВ: "БИР-БИРИГА ЎХША-
МАГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЯРАТИШ УЧУН
ЙИЛЛАБ ВАҚТ САРФЛАНАДИ"

**58**

Н. Каримова
ТУПРОҚНИ НОНДЕК АЗИЗ БИЛГАН
ИНСОН

**44**

Р. Ҳакимов
ВАҚТИНЧАЛИК ПЛЁНКА ҚОПЛАМАСИ
ОСТИДА ЭРТАКИ ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

**49**

Н. Жалилов
БИРИНЧИ НАВБАТДА ЎН ЙИЛЛИК ОЛМА,
НОК ВА БЕҲИ ДАРАХТЛАРИ БУТАЛАДИ

**55**

Н. Нишонов, Ф. Жўлиев
КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ

**62**

Ж. Ҳайдарова
САМАРҚАНДДА
«AGROPROEXPO 2023»

Муассис:



«Annexure Financial Solutions UZB»
масъулияти чекланган жамияти

Таҳрир ҳайъати:

Азиз ВОИТОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Алишер ШУКУРОВ
Бахтиёр КАМАЛОВ
Азамат ГУЛЯМОВ
Дилшод НАЗИРОВ
Фирдавс ОЛИМОВ
Абдумалик РУСТАМОВ
Шерзод РАЖАМЕТОВ
Шуҳрат АБРОРОВ
Рафик ҲАКИМОВ
Махфурат АМАНОВА
Равза МАВЛЯНОВА
Хусан ҲАЙДАРОВ
Саодат ДЎСМУРАТОВА
Бахтиёр ШЕРМАТОВ
Бахтияр МАТЯКУБОВ

Бош муҳаррир:

Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА

Маркетолог:

Расул АБДУРАШИДОВ

Таржимон:

Саида АЛИМОВА

Фотографлар:

Пўлат ЮЛДАШЕВ
Улугбек ҲОШИМОВ

Дизайнерлар:

Исройликон ТУРҒУНОВ

Мавлуда САИДХОДЖАЕВА

Веб дизайнер:

Элёр МИРСАИДОВ

Манзил:

100000,
Ўзбекистон Республикаси,

Тошкент шаҳри,

Мирзо Улугбек тумани,

Ниёзбек йўли кўчаси, 30-йй, 5-қават.

Телефон: +998 71 202-11-21

Нашр Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси

хузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 2021 йил 5 апрелда

1169 рақами билан рўйхатга

олинган.

"JURABEK PRINT" МЧЖда чоп
этildi.

Манзил: Тошкент вилояти,
Қиброй тумани, Янгибод ҚФЙ,
Катта-Су кўчаси.

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинг бўйича техник кўмак

Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани,
Ниёзбек йўли, 30-йй, 5-қават
Тел.: +998 71 202-11-21


E-mail: info@shirinmeva.uz
Web-site: www.shirinmeva.uz



Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
технологиялари бўйича техник кўмак

100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Муқимий кўчаси, 158-йй.
Тел.: +998 91 562-52-44

Web-site: www.meva-sabzavot.uz



Журналинизнинг ушбу сонини безатишда Ўзбекистон Корейс маданий
марказлари уюшмаси қошидаги "Shinsedae" Ёшлар марказига ўз
миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Корея Республикаси агробиографияси



Аҳолиси (2021)	
Жами ишчилар сони	28 673 669 (55%)
Аҳоли жон бошига ЯИМ	34 997 \$

Экспорти/импорти (2021)	
Мева	Сабзавот
Экспорти 644 млрд \$	Экспорти 0,19 млрд \$
Импорти 1,88 млрд \$	Импорти 0,82 млрд \$

Йирик савдо ҳамкорлари (2021)				Мева ва сабзавотлар савдосида 2017-2021 йиллардаги ўзгариш (%)			
Импортчи давлатлар		Экспортчи давлатлар		Mева экспорти	6%	Сабзавот экспорти	2%
Мева	Сабзавот	Мева	Сабзавот	Mева экспорти	6%	Сабзавот экспорти	2%
АҚШ	Хитой	Гонгконг	Япония	Mева импорти	0%	Сабзавот импорти	4%
Филиппин	Вьетнам	АҚШ	Тайвань				
Чили	АҚШ	Тайвань	АҚШ				

Энг кўп сотиб олинадиган мева ва сабзавотлар (2021)					
Импорт			Экспорт		
Мева	Сабзавот	Мева	Сабзавот	Мева	Сабзавот
Ёнғоқ 18% ●	Музлатилган сабзавотлар 36% ↑	Олма 34% ↓	Қалампир 69% ↓		
Банан 15% ↓	Дуккаклилар 13% ↑	Резаворлар 31% ↑	Карам ва салат барги 10% ↑		
Цитрус мевалар 14% ↓	Сабзи ва турп 11% ●	Узум 16% ↑	Помидор 7% ↑		

Фойдаланилган манба: :
data.worldbank.org, www.intracen.org, www.trademap.org, www.statista.com, atlas.cid.harvard.edu, unctadstat.unctad.org



ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ МАМЛАКАТ

Жанубий Корея қишлоқ хўжалиги жадал ривожланаётган, энг сўнгги инновацион технологияларни жорий қилиб, экинлар хилма-хиллигини йил сайин кескин ошириб бораётган давлат ҳисобланади. Бундан ярим аср олдин асосан шоли етиштирилган мамлакатда бугунги кунда 60 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги экини етиштирилмоқда.

Давлат томонидан тасдиқланган дастурлар асосида аҳолини мамлакатда етиштирилган маҳсулот билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини камайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Бунга мамлакатда илм-фанга суянган ҳолатда эришилмоқда.

Мамлакат Корея яриморолининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, умумий майдони 100 363 км², аҳолиси 2022 йил ҳолатига кўра 51 844 834 кишини ташкил этади. Қуруқликда фақат шимол томондан Корея Халқ Демократик Республикаси билан чегарарадош. Ландшафти асосан тоғликлардан иборат бўлиб, энг баланд тоғи 1 950 метрни ташкил этади.

Иқлими муссон характеристига эга. Қиши совуқ ва қуруқ, ёзи эса қисқа, иссиқ ва намлиги юқори бўлади. Январь ойида ўртача ҳаво ҳарорати +2,5°C, энг иссиқ ойи – июлда +22,5°C ни ташкил этади. Ёғингарчилиги ўзгарувчан бўлиб, йилига 950-1500 мм.ни ташкил этади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми июнь-сентябрь ойларида ёғади.

Қадимда мамлакатда асосан шоли етиштирилган ва аҳоли гуручдан тайёрланган маҳсулотлар билан озиқланган. Сўнгги йилларда Жанубий

Кореяда илм-фан ривожланиши билан янги экин турларини иқлимлаштириш, маҳаллий шароитларга мос янги навларни яратиш натижасида қишлоқ хўжалиги экин турлари сони кескин ортди. 1980-йилларда аҳоли жон бошига 137,7 кг гуруч истеъмол қилинган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 61 кг.ни ташкил этди, яъни гуруч истеъмоли икки баробар камайган. Буғдой маҳсулотлари истеъмоли эса ортиб, 2016 йилда жон бошига 33,2 кг.ни ташкил этган.

1970 йилга нисбатан 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 12,6 баробар ортган. Маблағ ҳисобида 1970 йилда 2,4 млрд долларниташил этган бўлса, 2020 йилгакелиб 29,7 млрд АҚШ долларига етди. Қишлоқ хўжалигида ўсиш ўртача йиллик 5,2 фоиз бўлмоқда. 1970-йиллар ўрталаридан мамлакатда боғдорчилик ва сабзавотчилик тез ривожланди. Шунингдек, техник экинлар (каноп, тамаки), мойли экинлар (кунжут, перилла) майдони ҳам кенгайди. Олма ва мандарин, нок, шафтоли, япон хурмоси, апельсин, узум ва қовун майдони ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда. Катта майдонларда корейсларнинг миллий таоми бўлган кимчхи учун оқтурп ва карам етиштирилади. Қалампир, пиёз ва саримсоқпиёз майдони ҳам



**Асосий экин майдонлари ва уларнинг ҳосилдорлигининг охирги қирқ йилда ўзгариши
(ФАО маълумотлари асосида)**

Йиллар	1981	1991	2001	2011	2021
Экин ер майдони, га	2 723 830	2 274 211	2 082 892	1 644 562	1 432 701
Экин ер майдонларининг 1981 йилга нисбати, %	100	83,5	76,5	60,4	52,6
Жами олинган ҳосил, т	4 786 102	6 618 254	7 989 877	8 784 836	9 381 501
Ўртacha ҳосилдорлик, ц/га	17,6	29,1	38,4	53,4	65,5

1-жадвал

сабзавот экиnlари орасида катта майдонни эгаллаган.

Ер майдони Ўзбекистонницидан салкам 5 мартаба кичик, ахолиси 1,5 баробар кўп бўлишига қарамай, 2021 йилга келиб, Жанубий Корея эҳтиёжидан ташқари чет элга 6,92 млрд долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишланган ҳолда экспорт қилган. Экспортга асосан кимчхи, соус, женъшень, яримтайёр лапша чиқарилади. Солишириш учун: Ўзбекистон 2020 йилда жами 1 млрд доллар қийматидаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилган.

Бундай натижаларга Жанубий Корея қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун илм-фанга аҳамият берган ҳолда соҳага катта сармоя сарфлаш орқали эришмоқда.

Мисол учун, ривожланган мамлакатлар иқтисодий ташкилоти бўлган OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development)нинг маълумотларига кўра, Жанубий Корея Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларнинг аграр соҳани ривожлантиришга ажратаетган ўртacha маблағидан 5 баробар кўп маблағ ажратмоқда. Шунингдек, илм-фанга ажратилаётган маблағи 93 млрд Корея вони (74,6 млрд АҚШ доллари)ни ташкил этиб, OECD давлатлари орасида 2-ўринни эгаллаган.

Корея қишлоқ хўжалигини ривожлантириш администрацияси (RURAL DEVELOPMENT ADMINISTRATION, RDA) таркибидаги KOPIA лойиҳаси дунёнинг барча минтақасида фаолият олиб бориб, мамлакатлар олимлари билан биргаликда тажриба алмашиш, дехқончилик маданияти, биохилмажилликни ўрганиш билан бирга у ерда ўсадиган қишлоқ

лоқ ҳўжалиги экиnlарининг нави ва намуналарини ўз мамлакати Генбанкига юборади. Жанубий Кореяда олимлар бутун дунёдан йиғиб, интродукция қилинган ўсимликлар материалларини ўз иқлим шароитида ўрганиб, замонавий селекция усулларидан фойдаланган ҳолда янги навларни яратмоқда. Шундай лойиҳаларни амалга ошириш натижасида Жанубий Кореяда экиnlар хилмажиллиги ва янги замон талабидаги навлар сони кескин кўпайди. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти камайиб, экспорт салоҳияти ортмоқда. Маълумот учун: Ўзбекистонда ҳам KOPIA лойиҳаси фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар кириб келиши натижасида қўл кучи билан боғлиқ ишлар ҳажми камаймоқда. 1970-йиллар бошида ишга яроқли аҳолининг деярли ярми қишлоқ хўжалигида фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда фақат 7,2 фоиз ишга яроқли аҳоли бу соҳада ишлайди.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ер майдони саноат ривожлангани, аҳоли сони ортгани сари камайиб бормоқда. 1981 йилда қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган жами ер майдони 2,72 млн гектар эди. 2022 йилда келиб бу кўрсаткич деярли 1 миллион гектарга қисқариб, 1,7 млн гектарни ташкил этган.

Асосий қишлоқ хўжалиги экиnlари майдонлари охирги қирқ йилда деярли тенг баробар қисқарганига қарамасдан жами етиштирилган ҳосил миқдори икки баробар кўпайган, яъни гектаридан олинадиган ҳосилдорлик ўртacha 3,7 баробар ортган (1-жадвал). 1981 йилда жами ер майдонидан олинган ўртacha ҳосилдорлик гектарига 17,6 центнер

Экин ер майдонларининг 1981 йилга нисбатан ўзгариши, га (ФАО)

Экин ва гурух номи	1981	1991	2001	2011	2021	1981 йилга нисбатан 2021 йилда	
						+/-	%
Шоли	1 223 892	1 208 455	1 083 125	853 823	732 477	-491 415	60
Сабзавот	471 628	353 133	385 318	282 439	246 446	-225 182	52
Мева	114 054	143 214	163 389	165 684	159 566	45 512	140
Дуккакли	265 135	155 939	98 518	88 190	65 695	-199 440	25
Мойли	83 452	111 979	78 777	63 604	60 064	-23 388	72
Донли	379 104	130 575	95 882	52 124	46 687	-332 417	12
Полиз	23 340	44 945	45 898	30 389	25 225	1 885	108
Цитрус	12 579	21 567	27 967	22 318	22 782	10 203	181
Картошка	41 053	21 123	24 691	26 804	21 745	-19 308	53
Маккажўхори ва ёрма	45 836	30 093	19 097	19 847	18 545	-27 291	40
Техник	41 532	31 474	25 855	16 069	14 003	-27 529	34
Узум	9 186	14 802	26 803	17 445	13 349	4 163	145
Резавор	7 711	6 053	7 567	5 816	6 117	-1 594	79
ЖАМИ:	2 718 502	2 273 352	2 082 887	1 644 552	1 432 701	-1 285 801	53
1981 йилга нисбатан, %	100	84	77	60	53		

2-жадвал

бўлса, 2021 йилга келиб 65,5 центнерни ташкил этган.

Экинлар гуруҳи бўйича ер майдонининг йиллар сайин ўзгаришини кўриб чиқсан (2-жадвал), мамлакатда шолизорлар майдони 2021 йилга келиб 1981 йилга нисбатан 491 415 гектар (ёки 40 фоиз)га қисқарган. Майдони бўйича 2-ўринни эгаллаган сабзавот экинлари майдони 48 фоизга қисқариб, 2021 йилда 246 446 гектарни ташкил этган. 1981 йилда майдони жиҳатидан 3-ўринни эгаллаган донли экинлар майдони бўйича 88 фоизга қисқарган. 2021 йилга келиб 3-ўринга мевали экинлар чиқсан. Уларнинг майдони 40 фоизга ортган. Шунингдек, цитрус, узум ва полиз майдони ҳам сезиларли даражада кенгайган. Ер майдони бўйича фоиз ҳисобида энг катта қисқариш донли, техник экинлар, маккажўхори ва ёрмада кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, 30-40 йиллар олдин дехқончилиги унча ривожланмаган, асосан шоли экиш билан шуғулланган, ахолисининг дастурхони ҳам шунга яраша бўлган Жанубий Корея бугун дехқончилик маданияти юқори даражага чиқсан, ахолисининг дастурхони турли маҳсулотлар билан тўлган мамлакатга айланган. Бунга мамлакатда

соҳа ривожланиши учун тўғри йўл танлангани, асосий инвестиция илмга сарфлангани орқали эришилганини кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ер майдони деярли тенг ярмига қисқарган бўлса-да, умумий маҳсулот этиштириш икки баробар ортган. Экспорт салоҳияти ортиб бораётгани ҳам бунга яққол мисол.

МАНБА:

1. Экспорт сельхозпродукции Южной Кореи в 2021 году достиг рекордных \$6,92 млрд (<https://tass.ru/ekonomika/12588303>).
2. Узбекистан в 2020 году экспорттировал плодовоощную продукцию на \$1 млрд (<https://e-cis.info/news/567/90366>).
3. <https://svspb.net/danmark/ploschad-zemel.php>.
4. https://countryometers.info/ru/Republic_of_Korea.

Ҳамидулло ҲАСАНОВ,
 "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак" лойиҳасининг маҳаллий эксперти





О Сунг ЧЖОНГ: “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИРИН ТАЪМЛИ УЗУМ ВА ШАФТОЛИСИ КОРЕЯЛИК ИСТЕъМОЛЧИЛАРГА ЕТИБ БОРИШИНИ ИСТАРДИМ”

Жанубий Кореяning “КОPIA Uzbekistan Center” ташкилоти раҳбари жаноб О Сун Чжонг билан суҳбатимиз марказ фаолияти ва аграр соҳадаги режалари хусусида бўлди. Қуйида суҳбатни ётиборингизга ҳавола этамиз.

— Бугунги кунда Ўзбекистон ва Корея Республикаси биргаликда қандай қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда?

— Ўзбекистонда етишириладиган гуруч навларининг генетикасини яхшилаш, шунингдек, Жанубий Кореядан маҳсулдор қорамолларни олиб келиб тарқатиш бўйича ишлар қилиняпти. Корея Республикаси ҳукумати ушбу лойиҳага 6-7 млн АҚШ долларини сарфлади. Таъбир жоиз бўлса, биз 13 йилдан бери фаолият юритиб келмоқдамиз.

— Ўзбекистонда етиширилган мева-сабзавот маҳсулотларини Корея Республикасига экспорт қилишда қандай тўсиқ ва енгилликлар мавжуд?

— Фикримча, Ўзбекистон Республикасидан Корея Республикасига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда қандайдир тўсиқлар бор, деб ўйламайман. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, ўзбекистонлик экспортчилар ўз маҳсулотини Корея Республикасида кўпроқ сотишни истаса, мамлакатимиз бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориши керак. Масалан, узум маҳсулотини олади-

ган бўлсан, менда бу бўйича маълумотлар бор. Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасига узум экспорт қилган, лекин жуда кам миқдорда.

Менимча, ўзбекистонлик экспортчилар ва мева етиширувчилар узум сифатига жуда катта эътибор қаратиши керак. Шунингдек, маҳсулотнинг хавфизлигини таъминлаши, яъни узумда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш лозим. Шу йўл билан Корея Республикасига маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш мумкин. Яна, Жанубий Кореяда бозор тадқиқотларини олиб бориши керак: масалан, қандай нав, қандай турдаги мева маҳсулотлари кореяликлар томонидан севиб истеъмол қилинади? Ушбу маълумотларни таҳлил қилгандан сўнг маҳсулотнинг сифатли бўлишига эришилса, касалликларнинг олди олинса, албатта, экспорт қилиш имконияти юзага келади, деган фикрдаман.

— Мамлакатларимиз ўртасида мева-сабзавот савдоси кўламини кенгайтириш ва диверсификация қилиш учун карантин тартибини қандай енгиллаштириш мумкин?

— Карантин жараёнига келсан, Корея Республикаси



ликасининг қонунчилигига эътибор беришимиз керак. Маҳсулотни экспорт қилишдан олдин ушбу маҳсулот тўғрисидаги карантин қоидаларини ўрганиб чиқиш даркор. Масалан, пестицид қолдиқлари бўйича талаб бўлиши мумкин. Бирор турдаги пестицид умуман ишлатилмаслиги ёки унинг қолдиги муайян миқдорда бўлиши лозим.

Жанубий Корея мисолида айтсак, биз ҳам Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига, хусусан, Гонгконга қулупнай экспорт қиласиз. Дастроб у ерда бозор тадқиқотларини олиб борганимиз. Ўзбекистонлик экспортчилар ҳам Жанубий Корея бозорида тадқиқот олиб бориши мумкин. Масалан, қулупнайни оладиган бўлсак, унинг ўлчами, ранги, қанд миқдорига эътибор бериш ҳамда карантин нуқтаи назаридан экспортдан олдин маълум бир маҳсулот учун белгиланган карантин қоидаларини пухта ўрганиш зарур. Ҳар бир мамлакатда божхона тартиблари мавжуд. Жумладан, Жанубий Кореяда экспортдан кейин ва бозорга чиқаришдан олдинги божхона тартиб-таомиллари мавжуд. Ушбу жараёнлар ўрганиб чиқилса, қандай талаблар мавжудлигини билиб, тайёргарлик кўриш мумкин.

— Ўзбекистондаги бугунги шароит, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги реформалар анча ижобий тус олган. Чунки соҳа ходимлари ривожланган мамлакатлардан андоза олиб, тизимни, соҳадаги сиёсатни ўзgartирмоқда.

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда кореялик мутахассислар ёки технологияларнинг иштиро-

ки ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Билишимча, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид янгиликларни олиб кириш учун жанубий кореялик мутахассислар аллақачон Ўзбекистонга келиб ишляяпди. Бироқ мен ушбу мутахассислар Ўзбекистонга бир-икки ойга эмас, балки 1-2 йилга, узоқ муддатга келишини тавсия қилган бўлардим. Улар мева-сабзавотчилик соҳасига доир янгиликлар олиб киришса, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва шу орқали экспортга тайёрлаш бўйича маҳаллий мутахассислар билан биргаликда иш олиб боришса, яхши бўлар эди деган фикрдаман.

— Корея Республикаси Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавотчилик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш йўналишида қандай таклифлар билдириши мумкин? Сизнингча, корейс истеъмолчилариға қайси мева ёки сабзавотларимиз ёқиши мумкин?

— Корея Республикаси мева, хусусан, олма, шафтоли етиштириш бўйича анча илгор. Биз айрим меваларни Туркия ва Чилидан импорт қиласиз. Ваҳоланки Ўзбекистонда етиштирилган узум ва шафтолининг таъми жуда ширин. Ушбу ажойиб маҳсулотлар кореялик истеъмолчиларга кўпроқ етиб боришини истайман. Лекин буни амалга ошириш учун мева етиштириш бўйича ҳамкорликда кўпроқ ишлашимиз керак.

— Мижоз сифатида ўзбек экспортчиларигани маларни тавсия қиласиз?

— Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар, хусусан, мевалар шунчалик ширинки, бу ерга биринчи марта келганимда буни сезганман. Лекин, афсуски, кореялик кўп истеъмолчилар ўзбек мевалари бунчалик ажойиб таъмга эгалиги тўғрисида тасаввурга эга эмас. Яна бир муаммо бор: Жанубий Кореяда оиласалар кичик, 3-4 одамдан иборат. Шунинг учун меваларнинг, жумладан, қовуннинг кичик ҳажмли навларини яратиш керак. Мана шу масалалар ечимини топадиган бўлса, менимча, Жанубий Кореяга ўзбек мевасини экспорт қилиши мумкин чори ортарэди.

— Хорижий давлатлар Жанубий Корея бозорига ижобий тарзда кириб келганига мисол келтиринг.

— Чет мамлакатларнинг экспорт қилиш бўйича ижобий тажрибаси билан бўлишадиган бўлсак, эътиборни фақат Жанубий Корея бозорига қаратмасдан, қўшни мамлакатларга ҳам экспортни ривожлантириш керак. Шу йўл билан ишлаб чиқариш, яъни маҳсулот етиштириш кўламини ошириш мумкин. Шу билан бирга маҳсулотнинг сифати ҳам

ошади. Албатта, Корея Республикаси узум, шафтоли ёки экзотик меваларни импорт қилади. Шунингдек, бошқа маҳсулотларни ҳам, яъни саримсоқпиюёз ёки гармдори. Бошқа янги маҳсулотларни ҳам назарда тутиш керак. Шу йўл билан ишлаб чиқаришни кўпроқ ривожлантириш мумкин.

— Икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига ижобий таъсир кўрсатувчи қандай истиқболли шартномалар имзоланиши куттилмоқда?

— Бу масалага икки хил ёндашув бўлиши мумкин. Биринчиси, давлатлараро келишувлар. Бу, масалан, божхона, карантин жараёни бўлиши мумкин. Иккинчиси, хусусий бизнес – экспортчи ва импортчи орасидаги келишув. Масалан, импортчи қандай маҳсулотнинг қандай ўлчам ва сифатдагиси кераклигини экспортчидан талаб қилиши мумкин. Мана шундай ёндашув билан бу масалага ечим топиш мумкин, деб ўйлайман.

— Билишимча, Кореялик харидорларга Ўзбекистон гилоси ёқар экан. Бундан ташқари қайси ўзбек экинлари сизлар учун жозибали?

— Жанубий Корея бозори учун арпа, мosh ёки бундан олдин айтиб ўтилгани каби гармдори, саримсоқпиюёз бўлиши мумкин. Лекин экспортни бошлашдан олдин, албатта, маҳаллий бозорда маркетинг тадқиқоти олиб боришни тавсия қиласман.

— Корея Республикасига мева-сабзавот етказиб беришнинг ҳаво йўлидан ташқари яна қандай иқтисодий жиҳатдан самарали усулларини тавсия қиласиз?

— Ҳаво йўлларидан ташқари темир йўл транспорти билан мева-сабзвот маҳсулотларини Россиянинг шарқидаги Владивосток шаҳригача ёки Хитойгача етказиш мумкин. Шундан сўнг порт орқали Жанубий Кореяга экспорт қилса бўлади. Ҳозир шундай йўллар мавжуд. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви экспорт учун жуда ҳам қийин йўналишда. Океанга чиқадиган йўл йўқ. Яна шундай тавсиям бор: экспорт тўғрисида жуда кўп боз котириш шарт эмас.

Маълумотим бўйича ҳар иили Ўзбекистонда юз минглаб чақалоқ тугилади. Уларни озиқлантириш учун сифатли мева ва сут маҳсулотлари керак. Аксига олиб, болалар-боп озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистонга асосан импорт орқали келади. Агар ушбу маҳсулотлар мамлакатнинг ўзида сифатли ишлаб чиқарилса, анча маблағ тежаш мумкин.

Маҳсулотнинг сифатини ошириш ва ишлаб



чиқариш кўламини кенгайтириш учун мева-сабзвот кластерлари вакиллари экспорт қилиш керак бўлган мамлакат бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб бориши, шунингдек, ушбу маҳсулотни сифатли етишириш ва ишлаб чиқариш учун керакли технология ва ускуналарни Ўзбекистонга олиб келиши керак. Бундан олдин айтиб ўтганимдай Корея Республикаси Гонгконг, Сингапур, Вьетнамга қулупнай етказиб беради. Экспорт қиймати 50-60 млн АҚШ долларига тенг. Ўзбекистон ҳам, масалан, қулупнай етишириш ҳажмини кўпайтириб, қўшни мамлакатларга ёки Россияга кўпроқ етказиб бериси мумкин. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Қолаверса, маҳсулотнинг ўлчами, қанд миқдори, нави ва қайси мавсумда нархи иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлади – мана шу масалаларни ўрганиб чиқиши керак.

“Ўзбекистонда мева-сабзвотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси таржимонлари
Шуҳрат ЮНУСОВ ва
Саида АЛИМОВА сухбатлашди.



СОЛЬХЯН КОРЕЙС ТИЛИДА «ҚИШИФОРИ» МАЪНОСИНИ АНГЛАТАДИ

Жанубий Кореяда етакчи ўрин эгалловчи KCOOPSAGRO компаниясининг бош штаби таркибида 5 та корхона мавжуд. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган корхоналарнинг асосий фаолияти учқисмдан иборат:

- биринчиси, қишлоқ хўжалиги учун керакли ускуналарни ишлаб чиқаришга етказиб бериш;
- иккинчиси, соҳада техникалардан фойдаланиш учун зарур дастурйи таъминотни яратиш ва мижозлар билан таъминлаш;
- учинчиси, маркетинг билан шуғулланувчи фермалар, яъни қишлоқ хўжалигидаги эҳтиёжларни ўрганиб, уларни қоплаш учун мижозларга керакли ускуналарни етказиб беришдан иборат.

Компания таркибида иссиқхонада қулупнай ва бошқа ўсимликларни етиштириш учун ақлли технологияни ўргатадиган мутахассисларни бирлаштирадиган корхона ҳам фаолият юритади. Улар қулупнай, шунингдек, булфор қалампири, помидор, бодринг, қовун, лимон, узум, олма, тарвуз, қовоқ ва кўкат етиштириш технологияси бўйича профессионал маслаҳат беради. Бундан ташқари, қулупнай кўчати етиштириладиган иссиқхоналарни лойиҳалаш, инновацион гидропоника типидаги ақлли иссиқхоналарни барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш учун зарур бўлган

сув тозалаш мосламалари, озуқавий суюқликлар технологияларини ишлаб чиқариш баробарида ўсимликларни етиштириш усулларини ҳам ўргатади.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи мазкур компаниянинг Жанубий Кореядаги бош штаби директори Он Ён Сок хоним, KCOOPSAGRO МЧЖ директори ҳамда унинг Ўзбекистондаги вакили жаноб Хух Жун Хван билан учрашиб, ақлли иссиқхоналар ҳақида сұхбатлашди.

– Маҳсулотларимиз Вьетнам, Таиланд, Саудия Арабистони, Кувайт каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Энди Марказий Осиёда ҳам экспортни йўлга қўйишга киришганмиз. Минтақадаги давлатлар орасида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги жадал ривожланаётгани учун дастлаб бу ерни тандадик. Асосий ишимиз маркетингни ривожлантиришдан иборат. Биз Ўзбекистондаги боғдорчилик саноатини ривожлантириб, мева-сабзавот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлайдиган ҳамкор ва дўст бўлишни хоҳлаймиз, – дейди жаноб Хух Жун Хван.

– Мазкур ақлли иссиқхона технологиялари тизимини бир сотих ерда ишга тушириш





риш учун қанча маблағ талаб этилади?

– Иссикхонада қулупнай ва бошқа ўсимликларни етишириш усулимиз иккита, яъни кўрпа усулида етишириш ва осма ҳаракатланувчи эгат тизимидан иборат. Кўрпа усулида гидропоника асосида иссиқхоналарда ўсимликлар етиширилади. Иссиқхонада қулупнай ҳамда шу каби бошқа ўсимликлар тувакларда гидропоника усулида ўстирилганда жойдан унумли фойдаланиш учун ўсимликни юқорига кўтарадиган ва пастга туширадиган технологиялар мавжуд. Бу осма ҳаракатланувчи эгат тизими дейилади.

Кўрпа усулида маҳсулот етишириш учун 1 гектар ерга 340 минг АҚШ доллари сарфланади. Осма ҳаракатланувчи эгат тизимида 1 гектар ерга 1 миллион 580 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб этилади. Ҳар иккала тизимда ҳам ярим гектар майдон учун умумий сумманинг 60 фоизи сарфланади.

Бу тизимни бир сотих майдонда қўллаш мураккаброқ. Энг кичик майдон ярим гектарни ташкил этади. Биз мижозлар талабига кўра 0,3 гектар майдонга ҳам технологияни ўрнатиш яхши самара беради. Чунки катта сармоя сарфланганидан сўнг уни ортиғи билан чиқариб олиш зарур.

– Сарф-харажати ўзини оқлайдиган гидропоника билан солиширса қулайлиги қай даражада? Кичикроқ майдондан кутладиган самара қандай?

– Маҳсулот етиширишнинг иккита хил усули бор: гидропоника ва одатий ерга етишириш. Гидропо-

ника усулида ўсимликлар тупроқли эгатлардамас, балки сувда эритилган озуқа моддаларида етиширилади ҳамда бошқа ўғит қўлланмайди. Етказиб бераётган ускунамиз гидропоника усулида ҳам, одатий усуlda ҳам қўлланаверади. Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, осма ҳаракатланувчи эгат тизими иссиқхонада жойдан максимал фойдаланиш имконини беради. Кўрпа тизимида эса энергия ресурсларини ишлатмасдан, сарф-харажатларни камайтириш орқали ўсимликларни етишириш мумкин. Айниқса, ҳар бир кўчатга техник хизмат кўрсатиш харажати 1,4 АҚШ долларига камаяди.

– Иситиш тизимида газ, кўмир ёки электр энергиясидан қайси бири ишлатилади? Сарфиқанча?

– Жуда ҳам ўринли савол бердингиз. Мазкур иккита хил технологиядан биринчиси – кўрпа тизимида энергия ресурслари талаб этилмайди, яъни улардан фойдаланилмайди. Кундузи қуёш тушганида ер ўзи маълум миқдорда қуёш энергиясини олади. Шундан сўнг кечаси кўрпа бостирилади ва у ерга ўзига тортиб олган қуёш нурини сақлаш ҳамда ўсимликларни қиздиришга ёрдам беради. Кўрпа тизимида ҳеч қандай энергия ишлатилмайди, лекин унинг чеклови мавжуд. Бунда ўсимликларнинг бўйи эгатнинг баландлигидан юқори бўлмаслиги лозим. Бу тизим паст бўйли ўсимликлар учун мўлжалланган. Бу усулда қулупнай ва бошқа ўсимликлар сифатли етиширилиб, рақобатбардошлиги таъминланади. Жанубий Кореяда шу усулда етишириладиган маҳсус қовун навлари ҳам бор.

Кўрпа тизими яшил технология ҳисобланиб, атроф-муҳитга ҳеч қандай зарап етказмайди ва ҳавога карбонат ангидрид чиқармайди. Ташқарида ҳарорат -15 градус бўлса, кўрпа ёпилганидан сўнг унинг ичидаги ҳарорат +7 - +13 градусга тенг бўлиб, ернинг ҳароратини кейинги кунгача бир хил ҳолатда ушлаб туради.

Осма ҳаракатланувчи эгат тизимида иситиш тизимларидан фойдаланиш талаб этилади. Иситиш тизимида қайси ёнилғидан фойдаланилишига қараб, мижознинг таклифи қабул қилинади ва биз ушбу таклиф асосида технологияни етказиб берамиз.

Масалан, дизель ёнилғисини оладиган бўлсак, 1 гектар ернинг бир йиллик сарф-харажати учун 4 650 литр ёнилғи сарфланади. Айнан осма ҳаракатланувчи эгат тизими учун 0,3 гектар ердаги иссиқхона учун бир йилда 1 400 литр дизель ёнилғи

сарфланади.

– Ушбу технология орқали бошқа маҳсулотларни етиширишда алоҳида ёндашув керак бўладими?

– Ўсимликлар орасида энг кўп эътибор талаб этиладигани қулупнай ҳисобланади. Агар таклиф қилаётган технологиямизни етказиб берадиган бўлсак, мижозларга ускуналардан қандай фойдаланиш, ҳароратни бошқариш, ўғитлардан қандай фойдаланиш борасидаги билим ва тажрибаларни бир йил давомида бепул ўргатамиз. Бордию бошқа ўсимлик турини етиширадиган бўлса, бу борада ҳам керакли билимларни берамиз. Бу технология асосида бошқа маҳсулотларни ҳам етишириш мумкин.

– Эгатни паст-баланд қилиш маҳсулотни етиширишда бирор аҳамиятта эгами ёки фақат қулайлик ва жой тежаш учунми?

– Афзаллик тарафини айтадиган бўлсам, бу осма ҳаракатланувчи тизимида эгатлар одам бўйи даражасида қаватма-қават қўйиб чиқилган бўлади ва улар қуёш томонга қараб ҳаракатланади. Бунинг натижасида барча ўсимликлар қуёш нури билан бир хил таъминланишига замин яратилади. Агар оддий шароитда етиширилса, қуёш бир тарафдан чиқиб, иккинчи тарафга ботса, ўсимликларнинг бир тарафи сояда қолади. Натижада биринчи тарафдаги мева-лар ширин бўлиб, иккинчи тарафдагилари нордон-роқ бўлиб қолиши мумкин. Таъмида ўзгариш кузатилади. Биз таклиф қилаётган технологияда, биринчидан, бир хил ер майдонида кўпроқ мева етиширилгани ҳисобига ҳосилдорлик ошади. Иккинчидан, етиширилган мева-сабзавотларнинг таъми ҳамда сифатининг бир хиллигитаъминланади.

Агар ҳисоб-китоб қиласидиган бўлсак, оддий усулда етиширилганда 1 гектар иссиқхона майдонида 72 минг эгат қулупнай етишириш мумкин. Кўчма эгат тизимида эса улар икки баробар ошиб, яъни 126 мингтани ташкил этади ва иситиш харажати тежалади.

Оддий шароитда 126 минг эгатни етиширишингиз учун 1,8 гектар иссиқхона майдони зарур бўлади ва иситиш харажатлари ҳам кўпаяди.

Жанубий Кореядаги ҳисоб-китоблар статистикаси маълумотига кўра, кўчма эгат тизимида 1 гектар ерда етиширилган қулупнай учун бир йилда 52 мингдан 91 минг АҚШ долларигача тенг сарф-харажатни тежаб қолиши имконияти мавжуд.



– Бўш ерлардан унумли фойдаланишга қаратилган ушбу тизим агротуризмнинг ривожланишига қандай ҳисса қўша олади?

– Қулупнай жозибадор кўринишга эга, таъми ширин маҳсулот бўлиб, ундан агротуризмда фойдаланиш яхши самара беради. Ушбу экин тури етиширилаётган иссиқхонага оиласиб борилса, болалар бу мевалардан татиб кўриб, расмларга тушиши, бемалол у ерда ўйнаши мумкин. У ерда пишириқлар қилинса ҳам бўлади. Чунки осма тизим усулида фаолият юритаётган иссиқхонада экинларга ҳеч қандай зарар етмайди. У ерда маҳсус йўлаклар ташкил қилинса, туристларни ҳам жалб қилиш имконияти мавжуд. Бу қўшимча даромад манбаи ҳисобланиб, маҳсулот савдосида реклама вазифасини ўтайди. Агротуризмнинг афзаллиги шундаки, келган турист ва қизиқувчилардан иссиқхонага кириш учун чипта пули олинади. Масалан, 1 соат учун маълум миқдорда пул олиниши қўшимча даромад келтиради. Келувчилар юриши учун ўсимликнинг эгатлари қисқартирилгани билан олинадиган фойда кўпаяди. Шунингдек, бунда маркетинг ишлари ҳам бажарилади.



Сұхбатимизни Он Ён Сок хоним билан давом эттиридик.

– Компаниянгиз таклиф қилаётган бу тизимда Ўзбекистоннинг давлат реестрига киритилган қуулупнай навлари етиширилганми ванатижаси қандай бўлган?

– 2019 йилда биз биринчи тажкиба сифатида Сирдарёда ушбу ҳаракатланувчи осма эгат тизимини ўрнатганимиз ва Сольхян (қиши ифори) навли қуулупнайни етиширганимиз. Унинг меваси йирик ва мазаси ширин ҳамда ҳосилдор бўлгани учун натижаси жуда яхши бўлган. Компаниямиз 5 хил юқори навли Эльсанта, Хоней бэлл, Берру стар, Алта кинг, Монёнсол каби қуулупнай навларини етказиб берга олади.

– Ушбу тизимда қуулупнайдан бошқа яна қандай экинларни экиштавсия этилади?

– Кўрпа тизими усулида бемалол қуулупнай, помидор, бодринг маҳсулотларини, қишида ҳар хил кўкатларни етишириш мумкин. Ўзбекистон супермаркетларида кичкина тарвузлар сотилаётганини кўряпмиз. Ушбу тарвузчаларни ҳамда корейс қовунларини етишириш мумкин.

– Қуулупнай ва умуман бошқа маҳсулотларни етиширишда эгатларга тупроқ солинадими ёки бу ерда бошқа технология қўлланганми?

– Айни вақтда Жанубий Кореяда ишлатаёт-ган технологияларнинг деярли 90 фоизида тупроқдан фойдаланилмайди. Яъни бунда кокоснинг қобигидан майдаланиб тайёрланган асосдан ёки тўлиқ сувда эритилган озука моддалардан фойдаланилади. Биз таклиф қилаётган технология ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

Гидропоника усулида тупроқдан фойдалан-

масдан маҳсулот етиширилади. Унинг афзалликлари кўп, аммо бу усулда ўсимликларнинг касалликлари қарши мунтазам назорат олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун компаниямиз томондан ишлаб чиқарилган олтингугурт фумигатори бор. У олтингугуртни қиздириб, иссиқхона майдони бўйича тенг тақсимлаб беради. Мазкур технологияни ҳам талабгорларга етказиб берамиз. Унинг афзаллиги шундаки, олтингугурт қўлда сепилса, ўсимликларга баравар етиб бормайди. Фумигатор эса, аксинча, олтингугуртни буғ заррачаларига айлантириб, эгатларни бир хил стериллашга ёрдам беради.

– Ушбу тизимнинг қулай ва ноқулай томонларини айтиб берсангиз.

– Иссиқхона технологияларининг энг ноқулай тарафи нархидир. Кўрпа тизимини оладиган бўлсак, унинг баҳоси арzon ва сарф-харажатнинг тежалишига олиб келади. Кўчма эгат тизими бўйича эса биз биринчи бўлиб патент олганмиз. Дунёнинг бошқа давлатларида ҳали бу тизим мавжуд эмас. Мазкур тизимда тувакларда оптимал ҳарорат сақланади. Улар иситилади ва эгатлар ўзи учун керакли оптимал ҳароратни олади. Бунда ҳосилдорлик ошиб, сифатли маҳсулот етиширилади. Бу тизимнинг ноқулай тарафи нархи қиммат туюлсада, камхарожатлиги боис яхши даромад келтиради.

Кўрпа тизимида биз етказиб бераётган туваклар оддий ҳисобланади. Кўчма эгат тизимида эса зангламайдиган металлдан тайёрлангани боис, бу туваклардан 50 йил давомида фойдаланиш мумкин. Ҳар иккала тизим ҳам ўзи талаб қиласидиган сармояни олиб келади.

– Бу технологияни қурғоқчил худудларда ҳам қўллаш мумкинми?

– Албатта, қурғоқчил худудларда сувдан оқилона фойдаланиш учун сувни пуркаш тизимлари мавжуд. Гидропоника усулида маҳсулот етиширилганда туваклар орасидан ўтган сувни қайта ишлаб, яна ўша тувакларга етказиб берадиган ускуна ҳам мавжуд. Улар бирга тақдим этилиб, жараён ўргатиб борилади. Биз ақлли иссиқхона технологияларини таклиф килаяпмиз.

– Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналистлари
Гўзал ШИРИНОВА ҳамда
Жамила ХАЙДАРОВА сұхбатлашди.

ТОҒЛАР ВА АДИРЛАРДАН ИБОРАТ ЮРТ

Худуди 100 363 км² бўлган Жанубий Корея сайёрамиздаги аҳоли энг зич жойлашган мамлакатлардан бири. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши бор-йўғи З фоизни ташкил этади. Шу боис Жанубий Кореяни қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатдан саноатлашган мамлакатга айланди, десак муболага бўлмайди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши бор-йўғи З фоизни ташкил этади. Шу боис Жанубий Кореяни қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатдан саноатлашган мамлакатга айланди, дейиш мумкин.

Ёмғирли мавсумда шоли далалари. Мамлакатда етиштирилдиган ва экспорт қилинадиган асосий маҳсулот шоли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер майдони кичик бўлишига қарамай, Жанубий Кореядаги барча фермер хўжаликларининг деярли 85 фоизи доимий равишда шоли етиштиради. Глобал бозор муҳити гуруч экспортининг камайишига олиб келди. Ҳозир гуруч, биринчи навбатда, Жанубий Корея аҳолиси учун етиштирилмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликлида бошқа экспорт экинлари бўлмиш картошка,

соя, арпа, буғдой, тамаки, пахта, ширина картошка, сабзавот, шафтоли, олма, мандарин, женъшень ҳам етиштирилади.

Иқлими. Жанубий Корея континентал, муссонли иқлимга эга. Ёзи иссиқ ва нам, қиши нисбатан совуқ ва қуруқ. Йиллик ёғингарчилик Сеулда 1 370 мм.дан Пусанда 1 460 мм.гача этади. Сеулда июль ойининг ўртacha ҳарорати +22,5...+25°C. Жежу оролида қиши мамлакатнинг бошқа қисмларидағига қарраганда юмшоқроқ келади. Жежудаги ўртacha ҳарорат январда +2,5°C дан июлда +25°C гача. Йиллик ёғингарчиликнинг учдан икки қисми июнь-сентябрь ойлари орасида ёмғирли мавсумга тўғри келади.

Ўсимликлар. Ўрмонлар ҳудуднинг 61,6 фои-





зини эгаллайди. Соҳил бўйидаги текисликларни бамбуқзорлар, доим яшил эманзорлар, дафна ва шолизорлар ташкил этади. Шарқий Корея тоғларининг ён бағирларида қарагай, арча, эман, жўка, терак, чинор, қарагай, аспен ва шохли дараҳтлар аралаш ўрмонлар жойлашган. Шунингдек, бу ўрмонларда акация, манҷурия ёнғоғи, бахмал дараҳти, женьшень ўсади. Қарагайзорлар ҳам қуий тоғ камари билан чегараланган. Корея яриморолининг жанубида 300–400 метр баландликдаги кенг баргли ўрмонларда доим яшил дараҳт турлари (япон камелияси, эман ва бошқалар), ҳар хил турдаги ёзги-яшил кенг баргли ўрмонлар учрайди. Тоғларда 1 500 метр баландликда қизил қарагайлар ўсади. Водийларда новдалари 10 метргача бўлган бамбуқзорлар бор.

Экин етишириш. Жанубий Кореядаги қишлоқ хўжалигига тегишли ерлар худуднинг 17 фоизини, уларнинг таркибида ҳайдаладиган ерлар 84 фоизни эгаллайди. XX асрдагача мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти шоли бўлган бўлса, ҳозир маҳсулот ассортименти сезиларли даражада кенгайиб, мева, сабзавот, чорвачилик ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг тури кўпайган.

2001 йилда қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши мамлакат ялпи миллий даромадининг 4 фоизини, деҳқон аҳолиси 4 миллион кишини (жами аҳолининг 8,3 фоизини) ташкил этган эди. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг улуши унчалик катта бўлмаса-да, у билан боғлиқ бўлган саноатнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ва бошқалар улуши ялпи ишлаб чиқаришда 14 фоизниташил этади.

Жанубий Кореядаги шолизорлар. Жанубий Кореядаги қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. Жанубий Кореядаги қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий ресурс-

лар жуда кўп эмас. Мамлакатнинг учдан икки қисми тоғ ва адиrlардан иборат. Экин майдонлари мамлакат ерининг атиги 22 фоизини ташкил қиласди. Жанубий Кореядаги энг муҳим экин шоли бўлиб, мамлакатдаги умумий дон етиширишнинг қарийб 90 фоизини ва фермер хўжаликлари даромадининг 40 фоиздан ортигини ташкил қиласди. Бошқа дон маҳсулотлари эса асосан бошқа мамлакатлар импортига таянади.

Қишлоқ хўжалиги ери. 2022 йилда Жанубий Кореяning қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ери 1,698 миллион гектар (17 фоиз)ни ташкил этди. Шундан ҳайдаладиган ернинг учдан икки қисми шоли етишириш учун мўлжалланган. 2011 йилда Жанубий Кореядаги шолизорлар майдони тахминан 854 минг гектар (50,3 фоиз)ни ташкил этди. Урбанизация ва саноатлаштириш ривожланиши билан Жанубий Кореяning озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлаш даражаси экин майдонларининг доимий қисқариши туфайли пасайиб бормоқда.

Жанубий Кореядаги 2018 йилда етиширилган маҳсулотлар:

5,1 миллион тонна гуруч (дунёда 15-ўринда);
3,3 миллион тонна сабзавот;
2,5 миллион тонна карам (Хитой, Хиндистон ва Россиядан кейин дунёда 4-ўринда);
1,5 миллион тонна пиёз (дунёда 13-ўринда);
646 минг тонна мандарин;
553 минг тонна картошка;
534 минг тонна тарвуз;
475 минг тонна олма;
346 минг тонна хурмо (Хитой ва Испаниядан кейин дунёдаги учинчи ийрик етишириувчи);
344 минг тонна помидор;
333 минг тонна бодринг;
331 минг тонна саримсок;
321 минг тонна қовоқ;
314 минг тонна ширин картошка;
230 минг тонна қалампир;
213 минг тонна қулупнай (дунёда 7-ўринда);
205 минг тонна шафтоли;
203 минг тонна нок;
177 минг тонна узум;
167 минг тонна полиз маҳсулотлари.

МАНБА:

www.statista.com
en.wikipedia.org

Наргиза КАРИМОВА,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси журналисти



КОРЕЯГА АНОР ВА ГИЛОС ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ



2022 йилда Жанубий Корея-нинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони 1,698 миллион гектарни ташкил этди. Бу Жанубий Корея умумий

майдонининг 17 фоизини ташкил қиласди. Ҳайдаладиган ернинг учдан икки қисмида шоли экилади. 2011 йилда Жанубий Кореяда шоли майдони тахминан 854 минг гектар бўлиб, бу экинзорларнинг 50,3 фоизини ташкил этган эди. Урбанизация ва саноатлаштириш жараёни жадаллашуви натижасида экинзорлар муттасил қисқаряпти. Шу туфайли Жанубий Кореяниң озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлашда ражаси анча пасайди. Бунинг ортидан мамлакат кўпгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни узоқ масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, давлатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ришталари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўсимликлар карантини бўйича бир қанча баённомалар имзоланган. Улардан Жанубий Кореяга анор ва гилос экспорт қилиш бўйича талаблар билан танишиб чиқамиз.

Жанубий Кореяга анор экспортиталаби

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги анорнинг бутун вегетация даврида феромон тутқичлардан фойдаланган ҳолда Жанубий Кореяга экспорт қилишда карантин объектлари мавжудлигини қўйидагича назорат қиласди:

- анорзорлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги томонидан рўйхатга олиниши ва бошқарилиши керак;
- анорзорда зааркунандаларни назорат қилиш мақсадида камида 2 та феромон тутқич қўйилиши керак (агар анорзор олма боғи ёнида жойлашган бўлса, тутқични олма боғига энг яқин бўлган чегарага қўйиш керак);
- тузоқча тушган зааркунандаларни назорат қилиш рўйхатини шакллантириш бутун вегетация давридан ҳосил йиғимиғача давом этиши керак;
- тузоқ ҳар икки ҳафтада текширилиб, таҳлиллар ёзиб борилиши, тегишли хulosалар чиқарилиши керак;
- агар кузатув натижасида анорзордаги



феромон тузоғида карантиндаги организм топилса, бу боғ Жанубий Кореяга маҳсулот экспорт қилиш хуқуқидан маҳрум этилиши керак.

Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлигига экспорт назорати вақтида карантин объектлари аниқланмаса, декларациянинг 11-бандига асосан қўшимча (This consignment was inspected and found to be free from codling moth through the field inspection and export inspection – ушбу партия кўздан кечирилди, дала текшируви ва экспорт текширувида анор куяси йўқлиги аниқланди) матнни ўз ичига олган фитосанитария сертификати берилади. Куя мониторинги ёзуви қайд этилиши ва зарур ҳолларда Ўзбекистон Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги ёки Корея NPPO (Корея миллий ўсимликларни ҳмиоя қилиш ташкилоти) томонидан даврий текшириш учун фитосанитария сертификати сақланиши керак.

Паллет ёки қадоқлаш материалларига анорзорнинг рўйхатга олинган рақами ва “КОРЕЯ УЧУН” ёзуви кўрсатилиши керак бўлган стикер (A4 қозоз) ёпиштирилиши зарур. Экспорт қилишда қадоқлаш цехини рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди. Жанубий Кореяга ҳар бир экспорт юкини тайёрлашда Ўзбекистон Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги хизмати инспектори иштирок этиши шарт қилиб белгиланган.

Гилос экспорти учун келишув

Ўзбекистондан Жанубий Кореяга экспорт қилинадиган барра гилос (*Prunus avium L.*) мамлакатимизнинг бешта вилояти: Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғонада этиштирилган гилос маҳсулоти учун хавфсиз ҳудуд рўйхатига киритилгани сабабли фақат ушбу худуддан экспорт қилинади. Маҳсулотлар Жанубий Корея импорти фитосанитария талабларига, шунингдек, хавфсизлик ва гигиена стандартларига жавоб бериши талаб этилади. Экспорт жараёни заараркунандаларга қарши курашиш ва дезинфекциялаш усули ёрдамида амалга оширилиши керак.

Баённоманинг асосий мақсади Жанубий Корея томонидан назоратга олинган карантин объектларини йўқ қилишdir. Масалан, касаллик тарқатувчи замбуруғ (*Stigmina carpophila*), гилос пашшаси (*Rhagoletis cerasi*), узум барг ўровчиси (*Lobesia botrana*), гилос меваҳўри (*Cydia pomonella*), касаллик



тарқатувчи замбуруғ (*Verticillium dahliae*), зарап етказувчи ҳашарот (*Mercetaspis halli*), вергулсимон қалқондор (*Lepidosaphes ulmi*) ёғочхўр қўнғиз (*Scolytus multistriatu*), касаллик тарқатувчи вирус (*Arab is mosaic virus*) ва бошқаларнинг тарқалиши назорат қилинади.

Метил бромид билан фумигация қилиши.

Карантин инспектори томонидан фумигация камерасининг герметиклиги синовдан ўтгандан сўнг фумигация ишларига рухсат берилади. Агар фумигация камерасидан газ сизиб чиқиш ҳолати юз берса, фумигация ўтказилмайди. Ўзбекистон томони метил бромид (МБ) билан фумигацияни бошлашдан олдин фумигация инфратузилмаси ва жихозларининг яроқлилигини текшириши шарт.

Ўзбекистон карантин инспектори фумигация жараёнини *Anarsia lineatella*, *Cydia pomonella*, *Grapholita funebrana* ва *Rhagoletis cerasi* ни зарарсизлантириш учун куйидаги стандарт асосида амалга ошириши керак. (1-жадвал).

Қадоқлаш корхоналарига қўйиладиган талаблар.

Инспекция ҳўл гилос экспорт қилувчи қадоқлаш корхонасини рўйхатдан ўтказиши ва унинг фитосанитар ҳолатини назорат қилиши шарт. Шунингдек, қадоқлаш цехи қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қадоқлаш корхонасида МБ фумигация мосламаси ва баённомага мувофиқ фумигация учун барча зарур жихозлар бўлиши шарт;

- қадоқлаш корхоналарида қайта зарарланишнинг олдини олиш чоралари кўрилиши керак. Бу чора-тадбирлар автоматик эшиклар, полиэтилен ёки ҳаво пардалари ўрнатишдан иборат бўлиши мумкин. Заараркунандаларнинг ташқаридан кириб келишига йўл қўймаслик учун барча очиладиган деразаларда тўсиқлар бўлиши керак;

- қадоқлаш хонасида текшириш учун жой ва ёриткичи стол бўлиши керак;

- қадоқлаш корхонасида ҳўл гилосни сақлаш

Кимёвий воситанинг номи	Дозаси (гр/м³)	Ҳарорат (С°)	Вакт (соат)	Газнинг минимал концентрацияси (гр/м³)		Босим
				30-дакиқадан кейин	2-соатдан кейин	
Метил бромид (Ch3Br)	64	6-12	2:30	48	38	Ўргача атмосфера босими
	48	12-17		38	29	
	40	17-22		32	24	
	32	Б22		26	19	

1-жадвал

учун жой бўлиши керак. Қадоқлаш корхонаси мунтазам дезинфекция қилиниши ва санитария талабларига жавоб бериши талаб қилинади;

- ҳўл гилос қадоқлаш мосламаларига келтирилгандан сўнг қадоқлаш материалларида ёрликлар бўлиши керак;

- ёрликларда маҳсулотнинг қайси экспорт боғидан экани (ном ёки код) кўрсатилиши керак;

- қадоқлаш бўлими ушбу тегларни тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши керак;

- қадоқлаш бўлими ўлчаш ва сақлашга доир ёзувларни киритиши ва уларни сақлаши керак;

- Жанубий Кореяга экспорт қилиш учун сараланган ҳўл гилос сараланмаган ва фумигацияланмаган гилосдан алоҳида сақланиши керак;

- рўйхатга олинмаган боғларни саралаш учун ишлатиладиган сув ҳосили Жанубий Кореяга экспорт қилинадиган боғлар учун қайта ишлатилмаслиги керак;

- инфекцияланган ёки шикастланган гилос ёки бошқа бегона нарсаларни олиб ташлаш ва экспорт юки билан аралаштирумаслик керак;

- қадоқлаш бўлими ҳар бир экспорт боғидан келтирилган сараланган маҳсулотларни ҳар куни журнالда қайд этиши керак.

Қадоқлаш усуслари ва ёрликлари.

Ҳўл гилос материал ёки тўрга ўралган бўлиши керак (тўр диаметри 1,6 мм ёки ундан кам бўлиши керак).



“Ўздавкарантин” инспекцияси юкни сақлаш ва қадоқлашдан кейин экспортга ташишда зараркундалар томонидан қайта зарарланишининг олдини олиш чораларини кўриши керак. Жанубий Кореяга экспорт қилиш учун таглик ёки ўрамнинг ташки 4 томонига “Кореяга экспорт қилиш учун” ёзуви ёпиширилиши керак. Жанубий Кореяга олиб кирилаётганда илова қилинган ёрлик юзада бўлиши лозим. Ҳар бир қадоқ қутисига инглиз тилида маҳсулот номи, ишлаб чиқарилган жойи (вилоят ва туман), экспорт боғи ва қадоқлаш корхонасининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилган бўлиши даркор. Маҳсулотни қайта ўрашга йўл қўйилмайди. Ўрам Жанубий Кореяга етиб боришдан олдин бузилмаган ҳолда қолдирилиши керак. Гилос Жанубий Кореяning кириш портига етиб



борганида мамлакат инспектори қатор жиҳатлар мавжудлигини таъминлаши керак. Аввало, импорт текшируви пайтида бирор-бир муаммо юзага келса, товарлар йўқ қилиниши ёки қайтариб берилиши керак. Фитосанитария сертификатида масалан қўйидаги ёзув қайд этилган бўлиши керак: “Ушбу партия Жанубий Корея APQA(Animal and Plant Quarantine Agency) томонидан келишилган талабларга жавоб беради, лекин текширилгандан данакли мева дарахтларининг кластоспориоз касаллигини қўзғатувчи Stigmella sapprophila замбуруғи йўқлиги ва метил бромид билан фумигация қилингани аниқланди”.

Бундан ташқари Жанубий Кореяга 45 хил маҳсулот, жумладан, барра (ҳўл) маҳсулотлар: гилос, анор, саримсоқпиюёз, пиёз, сабзи, лавлаги, укроп, айсберг салати, руккола, райхон, ялпиз, петрушка, сельдерей, тозаланган грек ёнғоги ва ерёнфоқ, хандон писта, бодом, шўрданак, мosh экспорт қилинади. Қуритилган маҳсулотлардан анжир, ўрик, майиз, олхўри, олма, нок, нектарин, қовун, олча, гилос, қалампир, пиёз, сабзи, помидор, картошка, булфор қалампир, ковул, укроп, айсберг салати, руккола, райхон, ялпиз, петрушка, сельдерей экспорти учун Ўсимилклар ҳимояси ва карантинитомонидан экспорт рухсатномаси олинган бўлиб, ҳар бири алоҳида карантин талабига эга. Юқорида гилорни хисобга олиб барчага ўз ҳудудидаги карантин инспекторлари билан ҳамкорликда ишлашини тавсия этамиз.

Норжигит НИШОНОВ,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳасининг худудий иктисадчиси





ЁМФИР СУВИНИЙИФИШ ОРҚАЛИ ҲАМ ЭКИНЛАР СУГОРИЛАДИ

Жанубий Кореяда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг 3 фоизини ташкил этади. Бироқ қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий ресурслар жуда кам. Мамлакат рельефи асосан тоғли бўлиб, кўп қисми дехқончиликка яроқсиз. Асосан ғарб ва жануби-шарқда жойлашган пасттекисликлар умумий ер майдонининг атиги 30 фоизини ташкил қиласди. Тоғли ўрмонлар мамлакат ҳудудининг учдан икки қисмини эгаллади. Қишлоқ хўжалиги экини етишириладиган майдонлар, асосан, тоғли ҳудудлар ва пасттекисликлар, яъни шолизорлардан иборат.

Корея Республикаси Корея яриморолининг жанубий қисмida жойлашган. Евроосиё қитъасидан 1 100 км узоклиқда бўлиб, ғарбдан Сариқ дengiz, шарқдан Шарқий dengiz, жанубдан Корея бўғози ва Шарқий Хитой dengизи билан чегарадош.

Жанубий Корея нам континентал ва субтропик иқлим ҳудудида жойлашган бўлиб, Шарқий Осиё муссони таъсири остида бўлади. Ёзда июнь ойининг охиридан июль ойининг охиригача давом этадиган ёмфирли мавсумда энг кучли ёғингарчилик кузатилади. Қиши совуқ бўлиб, минимал ҳарорат мамлакатнинг ичидаги -20°C дан пастга тушиши мумкин. Сеулда январнинг ўртача ҳарорати -7°C дан 1°C гача, август ойининг ўртача ҳарорати эса $+22^{\circ}\text{C}$ дан $+30^{\circ}\text{C}$ гача. Қишки ҳарорат жанубий қирғоқ бўйлаб юқори ва тоғли ички ҳудудларда анча паст бўлади. Ёзи ноқулай даражада иссиқ ва юқори намгарчилиги билан ажralib туради. Мамлакатнинг аксарият қисмida ҳарорат $+30^{\circ}\text{C}$ дан ошади.

Жанубий Кореяда Ўзбекистон Республикасига хос тўрт фасл мавжуд. Мамлакатда баҳор одатда март ойининг охиридан май ойининг бошигача, ёз май ойининг ўрталаридан сентябрь ойининг бошигача, куз сентябрь ойининг ўрталаридан ноябрь

ойининг бошигача, қиш эса ноябрь ойининг ўрталаридан март ойининг ўрталарига қадар давом этади. Ёмфир асосан июндан сентябргача бўлган муддатда тўпланади. Ёмфирдан экинларни суғориша фойдаланиш ҳам кенг миқёсда йўлга қўйилган.

Жанубий қирғоқлар ёзниг охирида шамол ва кучли ёмфир келтирадиган тайфунларга дучор бўлади. Йиллик ўртача ёзин Сеулда 1 370 мм.дан Пусандада 1 470 мм.гача ўзгариб туради. Вақти-вақти билан кучли шамол ва тошқинларни келтириб чиқарадиган тайфунлар кузатилади.

Жанубий Кореяниг ғарбий ва жанубий қирғоқларида уч мингга яқин орол мавжуд. Корея яриморолининг жанубий қирғоғидан тахминан 100 километр узоклиқда жойлашган Жежу ороли мамлакатнинг энг катта ороли бўлиб, майдони 1 845 квадрат км.ни ташкил этади.

Жанубий Кореяда ирригация ва дренаж тармоқларининг умумий узунлиги 184 036 км бўлиб, шундан ирригация тармоғи 11 695 км (63,2 фоиз)ни ва дренаж тармоғи 67 641 км (36,8 фоиз)ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларини ошириш мақсадида ирригация ва дренаж тармоқларини такомиллаштириш

ҳамда рақамлаштириш орқали техник назоратда ушлаб туриш йўлга қўйилган.

Сув омборлари Жанубий Кореядаги асосий суғориш манбаси ҳисобланниб, 453 000 гектар шоизорни (56,2 фоиз) сув билан таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, сув омборлари қишлоқ хўжалигининг асосий сув манбаси эканидан далолат беради.

Мамлакатнинг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган Чеонгсандо оролида дехқончилик асосий йўналиш ҳисобланади. Бу ердаги фермерлар 500 йил давомида минтақадаги сув танқислиги ва қумли тупроққа мослашиб, шоли учун террасалар қуриб, сифатли шоли етиштириш орқали юқори даромад олишни йўлга қўйган.

Шоли етиштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида Корея шоли билан ўзини-ўзи таъминлашга эришди, бироқ ҳозирги кунда гуручнинг ортиқча етиштирилиши ҳам бир муаммога айланди. Жанубий Кореяда қарийб 100 минг гектар шолизорга эга бўлган 63 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги тузилмаси бўлиб, бу суғориладиган шоли майдонларининг қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Нисбатан кичик ҳудудга эга бўлса-да, Жанубий Корея бой сув ресурсларига эга давлатлардан ҳисобланади. Тўлиқ, оқим ва сувнинг шаффоғлиги билан ажralиб турадиган кўплаб дарё ва кўллари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида дарёлар, асосан, тоғлардаги қор ва музликлардан ҳамда ёмғир сувларидан тўйинади. Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта сув артериялари бўлмиш Сирдарё, Амударё ҳамда уларнинг ирмоқлари Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида шаклланади. Булар: Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчик, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шеробод дарёси.

Уларнинг кўпи факат ўрта ва қуви оқимида Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Республикамиз ва қўшни давлатлар ҳудудида шаклланадиган сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришилмокда.

Жанубий Кореяда кўпгина дарёлар Корея яриморолининг катта қисмини эгаллаган тоғлардан бошланиб, ғарбга оқади. Сариқ, денгизга қўйилади ҳамда сув таъминоти, гидроэнергетика, сув транспорти ва суформа дехқончилик учун фойдаланишда катта имкониятлар яратади. Жанубий Кореянинг асосий дарёлари Нактонган, Ҳангандарё, Тхэхваган ва Кимгандир.

Нактонган Корея яриморолининг жануби-шарқидаги энг йирик дарёлардан бири. У Жанубий Кореянинг Пусан ва Тэгу каби йирик шаҳарлари яқинида жойлашган бўлиб, узунлиги 506 км ва умумий сув ҳавзаси 23 минг квадрат км.ни ташкил қиласди. Чхоламхон ва Хванжичеон (Гангвон вилояти) оқимларининг қўшилиш жойидан бошланади. Йўнган, Кимхоган ва Намган унинг ирмоқлари



1-расм. Жанубий Корея сув манбасининг умумий кўриниши



2-расм. Нактонган дарёси

ҳисобланади (2-расм).

Ҳангандарё дарёсининг узунлиги 514 км бўлиб, Жанубий ва Шимолий Ҳангандарё дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Жанубий Корея пойтахти Сеул ҳудудидан оқиб ўтади. Эни 1 км атрофида бўлиб, Сариқ, денгизга қўйилади. Дарёда Сеулнинг ўнг ва чап қирғоқларини боғловчи 27 та кўприк мавжуд (3-расм).

Кимгандарё дарёсининг узунлиги 401 км (мамлакатдаги учинчى йирик дарё) бўлиб, сув ҳавзаси 9,8 минг квадрат км. Корея яриморолининг жануби-ғарбий қисмida жойлашган. Собек тоғларидан бошланиб, аввал шимолдан, сўнг жануби-ғарбий йўналишдаги кўп ирмоқлар (Капчон, Югучон, Михочон, Унсанчон, Соксончон, Носанчон)дан оқиб ўтади ва Сариқ, денгизга қўйилади (4-расм).

Имжингандарё дарёсининг узунлиги 273,5 км (Корея яриморолининг барча дарёлари орасида еттинчи ўринни эгаллади). Сув ҳавзаси 8,1 минг квадрат км. Дарё оқими шимолдан жанубга, Сеул яқинидаги Ҳангандарёга ва кейинчалик Сариқ, денгизга қўйилади. Ёмғирли мавсумда (июль-август) дарё тўлибоқади, тошқинлар эса кам учрайди (5-расм).

Тхэхвагандарё дарёсининг узунлиги 45,7 км, Пэгунсан тоғли водийларидан бошланиб, Ульсан ҳудудидан шарқий ва ғарбий йўналишда оқиб ўтиб, Япон денгизига қўйилади (6-расм).

Корея яриморолида табиий (вулқон отилиши,



3-расм. Ҳанган дарёси



4-расм. Кимган дарёси



5-расм. Имжинган дарёси



6-расм. Тхэхваган дарёси

денгизларнинг тошиши туфайли) шаклланган кўллар билан бир қаторда йирик гидроэлектр станциялари ва турли ирригация иншоотлари қурилиши натижасида 1 700 дан ортиқ сунъий кўл қурилган. Уларнинг аксарияти Жанубий Корея давлатининг шимолий қисмида жойлашган. Жанубий Кореядаги энг йирик кўллар – Супхун, Чанчжин, Пучжон, Чанчжаган, Манпхун, Чансу, Енпхун, Со-хин, Инпха ҳамда кенг тарқалгани Чон, Самчжи, Чанъен, Пэкнок, Кван, Ман, Тончжондир.

Андон кўли 1976 йилда Андон шахри яқинидаги Накдонг дарёсида тўғон қурилиши натижасида ҳосил бўлган сунъий кўл ҳисобланади. У тошқинларни назорат қилиш, сув таъминоти муаммоларини ҳал қилиш ва электр энергиясини ишлаб чиқариш манбаи бўлиб хизмат қиласди (7-расм).

Жинъянг кўли тахминан 29 квадрат км майдонга эга бўлиб, 1970 йилда Жанубий Кореяning Чинчжу ва Сачеон шаҳарларини сув ва электр энергияси билан таъминлаш учун Намган дарёсида тўғон қурилиши натижасида пайдо бўлган (8-расм).

Анапчжи кўли эрамизнинг 647 йилида Силла сулоласи подшоҳи Мунмуван томонидан қурилган. Қайта тиклаш ишларидан сўнг сув омбори асл овал шаклига қайтарилди, унинг узунлиги ғарбдан шарққа 200 метр, кенглиги шимолдан жанубга 180 метр бўлиб, ҳовуз ичидаги орол мавжуд (9-расм).

Қишлоқ, хўжалигида сув одатда апрель ойининг охиридан июнь ойининг бошига қадар шоли экиш учун тўпланади. Гуручни экиш нам мавсум бошланишидан олдин амалга оширилади. Одатда сув омборида гуруч йиғим-теримидан кейин қуруқ мавсумда келаси экин учун сувни сақлаш ишлари амалга оширилади.

Жанубий Кореяда сув ресурсларини бошқаришнинг илфор ва инновацион ғоялари ишлаб чиқилиши сув хўжалигида янги замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши ва соҳанинг жадал ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Масалан, энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, оқова сувларни тозалаш ва ёпиқ сувдан фойдаланиш тизими, юқори концентрацияли мембраннылар, дарё бўйида сув шимилишини камайтириш технологиялари, дарё сувини чучуклаштириш шулар жумласидан.

Сув омборлари эса шоли далалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун асосий сув манбаси ҳисобланаб, насос станция ва сув олиш каналлари қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш учун хизмат қиласди.

Жанубий Кореяда ирригация иншоотларининг умумий сони 69 323 тани ташкил этади. Сув оладиган насос қудуқлари сони 23 478 та бўлиб, 33,9 фоизни ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалигидаги фойдаланиладиган сув омборлари сони 17 569 тани (25,3 фоиз), насос станциялари сони 7 467 тани



7-расм. Андон кўли



8-расм. Жинъянг кўли



9-расм. Анапчжи кўли

(10,8 фоиз) ташкил қилган (2009 йил.).

Сув омборларининг 52,1 фоизи 1945 йилгача, яъни Иккинчи жаҳон уруши тугагунга қадар ва қолган сув омборлари охириги 40 йил олдин қурилган. Ўтган 20 йил ичига фақат 561 та сув омбори (3,2 фоиз) қурилган. Ушбу статистик маълумотлар қишлоқ ҳўжалигидағи сув омборларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ.

Сув ҳўжалиги обьектлари қурғоқчилик даврида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки қурғоқчилик даврида иншоотлардан самарали фойдаланиш орқали экинларнинг сувга талабини қондириш, ўз навбатида, экинлардан барқарор ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда суғориладиган ер майдонидан интенсив ва комплекс равишда фойдаланиш корейс дехқончилик этика-

сининг бир қисмидир. Экин экиш, етиштириш технологияси, алмашлаб экишдек барча агротехник тадбирлар тизимлаштирилган. Бу орқали тупроқ унумдорлиги оширилади, натижада экин ҳосилдорлиги ортиб, етиштирилган ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланади.

Хулоса тариқасида қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Жанубий Корея ҳукумати ва компаниялари сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича янги ечимларни ишлаб чиқиши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиши катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, сув ресурслари билан яхши таъминланган ва улардан юқори даражада фойдаланиш ташкил этилган.

Учинчидан, сувга талаби юқори бўлган шолини етиштиришда катта имконият мавжуд ва ҳозир суғориладиган майдоннинг 80 фоизи шоли етиштиришга йўналтирилган.

Тўртинчидан, Жанубий Кореяning асосий сув манбалари, иқлимий кўрсаткичлари, етиштириладиган экин турлари, экинларнинг сув билан таъминланиши, тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари, дехқончилик маданияти шаклланган.

Бешинчидан, мавжуд бўлган сув манбалари, жумладан, дарё ва кўллар ҳамда иқлимий кўрсаткичлар, етиштириладиган экин турлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш орқали экинларнинг сувга талаби, сув билан таъминланиш даражаси, тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари ҳисобга олинган.

МАНБА:

1. http://www.ekcid.org/eng/sub/cp.php//Korea_profile100214.pdf (Country Profile - Republik of Korea)
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Climate_of_Seoul.
3. Karen Chol. New solutions for water resources management in South Korea // Water – Report. Ministry of Forein Affairs. July 2020.
4. "Agriculture" Federal Research Division of the Library of Congress. Retrieved 2015-08-07.
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/daryo-uz/>
6. https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_rivers_of_Korea

Бахтияр МАТЯКУБОВ,
 "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳасининг ирригациядан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассиси



Аҳмаджон АЛИМЖАНОВ,
 "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳасининг сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассиси



“МОВИЙ ОЛТИН”НИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожи, энг аввало, сув ресурслари билан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ. Ер юзида “мовий олтин” деб номланган сувдан фойдаланиш соҳасида кутилмаган вазиятлар юзага келиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи дехқончилик тизимини такомиллаштириш, тизимда замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Чунки Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб дунё миқёсида 5 млрд.дан ортиқ киши сув танқислигини бошдан кечириши мумкин.

Айнан шунинг учун 2016 йили 21 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси “2018–2028 йиллар – Халқаро ўн йиллик ҳаракатлари “Барқарор тараққиёт учун сув” резолюциясини бир овоздан тасдиқлади. Ушбу ўн йилликда сув ресурсларини комплекс бошқариш соҳасида барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, сув ресурслари соҳасида лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ва илгари суриш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув ресурслари, озиқ-овқат, энергетика ва атроф-муҳит ўртасидаги интеграция масалалари қамраб олинади.

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгариши, аҳолининг интенсив ўсиши, саноат ва шаҳар сув таъминоти бўйича сув истеъмоли ҳажмининг ошиши сув ресурслари танқислигини йилдан-йилга оширомоқда.

Жаҳон табиий ресурслар институти маълумотларига кўра, Узбекистон сув танқислигидан азият чекаётган давлатлар рейтингида 25-уринни эгаллаган. Мамлакатда сув танқислиги юқори деб баҳоланмоқда.

Хозир Ўзбекистонда истеъмол қилинадиган сувнинг ўртача йиллик ҳажми 51–53 млрд куб метрни ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган сув ресурсларининг 97,2 фоизи – дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи – коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи – еости манбалари ҳисобига шаклланган. Сув ресурсларининг энг кўп фойдаланувчиси қишлоқ хўжалиги бўлиб, у мавжуд сув ресурсларининг қарийб 90 фоизидан фойдаланади ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнида энг қимматли ва бебаҳотабии ресурслар – сув ва ер ресурсларидан самарали, меъёр даражасида фойдаланиш соҳа олдидаги долзарб вазифалардан.

Республикамизда сув ресурслари тақчиллигининг салбий таъсирини камайтиришининг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Ушбу технологияларни жорий этиш бошқа тадбирларга нисбатан анча кам сарф-харажат ва вақт

талаб этади.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланиладиган сув тежовчи технологияларнинг асосий турларига томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, дискрет суғориш, ерларни лазер ёрдамида текислаш, кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш кабиларни киритиш мумкин. Ушбу сув тежовчи технологиялардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш сув ресурслари сарфини 20–60 фоизгача тежаш имкониятини беради.

Шу муносабат билан республикада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориш тизимини тубдан модернизация қилиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига инновацион суғориш технологияларини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2017-2022 йилларда 1 006 520 гектар майдонда сув тежамкор технологиялар жорий этилган. Шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 37 фоизни, ёмғирлатиб суғориш З фоизни, дискрет суғориш 2 фоизни, эгилувчан қувурлар орқали суғориш 7 фоизни, эгатга плёнка тўшаб суғориш 4 фоизни ҳамда ерларни лазер ёрдамида текислаш 45 фоизни ташкил этди (1-2-расмлар).


Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилоятлари сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдон бўйича етакчилик килмоқда (3-расм).

Таъкидлаш керакки, тежамкорлик борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида сувни тежайдиган технологиялар қўлланадиган майдонлар Навоий (қишлоқ, хўжалиги экин майдонининг 51 фоизи), Хоразм (47 фоиз), Жиззах (37 фоиз) вилоятларида кенгайиб бормоқда.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларини таҳ-
лил қилиш натижалари сув тежовчи технология-
ларни жорий этишнинг ижобий тенденциясини кўр-
сатмокда.



1-pacM.



2-pacM.

риш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланган. Пахта, донли, сабзавот ва картошка, полиз, озуқа-боп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли текислаш учун 1 млн сўмдан субсидия берилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 367-моддасига биноан, ер участкасининг томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган қисми учун тегишли субъект 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди. Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

Юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва имтиёзлар белгиланиши мазкур тадбирни ривожлантиришда





3-расм.



асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунга қарамасдан, сув тежовчи суғориш тизимларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, харид қилиш, жойларда лойиҳалаштириш ва ўрнатиш билан боғлиқ камчиликлар ҳамда айрим хўжалик субъектларининг бу борадаги кўникмалари етарли эмаслиги мазкур технологияларнинг ўз вақтидан кечикиб жорий қилинишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, томчилатиб суғориш технологияси ва бошқа сув тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг илмий асосланган стандартлари мавжуд эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун минтақанинг тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиб етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг агротехнологик хариталарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур.

Жаҳон банкининг таҳлилий кўрсаткичларига кўра, сувга бўлган талабнинг кучайиши ҳисобига 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сув танқислиги

беш баробар ошади. Шу боис республика қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишга фаол кўмаклашадиган аниқ ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларни белгилаш зарур.

Қишлоқ хўжалигида сув танқислигининг олдини олиш ва камайтириш учун сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш мақсадида қўйидаги чораларни амалга ошириш лозим:

- ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқсан ҳолда қўлланадиган сув тежовчи технологияларни жорий этиш соҳаси ва турларини аниқбелгилаш;

- сув тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда минтақалар кесимида агротехнологик хариталарни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- қисқа вақтда ҳар бир ҳудуд ёки ҳудудлараро миёсда сув тежовчи технологиялар ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ва қайта ишлашни йўлга қўйиш;

- томчилатиб суғориш технологияларидан кооперация асосида фойдаланиш;

- ҳар бир қишлоқ худудида сув тежовчи технологияларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассисларни, параллел равиша мавжуд кадрларнитайёрлаш;

- давлат-хусусий шериклик асосида фермер хўжаликларида сувни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ўқитиш учун замонавий минтақавий ўқув марказларини ташкил этиш;

- сув тежовчи технологияларни лизинг асосида тақдим этиш.

Хуноса ўрнидат таъкидлаш керакки, юқоридаги чора-тадбирларни қўллаш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан босқичма-босқич ва кенг фойдаланишга хизмат қиласи.

МАНБА:

- Water Scarcity: An Understated Global Security Risk. Water Politics. <http://www.waterpolitics.com/2020/12/16/water-scarcity-an-understated-global-security-risk/>
- Международное десятилетие действий «Вода для устойчивого развития», 2018-2028 годы <http://www.un.org/ru/documents/>
- Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» от 10.07.2020 г. URL: <https://lex.uz/docs/>

Фарида ЮСУПОВА,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси маслаҳатчиси



МОНИТОРИНГ – СИФАТ КҮРСАТКИЧИНІНГ АСОСИ

Бугунги кунда юртимиздаги сув ресурсларининг етишмаслигига сүфориладиган майдонларга үз вақтида етиб бормаётгани, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, экин талабидан келиб чиқсан ҳолда сувни етказиб беришда муаммолар мавжудлиги натижасида экин ҳосилдорлигининг камайиши ҳамда сизот сувлар сатхининг күтарилиши туфайли сүфориладиган майдонларнинг шүрланиши кузатилмоқда.

Хозирги сув танқис бўлган бир вақтда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сүфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш, сув хўжалигига бозор тамоиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги обьектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Аҳолининг йилдан-йилга кўпайиши ҳамда сувга эҳтиёжнинг ошиши, иқлим ўзгариши натижасида аномал иссиқ об-ҳаво янги меъёрга айланиб бораётгани, қорли кунлар қисқариши қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишда сувдан фойдаланишни йўлга қўйиш учун олдиндан тайёр бўлиш кераклигидан далолат беради.

Жаҳон банки эксперлари маълумотига кўра, 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавzasида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударё ҳавzasида 15 фоизгача камайиши куттилмоқда. 2050 йилда Марказий Осиёда чучук сув тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизга пасайишига олиб келиши мумкинлиги келтирилган.

Сув хўжалиги вазирлигининг маълум қилишича, ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистоннинг бир йиллик сув истеъмоли 64 миллиард куб метр деб ҳисоб-китоб қилинган. Шундан 20 фоизи республика ичкарисидаги дарёлар, сойлар ва еости сув захираларига, 80 фоизи эса қўшни республикалар худудида шаклланадиган трансчегаравий дарёлардан олинадиган сув миқдорига тўғри келади.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотига асосан, республикада фойдаланилган ўртacha йиллик сув миқдори 2019 йилда 53,9 миллиард куб метр, 2020 йилда – 51,2 миллиард куб метр, 2021 йилда – 43,2 миллиард куб метрни ташкил қилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган сув тақчиллиги, биринчи навбатда, аҳоли эҳтиёжи учун тоза ичимлик сув етарли эмаслиги, шунингдек, қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминлашда жиддий муаммолар юзага келаётгани билан боғлиқ.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига сув танқислиги оқибатида аҳоли турмуш даражаси ёмонлашуви, экспортнинг камайиши, инфляциянинг ошиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг қимматлашиши ва аҳолини иш билан таъминлашда



1-жадвал. Мұхандислик ишлари олиб бориладиган күргазмали каналлар бўйича маълумот

Канал номи	Асосий сув манбаси	Хизмат қилиш майдони, га	Сув ўтказиш қобилияти, м ³ /с	Каналнинг умумий узунлиги, км	Жумладан			Хизмат қиладиган худудлар
					бетон	нов	ер	
Газнан	Подшоотасой	2900	3,0	14,6	14,6			Заркент, Хадикент, Ўзак, Исковот
Мухтор	Савай магистрал канали	550	3,0	5,8	2,0	1,0	2,8	Ҳамза ва Мадиёров
Гулистон	Эски Ёйилма канали	700	2,0	2,1	2,1			Новкент МФЙ, Ёйилма МФЙ



Олдинги ҳолати



Кейинги ҳолати


“Жумалик” сув тақсимоти иншооти


1-расм. “Жумалик” сув тақсимоти иншоотига Жаҳон банки миссиясининг ташрифи жараёнидан фотолавҳалар


Жиддий муаммолар кузатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда сув инфратузилмасини кўп ийллар давомида самарали, ишончли ва тезкор бошқариш учун кўплаб давлатларда замонавий ва илғор автоматлаштирилган технологиялардан фойдаланилмоқда. Шунинг учун сунъий интеллект соҳасида тажрибали ва билимли мутахассисларга талаб жуда юқори. Аммо мутахассисларни соҳага жалб қилиш молиявий имкониятларга бориб тақалади.

Шу мақсадда “Фарғона водийси сув ресурсларини бошқариш 2-босқич” лойиҳаси доирасида



2-расм. Сув ростловчи иншоотларни куриш мониторинги



3-расм. Сув ўлчаш иншоотларини куриш мониторинги

Фарғона водийсидаги вилоятларда олиб борилаётган ўқув-амалий тренинглар катта аҳамият касб этади.

Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва уларда амалий тренинг дастурларини ўтказиш мақсадида Фарғона водийсида З та кўргазмали канал танлаб олинган. Кўргазмали канални танлаб олишда улардан сув оладиган даҳаналарда сув тақсимоти ва сув ўлчаш иншоотлари га талаб ҳамда қурилиш ишларининг бажарилишидаги устуворлик бўйича аниқланди (1-жадвал).

Лойиҳа доирасида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги З-даражали “Газнан” каналида 9 та, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги З-даражали “Мухтор” каналида 8 та ва Фарғона вилояти Фарғона туманидаги З-даражали “Гулистон” каналида 8 та сув тақсимоти иншоотини куриш иш-



4-расм. "Гилос" сув тақсимоти иншоотига Жаҳон банки миссиясининг ташрифи жараёнидан фотолавҳалар

лари олиб борилмоқда.

Қурилиш ишларини мониторинг қилиш учун ўтган йилнинг 23-25 ноябрь кунлари Жаҳон банки миссиясининг ишчи гурӯҳи бошлиғи Абдулҳамид Озод ҳамда мазкур ташкилотнинг бир гурӯҳ мутахассислари "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш 2-босқич" лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона водийсига келди. Сафар жараёнида сув тақсимоти иншоотини қуришнинг асосий тамойиллари ҳамда қуришдан олдинги ва кейинги ҳолат бўйича маълумотлар билан танишди.

Жаҳон банки миссияси ишчи гурӯҳи Наманганд вилояти Янгиқўрон туманидаги "Газнан" каналидан сув оладиган З-даражали "Жумалик" ариғида қурилган "Жумалик" сув тақсимоти иншоотига ташрифи жараёнида олдин кузатилган муаммолар ҳамда улар бартараф қилингани тўғрисида фикр алмашиди (1-расм).

Ишчи гурӯҳ бошлиғи Абдулҳамид Озод томонидан лойиҳаланган ва қурилган сув тақсимоти иншоотларини автоматлаштириш лозимлиги ҳамда З-даражали каналлардаги сув тақсимлаш иншоотларини вазирлик томонидан 1-даражали каналларда лойиҳаланган SMART технологияга боғлаш кераклиги, бажарилган мазкур ишлар келгусида мутахассисларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Лойиҳанинг асосий эксперталари томонидан Фарғона водийсида танлаб олинган З-даражали кўргазмали каналларда сувни ростлаш иншоотларидан 79 таси режалаштирилган бўлиб, 30 ноябрь ҳолатига кўра 49 та, яъни 62 foизи қурилгани мониторинг орқали аниқланди (2-расм). Ҳар хил турдаги сув ўлчаш иншоотларидан 77 таси режалаштирилган бўлиб, 42 та, яъни 55 foиз лойиҳа қурилиш ишлари амалга оширилган (3-расм).

Жаҳон банки миссияси ишчи гурӯҳи Андижон

вилояти Хўжаобод туманидаги "Мухтор" каналидан сув оладиган З-даражали "Гилос" ариғида қурилган "Гилос" сув тақсимоти иншоотига ташриф буюрди (4-расм). Ташриф жараёнида лойиҳа доирасида қурилган иншоот билан яқиндан танишиб, бу муҳандислик иншоотини бошқаришни автоматлаштириш катта аҳамиятга эга экани тўғрисида фикр билдирилди.

Ишчи гурӯҳ бошлиғи Абдулҳамид Озод лойиҳанинг асосий ва маҳаллий эксперталари томонидан жойларда "Тренинг дастури" доирасида юқори даражада ишлар олиб борилаётганини эътироф этиб, бундан-да яхши натижаларга эришишда муваффақият тилади.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, келгусида хўжалик ички каналларида сув ресурсларини шаффоф, самарали ва оқилона бошқариш, каналларни юқори даражада эксплуатация қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлашда лойиҳанинг асосий ва маҳаллий мутахассислари томонидан "Тренинг дастури"ни ўтказишида жаҳонда кўлланаётган SMART технологияларни Ўзбекистонда етишириладиган қишлоқ хўжалиги экинларидан келиб чиқсан ҳолда мослаштириш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Бахтияр МАТЯКУБОВ,
 "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳасининг ирригациядан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассиси



Аҳмаджон АЛИМЖАНОВ,
 "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳасининг сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассиси



Эркин УСМОНХҮЖАЕВ: “ДАРЁ БҮЙИДА БҮЛСА ҲАМ, ТОМЧИЛАБ СУФОРИШ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК”



– “Syngenta” компанияси 90 та мамлакатда фаолият олиб борар экан. У Ўзбекистон Республикасида расман қачондан иш бошлаган ва қандай фаолият билан шуғулланади?

– Компаниямизнинг Ўзбекистон бозорида иш бошлаганига 20 йилдан ошди. Фаолиятимиз асосан очиқ дала майдонлари учун помидор, карам, гулкарам, брокколи карами, айсберг, пиёз, тарвуз, қовун, булфори, ширин жўхори ҳамда ёпиқ майдонлар, хусусан, иссиқхоналарда етиштириш учун помидор, булфори, бодринг каби полиз экинларининг уруғи савдосига қаратилган.

– Ушбу сабзавотлар уруғи асосан қайси мамлакатда етиштирилади?

– Нидерландияда қадоқланади, лекин турли мамлакатларда, масалан, Франция, Нидерландия, Марокашда етиштирилади.

– Ушбу уруғларни асосан кимлар кўп сотиб олади?

– Мижозларимиз асосан дехқон-фермерлар, хонадон, кластер, қайта ишлаш корхоналари эгалари.

– Ушбу сабзавот уруғларини реализация қилишда қандай қийинчиликлар юзага келади?

– Кўпчилик етарли маълумотга эга эмас. Бунинг устига одамларнинг бошланғич ҳаражат, жумладан, уруғлик, ўғитва бошқалар учун маблағга эга эмаслиги, кредит олишнинг қийинлиги каби мураккабликлар мавжуд.

– Юртдошларимиз ушбу сабзавотлар уруғини сотиб олиши учун Ўзбекистоннинг барча ҳудудида компаниянинг филиал ва дўконларимавжудми?

– Республика бўйича турли вилоятларда жойлашган дўконлар орқали дистрибьюторларимиз уруғларни фермерларга етказиб беради. Лекин кўпчилик дехқонлар уруғни дистрибьюторларимиздан тўғридан-тўғри сотиб олади.

– Бу йил кўпчилик помидор экканлар, хусусан, Тошкент вилоятидаги очиқ майдонда ҳосил етиштирувчи дехқон-фермерлар помидор куяси касаллиги туфайли катта зарар кўрди. Ушбу касаллик пайдо бўлининг олдини олиш учун қандай агротехник чора-тадбирларни қўллашни тавсия этасиз?

– Помидор куяси (зараркунанда) очиқ ва ёпиқ далаларда етиштирилётган помидорларга бир неча йиллардан бери зиён етказиб келмоқда. Ушбу зараркунанда билан курашишда дехқонларимизда

малака етишмаслиги сабабли енгиш қийин бўлмоқда. Илмий номи Тута абсолюта бўлиб, йил давомида 23 тадан 30 тагача насл бериши мумкин. Қишлоғимизда ҳашарот 2 метрғача ер остига кириб кетади. Тухумдан чиққандан сўнг 72 дақиқада барг ичидаги пластина остига тўлиқ яшириниб улгуради. Шунинг учун унга қарши курашиш қийин кечади. Капалагини тузоқ қўйиб ушлаш мумкин, лекин кимёвий воситалар ёрдамида фақат ёпиқ майдонда қириш мумкин. Очик далада капалагига қарши кимёвий восита қўллаш бефойда. Бундан ташқари, икки марта қўллагандан сўнг кимёвий ҳимоя воситалари тури ўзгартирилмаса, заараркунандада ушбу препаратга нисбатан иммунитет шаклланиб, таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

– Ҳозир яна қайси турдаги ҳашарот ва заараркунандалар очик майдонда ва иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавотларга зараретказмоқда?

– Турли куялар, оқ, пашша, трипслар, қалқондорлар, ширалар, құртлар ва бошқалар талафот келтирмоқда.

– Ҳозир помидорда учрайдиган TYLCV вируси кўп тарқалган. Ушбу вирусга чидамли қайси навларни экиш учун тавсия этасиз?

– Syngenta компаниясида ушбу хавфли касалликка чидамли бўлган дурагайлар дехқонларга етказиб берилмоқда. Масалан, очик далалар учун Комодо F₁, Дафнис F₁, Торри F₁, Мамстон F₁ ва ёпиқ далалар учун Терра кота F₁ ва бошқалар.

– Қўпчиликда бир савол туғилади: тупроқ-иқлим шароитига қараб Ўзбекистон ҳудудида экиш учун тавсия этилган сабзавот уруғлари рўйхати компания томонидан ҳар бир экин тури бўйича шакллантирилганми? Қайси навлар қайси ҳудудга мос келади?

– Ўзбекистон иқлими шимолдан жанубга қадар кескин ўзгарувчанлиги, бундан ташқари, тоғолди, тоғлик, катта сув ҳавзалари ёнидаги ўзига хос микроиқлим, текислик ва адирлардаги иқлим шароити фарқ қилиши сабабли, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида дурагайлар таклиф қилинади. Бундан ташқари, иқлим шароитига қараб дехқонлар турли мавсумларда экин етиштиради. Масалан, Сурхондарёда эртаки карам ҳосилини олиш учун уруғи октябрь-ноябрь ойларида экиласди ва февраль-март ойларида йиғиб олинади. Бундай усуlda бошқа ҳудудларда карам етиштиришнинг иложи йўқ. Бошқа ҳудудларда эртаки карамни фақат плёнка ёки нутрасил остида етиштириш мумкин. Навларнинг тавсия қилиниши тўғрисидаги маълумотни илова сифатида тайёрлаб беришимиз мумкин.



– Эртаки карам, гулкарам, брокколи карами, умуман, карамдошлар туркумига кирувчи сабзавот экинлари ва навлари ҳақида маълумот берсангиз.

– Syngenta компаниясида ҳозирги кунда жуда тезпишар 45 кунлик карамдан 130 кунгача муддатда етиладиган карам уруғигача бор. Лауда F₁ ва Росберг F₁, 45 кунда, Боликор F₁, 60 кунда, Галикан F₁ ва Проктор цемос F₁, 75 кунда, Фабиола F₁, 68 кунда етилади. Қизилбошли карамлардан Рива F₁ ва Ребол F₁ дурагайлари 75-90 кунда истеъмолга тайёр бўлади. Гулкарамнинг Брюс F₁ нави 55-60 кунда, Амидала F₁ ва Спейстар голд F₁ – 75-90 кунда, Картер ва Андромеда – 95-110 кунда пишади. Рангли гулкарамлардан Клементин (оловранг тусли) F₁, 75-85 кун, Дипёрпл F₁ (сиёҳранг) 80-90 кунда етилади. Брокколининг Батори F₁, Бести F₁, Гонга F₁, Манако F₁ каби дурагайлари бор. Улар экилиш мавсуми ва ҳудудига кўра 75 кундан 90 кунгача муддатда сотиш учун тайёр бўлади. Айсберг салатларимизнинг Айсбазар F₁, Айссеркл F₁, Айсвейв F₁, Айсдесерт F₁, Айсколор F₁ каби дурагайлари ўртacha 55 кунда пишиб етилади.

– Ҳозир ривожланган давлатларда гидропоника, аэропоника, аквапоника ва шпалер усулида сабзавот етиштириш йўлга қўйилган. Айтинг-чи, Ўзбекистон шароитида маҳсулот етиштириш учун ушбу усулларнинг қайси бири самарали ҳисобланади?

– Ушбу усуллардан асосан иссиқхонада сабзавот етиштирувчилар фойдаланмоқда. Аммо бу усуллар ўзига яраша малака ва агротехника талаб қилишидан ташқари, маблағ масаласига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўзбекистонда асосан иссиқ-

хоналарда субстратларда экин етиштириш йўлга қўйилган. Келажакда эса гидропоника ва аквапоника усуллари (бу усулларда етиштирилганда экинларга жуда юқори аниқликда ва вақтида ўғит бериш, сувни тўғри бошқариш ва бошқаларни талаб қиласди) ҳам кириб келишэхтимолибор.

– Малакали мутахассис сифатида айнан сабзавотчилик бизнеси билан шуғулланувчи фермер, дәхқон ва кластер раҳбарлариға қандай тавсиялар бера оласиз?

– Ўрганишдан тўхтамаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини илм билан етиштириш, маҳсулот хавфсизлигига жиддий эътибор бериш, юқори технологияларни қўллашда маблағни тўғри сарфлаш, “чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” деган нақлга амал қилиб, ёшларни агрономлик касби бўйича ўқитиш, бизнес-режа тузишда ишлаб чиқарилган маҳсулотни кимга сотаман деган саволга жавоб топиш, ҳар бир салбий оқибатларнинг олдини олиб, кейин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Бизнес-режа камида 5 йил ва жорий йил учун тузиш ва оралиқ инқизорларни ҳисобга олиб бир неча йиллик ишлаб чиқариш учун маблағни қаердан олиш мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиб иш бошлашкерак...

– Четдан келтирилаётган сабзавот уруғлари билан маҳаллий уруғларнинг фарқи нимада?

– Асосий фарқ юқори ҳосилдорлик, касаллик ва зааркунандаларга чидамлилик, транспортда ташиш ва сақлашга бардошлилик, экин туси ва бошқаларда. Бу жиҳатлар F₁ туридаги уруғларнага устунлик беради.

– Сабзавот уруғларини томчилатиш усулида суғорган маъқулми ёки анъанавий усуляхшими?

– Томчилаб суғориш тизими мажбурият эмас, аксинча зарурат. Афсуски, буни ҳали кўпчилик тушуниб етмади. Дарёнинг бўйида бўлса ҳам томчилаб суғориш тизимидан фойдаланиб экин етиштириш керак.

– 1 гектар майдон учун ва 1 сотих иссиқхона ташкил этиш учун, масалан, помидор экин тури учун қанча уруғ сарф бўлади?

– “Syngenta” компаниясининг ёпиқ дала учун помидор дурагайларини гектарига 20 500 тупдан 22 000 тупгача экиш лозим. Эгатлардаги кўчатлар оралиғи камида 45 см.дан 55 см.гача бўлиши тавсия этилади. Бу эгатнинг энига ҳам боғлиқ. Дуга остидаги эгат сонидуганинг энига боғлиқ. Аксарият ҳолларда эгат эни 1,4 метрни ташкил қиласди.

– Россиянинг Роскомнадзор ташкилоти Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида етиштирилган помидор маҳсулотлари экспорт

тини тақиқлади. Бунга сабаб помидорда тобамовирус (Tomato brown rugose fruit virus (ToBRFV) аниқланганидир. Ушбу вирус тарқалишининг олдини олиш учун қандай чоратадбирлар кўриш ҳақида қисқача тавсия берсангиз.

– “Syngenta” компаниясининг помидор ва булғори уруғлари ToBRFV вирусидан холи ҳолда Ўзбекистонга келтирилади. Лекин аввалги йили ушбу иссиқхонада бу вирус тарқалган бўлса, у ҳолда бизнинг помидор дурагайларимизга ҳам юқиши мумкин. Шунинг учун вируслар зарарини камайтириш мақсадида турли агротехник тадбирларни амалга ошириш керак. Аввало, ушбу вирус агар жорий йилда иссиқхонада топилган бўлса, мавсум тугагандан сўнг иссиқхона ичидаги ўсимлик турган вақтда олтингугурт тутатиб, касаллик, зааркунанда (айниқса, оқ, пашша) ўсимлик қолдиқларини тўлиқ иғишишиб олиш, ташқарига олиб чиқиб, имкони бўлса, ёқиб юбориш керак. Шундан сўнг ёз чилласида ерни суғориш ва полиэтилен плёнка билан ерни ёпиб, тупроқ ҳароратини 70–80 даражага кўтариш лозим. Бунда гектарига 50 кг мис купороси билан ишлов бериш зарур. Экин экишдан аввал ҳам тупроққа ЯРА Вита Рексолин Си15 (миснинг хелат формаси)ни томчилаб суғориш тизими орқали бериштавсия этилади.

Лекин ҳозир “Syngenta” компаниясида ушбу вирусга чидамли дурагайлар яратилган ва улар Ўзбекистон худудида турли шароитда синалмоқда. Синовлар натижасига кўра кейинроқ бу тўғрисида яна алоҳида маълумот берамиз.

– Сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш учун яна қандай тавсиялар бера оласиз?

– Касаллик ва зааркунанда турини аниқлаб тўғри воситани қўллаш, бунда шахсий хавфсизлик ва маҳсулот хавфсизлигига эътиборли бўлиш, восита қўлланаётган барча маҳсулотни эртага ўзимиз истеъмол қилишимизни ва жавобгарликни унутмаслик зарур. Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашни малакали мутахассислар билан маслаҳатлашиб, марказлашган усулда олиб бориш керак. Илм билан маҳсулот етиштириш ва ёш мутахассисларга мотивация беришни тавсия қиласман.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти
Гўзал ШИРИНОВА сухбатлашди.



Авазбек ИСРОИЛОВ: "МАҲСУЛОТЛАР УЧ БОСҚИЧЛИ БОЖХОНА ТИЗИМИ АСОСИДА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 босқичли божхона расмийлаштируви З баробар қисқариши маълум қилинган эди. Ана шу қисқаришлар асосида Божхона қўмитаси томонидан "Экспорт учқадамда" лойиҳаси устида ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур лойиҳанинг мазмун-моҳияти, унинг айни вақтда амалда кўлланаётган божхона расмийлаштирувидан фарқини билиш мақсадида Божхона қўмитасининг валюта назорати бошқармаси бошлифи ўринбосари Авазбек Истроилов билан сухбатлашдик.

– Айни вақтда амалда бўлган божхона расмийлаштирувининг экспорт борасидаги ноқулай тарафлари нималардан иборат?

– Бугунги кунда экспорт операцияларини амалга ошириш борасида экспорт шартномасини тузишдан то товарнинг божхона ҳудудидан чиқариб юборилгунига қадар бўлган божхона расмийлаштируви 9 босқичда амалга оширилади. Ушбу масаланинг моҳиятини яхшилаб тушуниб олиш учун улар қандай босқичдан иборат эканига эътибор қаратамиз.

Дастлаб экспорт шартномаси тузилади.

Иккинчи босқичда шу шартнома асосида инвойс (хисоб фактура) шакллантирилади ва мазкур ҳужжатимзо ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

Учинчى босқичда экспортга чиқарилаётган товор қайси транспортда ташилишига қараб транспорт ҳужжатлари шакллантирилади ва мазкур ҳужжатга имзо, муҳр қўйилади.

Тўртинчى босқичда шу учта ҳужжат йиғилганидан сўнг декларацияни шакллантириш бўйича декларантга мурожаат қилинади.

Бешинчى босқичда декларант томонидан

декларация шакллантирилади.

Олтинчى босқичда декларант томонидан шакллантирилган декларация мамлакатимиз ҳудудидаги масофавий электрон декларациялаш божхона постида ҳужжатли текширувдан ўтказилади. Яъни сариқ йўлакда назорат ишлари амалга оширилади.

Еттинчى босқичда агар божхона юк декларацияси тизим томонидан хавф даражаси юқори деб баҳоланса, ташки иқтисодий фаолият божхона постида кўрикдан ўтказилади.

Саккизинчى босқичда юк етказиб бериш назорати китобчаси, яъни ички ҳудудда расмийлаштирилган товарчегарага назоратга қўйилади.

Тўққизинчى босқичда мазкур транспорт чегарага етиб борганида чегарадаги назорат амалга оширилиб, товар чиқариб юборилади.

Мазкур 9 босқичдан иборат тизимнинг ноқулай тарафи шундаки, маҳсулот экспортининг ҳужжатлаштириш жараёнида кўп вақт кетади ҳамда ортиқча сарф-харажатни вужудга келтиради.

– Уч босқичли операциялар тизими қандай тартибда шакллантирилади ҳамда уларнинг афзаллигинимада?

– Қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда экспорт фаолияти учун жуда кўплаб қуликлар яратилган. Биргина божхона соҳасида яратилган енгилликларни кўрадиган бўлсак:

– экспорт товарларининг 90 фоизи соддалаш-





тирилган тартибда, яъни божхона кўригисиз амалга оширилмоқда;

— хавф даражаси паст бўлган (яшил йўлак) божхона юк декларацияларининг 80 фоизи инсон омилисиз, автоматик тарзда расмийлаштирилмоқда.

Бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, қолаверса, экспортчи ташкилотларга қулайликлар яратиш мақсадида Божхона қўмитаси томонидан “Экспорт уч қадамда” лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳа экспорт божхона юк декларациясини соддалаштирилган тартибда шакллантиришдан бошлаб, товарларнинг божхона худудидан чиқиб кетгунга қадар бўлган барча жараённи ўзида қамраб олади.

Ушбу тизимнинг ишлаш принципи онлайн платформа орқали экспорт шартномалари ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда автоматик равиша товарга оид ҳужжатлар ва экспорт декларациясини қулай ва тез шакллантиришга асосланади.

Ушбу тизим экспорт операцияларини амалга оширувчилар учун катта аҳамиятга эга. Бунинг учун биринчи босқичда экспорт шартномаси шакллантирилиб, ташқи савдо операцияси ягона электрон ахборот тизимига киритилади, яъни экспорт шартномаси шакллантирилади.

Бунда 9 босқичдагидек шартнома асосида инвойсни шакллантириш, транспорт ташув ҳужжатлари, декларантга мурожаат, экспорт декларациясини шакллантириш, масофавий электрон декларациялаш, божхона постида ҳужжатли текширувлар билан боғлиқ барча босқичлар қисқартирилади.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона кўриги, юкни етказиб

бериш назорати ҳужжат-ларини расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳам қисқартирилган ҳолда барчаси биринчи бос-қичда киритилган шартнома маълумотидан мак-сimal фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу жараён ҳозирги кунда мавжуд бўлган “E-Tranxit” ахборот тизими негизида экспорт операциялари деган алоҳида банд сифатида яратилиб, шу дастурнинг ўзида экспорт шартномалари асосида автоматик равиша инвойс ҳужжатлари шакллантириб олинади. Дастурга кириб, инвойс рақами ёзилиши билан шартноманинг тўлиқ реквизитлари инвойсга тушади. Бунда сотиб олувчи ким, сотувчи ким, қайси хорижий ҳамкор давлат, юкнинг пули аввалдан тўланадими ёки юкни қабул қилганидан сўнгми – буларнинг ҳам шартнома маълумотлари асосида электрон тартибда инвойслари шакллантирилади. Мазкур инвойс ҳам экспорт шартномаларининг бир бўлгаги ҳисобланади. Масалан, битта шартнома 1 миллион АҚШ доллари қийматида тузилган бўлса, шу инвойслар асосида белгиланган юк 100 мингдан ўн маротаба етказиб берилади. Бунда ушбу инвойсни қофозда тузиб, имзо, муҳр қўйдириб турмасдан, шундай дастурга кириб, рақами ёзилади. Ва шартноманинг тўлиқ реквизитлари инвойсга тушади.

Иккинчи босқичда бевосита ўша тизим орқали декларацияни шакллантиргандан сўнг тадбиркорнинг барча маълумотлари божхона органида мавжуд бўлади. У бемалол чиқиш чегара божхона постига қараб ҳаракатланиши мумкин.

Учинчи босқичда чегарага борганида шакллантирилган декларация асосида бевосита расмийлаштирув чегара божхона постларида амалга оширилиб, юк чиқариб юборилади.

Амалиётга жорий этилаётган лойиҳа экспорт божхона юк декларацияларини шакллантиришдан расмийлаштиришга қадар бўлган барча жараённи ўз ичига қамраб олади. Жараёнлар З босқичли операциялар тизими ёрдамида амалга оширилиши билан аҳамиятли. Бунда маҳсулот экспорт қилувчиларнинг вақти тежалиб, энг муҳими экспортдаги катта сарф-харажатлар қисқартирилади.

— Мазкур лойиҳа қачон амалиётга жорий этилади?

— Айни вактда ушбу лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Яқин кунларда дастлаб синов тарикасида, сўнг тўлиқ режимда амалиётга жорий этиш кўзда тутилган.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
ложиҳаси журналисти
Жамила ҲАЙДАРОВА сухбатлашди.



Сардор АББАСХАНОВ: "МОШ БОЗОРИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ ИШЛАЙДИ»




«Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак» лойиҳаси эксперталари томонидан 2021-2022 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географиясини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотларни сотиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Жорий йилда ҳам бундай саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Жумладан, янги бозорларни очиш, уларни юртимизнинг рақобатбардош органик маҳсулотлари билан таъминлаш кўламини кенгайтириш мақсадида фермерларимизга халқаро сертификатларни олиш борасида амалий кўмак берилди. Бу чора-тадбирларнинг натижаси сифатида Ўзбекистондан биринчи марта органик мosh маҳсулоти экспорт қилинди.

Ушбу маҳсулотни етиштириш истиқболлари тўғрисида лойиҳа эксперти Сардор Аббасханов билан сұхбатлашдик.

– Органик маҳсулотлар етиштириш борасида лойиҳа эксперталари томонидан қандай ишлар бажарилмоқда?

– Лойиҳамиз таркибида маркетинг мутахассислари билан бирга маҳсулотларни етиштириш бўйича эксперталар ҳам мавжуд. Биз улар билан биргаликда дастлаб ишни жаҳон бозорини таҳлил қилишдан бошладик. Айни вақтда жаҳон бозорида қандай маҳсулотлар талабга жавоб бериши, қайси маҳсулотни юқори қўшилган қийматда сотиш ҳамда янги бозорларни очиш мүмкинлигини ўргандик. Бу

борада бир неча маҳсулотлар категорияларини танлаб олдик. Улардан бири органик тур бўлди. Биз бу борада агрономлар билан ҳамкорликда ишлаб, энг қисқа вақтда етиштириладиган ва нисбатан осонроқ тур бўлган дуккакли экинлар орасидан мoshни танладик. Бунинг учун агрономлар билан бирга республикамизнинг турли худудини ўрганиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини танладик. Ушбу вилоятлар органик стандарт талабларига жавоб берадиган контурлар бўлгани учун мosh экинини етиштириш режалаштирилди. Шу билан бир қаторда лойиҳамиз маркетинг мутахассислари ҳамда экспертлари билан параллел равишда дунёнинг турли мамлакатларида, Жумладан, Италия, Франция, Германияда ўтказилган кўргазма-



ларда иштирок этдик. У ердаги бизнес форумларда қатнашиб, ўзимиз етиштиришни режалаштираётган органик маҳсулот харидорлари билан музокаралар ўтказдик ҳамда келишувларга эришдик.

Мошни етиштириш бўйича танланган ҳудудлардаги 200 нафардан ортиқ фермер учун органик стандарт талаблари бўйича тренинг ўтказилди. Маҳсулот етиштирувчилар маҳсус ўқитилди. Жараёнга органик маҳсулот сертификатини берувчи хорижий компаниялар жалб этилди. Уларнинг аудиторлари ва эксперtlари келиб, фермерларимизнинг ерини текширди. Улар билан сұхбат ўтказди. Талаб даражасида фаолият юритган фермерларга сертификат берилди.

– Маҳсулотнинг нархи ва экспорти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Мошни етиштириш даврида республика бўйича унинг бир килоси 6000-6500 сўмдан сотилган бўлса, органик ҳолда етиштирган фермерларимиз қимматроқ нархда – 8500-9000 сўмдан сотиб, 25-30 фоиз юқори кўрсаткичга эришди. Ўз навбатида, қайта ишловчи компаниялар ҳам 45-50 фоиз қиммат нархда экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда биринчи партиямиз Европага экспорт қилингани ҳолда кейинги партияларни ҳам жўнатиш арафасидамиз.

– Мазкур органик маҳсулотга яна қайси мамлакатлардан талаб мавжуд?

– Ҳозирги кунда Нидерландияга маҳсулот чиқардик. Ўзбекистон Хитойга ҳам катта партияда мош экспорт қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Франция, Германия, Бельгия, Чехиядан ҳамкор корхоналаримизга талабнома келган. Мош бозорига давлат аралашмайди. У ерда бозор тамойиллари ишлайди, яъни талаб ва таклиф мавжуд ҳамда монополия йўқ. Мошни йил давомидасотиш мумкин.

– Ўзбекистонда мошдан ун ҳам ишлаб чиқариладими?

– Ун ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳам мавжуд. Аммо бунга талаб у қадар юқори бўлмагани учун бу ишни йўлга қўймаганмиз. Мошни сотища давлат божи қўлланмайди. Агар мошдан ун тайёланса, у ҳолда давлат божи тўланади.

– Экспорт логистикаси қандай ташкил этилган?

– Бизга бошқа давлатлар қатори дengiz яқин бўлмагани учун маҳсулотларимизни ташиш асосан жанубий йўналиш орқали амалга оширилмоқда, яъни Туркманистон, Эрон, Туркия орқали Европа давлатларига етказиб бериляпти.

– Қиши мавсумининг қаттиқ совуғида маҳсулотлар қандай ҳолатда сақланди?



– Яхши савол. Бу йилги қиш мавсуми жуда эрта ва совуқ келди. Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг айрим ҳудудларида фермерлар етиштирган ҳосилини вақтида йифишириб олмагани учун қор, ёмғир тагида қолиб, маҳсулотнинг сифати пасайди. Биз маҳсулотимизни етиштиргач, совуқда қолмаслиги учун меъёрий ҳолатдаги биноларда сақлашга ҳаракат қилдик. Натижада уларга талафот етмади.

– Мош асосан такrorий экин тури ҳисобланади. Ундан йилига неча марта ҳосилолинади?

– Мош экини такрорий экин тури ҳисобланади, аммо биз танлаган ҳудудлarda ушбу экин такрорий экилмайди. Мазкур экин тури ҳудди беда каби ер учун фойдали хусусиятга эга. Ундан йилига 2-3 марта ҳосил олса бўлади. Бундан ташқари, унинг учта ижобий хусусияти мавжуд. Биринчидан, сувтежамкор экин.

Масалан, 1 тонна мош етиштириш учун 73 литр сув талаб қилинади ва бир маротаба сугорилади. Ҳудди шу миқдордаги ерёнгоқни етиштириш учун эса 314 литр сув сарфланади.

Иккинчидан, вегетация даври қисқа бўлиб, 60-70 кунда пишибетилади.

Учинчидан, мазкур маҳсулот ерни қувватлантиради, яъни фосфор ва азотни йигиб беради. Келгуси йилнинг асосий экини учун ерни кучайтиради.

– Яна қайси маҳсулотларни етиштирияпсиз?

– Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 40 гектар еримиз бор. Бу ерда янги турдаги навларни етиштириш бўйича тадқиқот олиб боряпмиз.

– Лойиҳа муддати узайтирилса, ишингизни давом эттирасизми?

– Албатта, давом эттираман. Мазкур лойиҳанинг фойдали томонлари кўп ҳамда бошқаларда ҳам катта қизиқишуйғотади.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти Гўзал ШИРИНОВА сұхбатлашди.

Абдумалик РУСТАМОВ: “ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – МЕВА-САБЗАВОТНИНГ ДУНЁ БОЗОРИДАГИ ТЕЗ ЎЗГАРУВЧАН ТАЛАБЛАРИГА ПРОФЕССИОНАЛ ЁНДАШИШ”



Мева-сабзавот экинлари майдонининг кенгайиши, соҳага интенсив технологияларнинг жорий этилиши аграр тизимнинг асосий қисмини ташкил этувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини маҳаллий селекция асосидаги юқори сифатли уруғлик ҳамда кўчатлар билан таъминлаш имкониятини берувчи концепцияни ишлаб чиқиши талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи ҳамкорлигига “Annexure Financial Solutions Limited” (Гонконг) ва Kleffmann Group (Германия) консорциуми томонидан “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси талабларига мувофиқ, мева-сабзавот маҳсулотларига дунё бозоридаги тез ўзгарувчан талабларга профессионал даражада ёндашиб, барча томонларнинг равнақ топиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда соҳани иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айлантириш ҳамда унинг бизнес рентабеллигини оширишга қаратилган.

Лойиҳанинг “Мева-сабзавот экинларининг маҳаллий навларини ўрганиш” ҳамда “Ўзбекистонда маҳаллий навларни етиштириш ва сотишни яхшилаш, истиқболли навларни ташки бозорларга

олиб чиқиш” йўналишлари бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, кўзланган асосий мақсад соҳани тартибга солувчи маҳаллий ва хорижий қонунчилик талаблари, кўчатчилик ва уруғчилик ҳолатини таҳлил этиш орқали маҳаллий навларнинг бозор талабларига мувофиқлигини ўрганиш асосида ички ва ташки бозорга йўналтиришдан иборат.

Лойиҳа эксперталари томонидан Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази томонидан чоп этилган 2021-2022 йиллардаги давлат реестри асосида республикамизнинг барча худудидаги кластер, фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган маҳаллий навлар тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб таҳлил этилди. Жараёнда худудлар асосан учта, яъни марказий (Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари); жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари); шимолий (Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон Республи-

каси) гуруҳга бўлиб ўрганилди.

Экспертлар томонидан ҳар бир хўжаликда етиштирилаётган мева-сабзавот турлари, навлари, қандай агротехник тадбирлар ўтказилиши, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари, хўжаликнинг моддий-техник базаси, алоқалари ва маълумотлар билан танишиш каналлари бўйича ахборот базаси шакллантирилди.

Республикамизда 2000 йилга нисбатан сабзавот экинлари майдони 90 минг, картошканини 37,5 минг, полиз экинлариники 17,7 минг, мева ва резавор экинлар ҳамда узумзорлар майдони 57 минг гектарга кенгайган.



Хозир давлат реестрига киритилган 75 хил экин (44 хил сабзавот, картошка, 5 хил полиз, 25 хил мева, резавор)нинг 1 400 навидан 450 га яқини ёки 30-35 фоизи маҳаллий навлардир.

Президентимизнинг 2019 йил 17 майдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳалқаро талабларга жавоб берадиган 66 ихтисослаштирилган уруғчилик хўжалиги ташкил этилди. Уруғчиликни ривожлантириш марказининг 2021 йилдаги маълумотларига кўра, 343 минг га майдонга талаб этиладиган 941 тонна уруғликнинг 8 77,3 тоннаси (93 фоизи) маҳаллий, 63,7 тоннаси эса импорт уруғликдир.

Республикамизда сабзавотчилик соҳасидаги уруғликка эҳтиёж 22 та хорижий уруғчилик компанияси томонидан қопланмоқда. Мевали экинлар кўчнатининг глобал савдо ҳажми 2020 йилда 9 млрд долларни ташкил этган. Ушбу бозорнинг ўсиш суръати сўнгги 5 йилда 6 фоизга етган ва экспортнинг 50 фоизи асосан Нидерландия томонидан амалга оширилган. Экспорт салоҳияти юқори давлатлар рўйхатига Хитой, Польша, Туркия ва Ҳиндистонни киритиш мумкин.


2021 йилда республикамизга сабзавот ва полиз экинларининг 15 217,4 минг АҚШ доллари қийматидаги 1 645 тонна уруғлиги импорт қилинган. Энг кўп сабзавот уруғлиги помидор, бодринг, карам, булфори, зира, кўкат, тарвуз, қовоқча экинлари ҳиссасигат тўғри келади.

Шу билан бирга республикамиздан асосан яқин қўшни мамлакатлар ва хорижга 922,5 минг АҚШ долларига тенг микдордаги 301,6 тонна сабзавот, полиз экинлари ва картошка туганаклари экспорт қилинган. Жумладан, 811,9 минг долларлик 134,4 тонна сабзавот, 90,5 минг долларлик 127,3



тонна полиз экини уруғлиги ва 8 минг долларлик 39,9 тонна картошка четга сотилган. Уруғлиги кўп микдорда экспорт қилинаётган сабзавот турларига зира, кўкат экинлари (кашнич, зира, шивит), помидор, бодринг, пиёз, карам, сабзи кирса, полиз экинларидан қовун, тарвуз, қовоқни кўрсатиб ўтиш мумкин. Зира, кўкат экинларининг экспорт қилинаётган қисмида уруғларнинг қайта ишланган ҳолда, яъни кашнич ва зиранинг майдаланган зира, тарвузлар сифатида экспорт қилиниши ҳам кенгаймоқда.





Ўрганишлар асосида республикамиздаги иммий-тадқиқот институтлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар томонидан йилига 19 млн тупга яқин мевали экинлар кўчати етиширилади, лекин уларнинг 25-30 фоизигина сертификатланган, холос. Божхона қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорагида республикамизга 3 116,22 минг долларлик 1 094 202 дона уруғлик, 3 876 минг долларлик 744 мингта данакли экин, 1 800 минг долларлик 574 400 туп ёнғоқ ва бодом кўчати, 693,2 минг долларлик 597 170 минг туп резавор мевали экин кўчати импорт қилинган.

Ўзбекистонда кўчатчилик энди ривожланмоқда. 2019 ва 2021 йилда экспорт амалга оширилма-

ган. 2020 йилда эса 57 млн долларлик кўчат экспорт қилинган. Мевали экинлар кўчати қўшни мамлакатларга, жумладан, Қирғизистон, Қозогистон, Туркманистон, Россия ва Озарбайжонга етказиб берилган. Кўчат савдоси "Шарқ саноати", "Konsalting Madad Hamkor", "JPF Agri B.V.", "Euro duo kalem", "Qibray Master Green Garden" МЧЖ фермер хўжалиги ва бошқаларда яхши йўлга кўйилган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики республикамизда сабзавот экинларидан помидор, бодринг, карам, сабзи, пиёз, зиравор ҳамда кўкатларнинг, полиз экинларидан қовун, тарвуз, қовоқ ва кабачокнинг маҳаллий навлари селекциясини янада кучайтириш орқали рақобатбардош, ташқи бозор талабларига жавоб берадиган навларнинг сертификатланган уруғликларини экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилик соҳаси бўйича республикамизда 300 дан ортиқ фармон, қарор ва тартибиа солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларни тайёрлаш жараёнида 50 га яқин мамлакатнинг селекция ва уруғчилик йўналишидаги қонун, қарор, тартиблари лойиҳа эксперлари томонидан ўрганиб чиқилиб, таҳлил этилди.

Чет давлатлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва кўчатчилиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчасида давлат томонидан тартибиа солинадиган қоидалар мавжуд бўлиб, юқори сифатли, рақобатбардош уруғлик ва кўчатларни тайёрлашга хизмат қиласади. Уларнинг барчасида уруғлик далалари ва кўчатзорларни апробациядан ўтказиш, уруғлик тўпламларидан намуналар олиш, тоифаларга ажратиш, унувчанлиги, униб чиқиш кучини аниқлаш, ёрликлар билан таъминлаш, синовлардан ўтказиб, сертификатлаш тизими мавжуд. Давлат хизматларини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан уруғлик ва кўчат етишириувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатга олиш, уларнинг фаолияти бўйича тўлиқ ахборот базасини шакллантириш ҳамда уларни назорат қилишишлари амалга оширилади.

Республикамизда уруғчилик ва кўчатчилик соҳасини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини шакллантириш, пахта майдонларини қисқартириш эвазига ғалла эркинлигини қўлга киритиш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш асосида мева, сабзавот, узумчилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, логистика тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, 2016 йилга келиб соҳада экспорт монополияси, давлат буюртмаси асосида маҳсулот етишириш ва

маҳсулот нархларини номутаносиб равишда белгилаш каби муаммоларга дуч келинди.

2017 йилдан бошлаб республикамида қишлоқ хўжалигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган 2017–2021 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди. Шу даврга келиб илмий-тадқиқот институтлари, селекция ва уруғчилик соҳасидаги муаммолар ўрганилиб, тегишли тартибдаги қарор ва ҳужжатлар қабул қилинди. Биринчи марта давлат томонидан мева-сабзавот маҳсулотларининг юридик шахслар томонидан экспорт қилинишига рұксат берилди. Экспортчилар учун субсидия ва кредитлар ажратиш, логистика соҳасини янада кучайтириш, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар кенг миқёсда амалга оширила бошлади.


Республикамида 1996 йилда қабул қилинган ва 2002 йилда қайта таҳрирланган “Уруғчилик тўғрисида”ги, 1996 йилда қабул қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, ўсимликлар карантини, интеллектуал мулк ҳимояси бўйича қонун ҳужжатлари хорижий қонунчиликда белгиланган халқаро талабларга мос равишда ишлаб чиқилган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 мартағи “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 158-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунига тегишли тартибда айрим ўзгартиришлар киритиш лозим деб хисоблаймиз. Жумладан:

– 158-сонли қарорнинг 11-қисми 2-бобидаги бир йиллик экинлар энг камида 2 йил ва кўп йиллик экинлар эса улар тўлиқ ҳосилга кирганда 1 йил синовдан ўтиши бўйича тартибга барча экинлар бўйича 3 йиллик синов тартибини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалиги экинлари навларини давлат реестри рўйхатига киритишда эксперт комиссиясининг таклифига мувофиқ, маҳаллий навларни 2 йил, хорижий навларни эса уч йил синов асосида киритиш;

– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан юритиладиган пахта, бошоқли дон экинлари ва картошканинг оригинал ҳамда элита уруғликларини етиштирувчи хўжаликлар реестри бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунининг 1-бўлими 24-боби 3-сўзбошисини “сабзавот уруғларини ишлаб чиқиш” тартиби билан тўлдириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 январдаги 106-сонли қарорига мувофиқ, Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан юритиладиган “Ягона электрон тизим”га мевали экинлар ва уларнинг кўчатчилиги бўйича



маълумотларни киритиш лозим.

Қабул қилинган қарорларнинг айрим бўлимларида мевали экинлар кўчатзори ва кўчатчилиги бўйича сўзлар учраса-да, мевали экинларнинг кўчатзорларини ташкил этиш, сертификатланган кўчатчилик бўйича қонун лойиҳасида тегишли тартиблар мавжуд эмас. Шу сабабли мевали экинлар кўчатчилиги, кўчатзорлари ва сертификатланган кўчатчилик бўйича янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларига тегишили ўзгартиришлар киритиш лозим.

Сабзавот, полиз за мевали экинларнинг маҳаллий селекция асосида яратилган навларининг юқори сифатли, сертификатланган уруғлик, кўчатларини етиштириш бўйича тайёрланган “Йўл харитаси” республикамида маҳаллий селекциянинг ривожланишига, рақобатбардош нав уруғликлари ва кўчатларини ташқи бозорга йўналтиришга хизмат қиласди. Экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга, хориждан кириб келаётган нав ва дурагайларни 3 йил синовдан ўtkазиш, давлат реестрига киритиш ва сертификатлаш ҳисобидан давлат бюджетига келиб тушаётган маблағлар ҳисобидан нав синаш участкалари, уруғ назорати ва карантин инспекциясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори сифатли сертификатлашни ташкил этиш асосида текширувдан ўtkазилмаган маҳаллий ва хорижий нав кўчатлари асосида вужудга келадиган мевали боғлардаги ортиқча харажатларнинг олди олинади. Фермер, дэҳқон хўжаликлари ва класстерларни қонуний ҳимоялаш ва нав муаллифларини роялти ҳисобидан тегишли тартибда рафбатлантириш имконияти вужудга келади.

Уруғчилик ва кўчатчиликтининг экспорт йўналишини ривожлантириш, мева-сабзавотчилик тармоғини диверсификация қилиш, унинг рентабеллигини ошириш, селекционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий навларнинг уруғ ва кўчатларини етиштиришни кўпайтириш ва уларни ташқи бозорга олиб чиқиш имкониятини беради.

ВАҚТИНЧАЛИК ПЛЁНКА ҚОПЛАМАСИ ОСТИДА ЭРТАКИ ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароити полиз экинларини етиштириш учун қадимдан қулай бўлган. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизда полизчиликка ҳам эътибор кучайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда бозорбоп, қиймати юқори экинлардан бўлган полиз экинларини етиштиришни қўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Йил давомида истеъмол қилиш мумкин бўлган витаминг бой маҳсулотлар ичидаги тарвузнинг ўрни алоҳида.

Ўтган йили мамлакатимизда полиз экинлари учун 150-155 минг гектар майдон ажратилди, шундан 69 минг гектарига тарвуз экилди. Эртаки тарвуз етиштиришда қашқадарёлик миришкорларнинг тажрибаси дикқатга сазовор. Дехқонлар полиэтилен плёнка қопламасидан фойдаланган ҳолда очиқ майдонда май ойининг биринчи ўн кунлигидан ички бозор ва экспорт учун тарвуз етиштирилмоқда. Тарвузнинг эртапишар Долби F₁, Виктория F₁, Талисман F₁, Васко F₁, Варда F₁, Леди F₁, Трофи F₁, Фарао F₁, Кримсон Свит, Супер Кримсон F₁ каби F₁ дурагайлари етиштирилмоқда.

Кўчат тайёрлаш. Кўчат тайёрлаш учун чим ўсган тупроқ яхшилаб эланади. Эланган тупроқقا 4:1 нисбатда чириган гўнг солиб аралаштирилади.

Тайёрланган аралашма 10x10x14 см ҳажмдаги полиэтилен туvakчаларга солинади. Бир гектарга 7,1-7,5 минг туvakча тайёрланади. Уруғлар икки муддатда экилади: биринчиси жуда эртаки ҳосил

олиш учун декабрнинг учинчи ўн кунлигига ва иккинчиси – февралнинг биринчи беш кунлигига.

Уруғлар униб чиқиб, кўчатлар 1-2 та чинбарг чиқарганда уларни биринчи озиқлантириш тадбири бажарилади. Бунда 10 литр сувга 13-15 грамм азотли, 18-20 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калийли ўғит солиб эритилади ва суфорилади. Ушбу эритма ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади. Кўчатларни иккинчи озиқлантириш уларни далага экишдан 10-15 кун олдин амалга оширилиб, бунда юқорида таъкидланган ўғитлар микдори икки баробар кўп солинади. Тўртта чинбарг пайдо бўлганда кўчатлар очиқ майдонга олиб чиқиб экиласди.

Майдонни тайёрлаш. Тарвуз экиладиган майдон кузда ҳайдалади. Баҳорда қайта ҳайдалса, самараси юқори бўлади. Майдон чизель қилинади, борона босилади. Ҳар 4 метр оралиғига 90 см ўқариқ билан жўяклар олинади. Тарвуз 3 хил усулда



етиштирилади:

- биринчиси: ариқларга мульча қилиб, оқ плёнка қопланади ва термос усулида икки қаватли дуга қилиб полиэтилен плёнка қопламаси остида етиштирилади. Кўчатлар февралнинг учинчи ўн кунлигига ўтқазилади;
- иккинчиси: ариқларга мульча қилиб, оқ плёнка қопланади ва бир қаватли дуга қилинган полиэтилен плёнка қопламаси тагида етиштирилади. Кўчатлар мартнинг биринчи ўн кунлигига ўтқазилади;
- учинчиси: ариқларга мульча қилиб, оқ плёнка қопламаси тагида етиштирилади. Кўчатлар март ойининг учинчи ўн кунлигига да лага ўтқазилади.

Кўчат экиш. Олинган ариқларга мульча қилиб, оқ плёнка қопланади. Плёнка ҳар 70 см оралиғида тешиб чиқилади. Тешиб чиқилган жойларга фосфорли ўғит суюлтириб солинади. Суюлтирилган фосфорли ўғитни тайёрлаш учун 10 литр сувга 2 кг

аммофос ўғити солиниб, қайнатилади ва эритилади. Тайёрланган эритма 10 литр сувда аралаштирилади ва ҳар бир уяга 1 литр ҳисобида қуйиб чиқилади. Бир гектар майдонга 100 кг фосфорли ўғит сарфланади. Бир гектарга 7 100 тупқут ўтқазилади.

Парваришилаш. Плёнка ва дугалар 10 апрелдан сўнг олиб ташланади. Дугалар олиб ташлангандан сўнг пушталар 1-2 марта чизель қилинади, палаклар таралади. Касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш ишлари олиб борилади. Ўсув даврида икки марта озиқлантирилади:

Биринчи озиқлантиришда гектарига 200 кг калий селитраси ва 100 кг фосфор солинади. Азотли ва фосфорли ўғитлар эритилган ҳолда солинади. Кўчат экилганидан 10-15 кундан кейин ўғитлаш амалга оширилади.

Иккинчи озиқлантиришда гуллашдан олдин гектарига 200 кг ҳисобида аммиакли селитра эритилган ҳолда берилади.

Ҳосилни йиғишириш. Биринчи усулида майнинг биринчи декадасида, иккинчи усульда майнинг иккинчи ярмида ва учинчи усульда июннинг учинчи ўн кунлигига ҳосил узилади.

Ҳосил икки марта терилади. Биринчи теримда бир гектар майдондан ўртача 4 000 дона ва иккинчи теримда 3 000 дона стандарт тарвуз узилади.

Рафик ҲАКИМОВ,
 Сабзавот, полиз экинлари ва
 картошқачилик илмий-тадқиқот институти
 лаборатория мудири



Ўрмонали УСМОНОВ: “БИТТА ЧҮПНИ БҮЛСА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОНГА ФОЙДА БЕРАДИ”



Агроном ва агроблогер, “VESAGRO” МЧЖ раҳбари Ўрмонали Усмонов билан аномал совуқ туфайли пиёз нархининг кескин қўтарилиши ва пиёз нархи прогнозлари хусусидаги сұхбат орқали пиёз билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар билан батафсил танишасиз.

– Сиз билан сұхбатга киришар эканмиз, пиёз нархи билан боғлиқ муаммоларга ойдинлик киритиб берсангиз. Январь ойидаги аномал совуқ пиёз нархи қўтарилишига қай даражада таъсир қилди, деб ҳи-соблайсиз?

– Ўзбекистонда икки мавсумда пиёз етиширилади. Биринчиси, август пиёзи май-июнь ойларида тайёр бўлади. Иккинчиси, эрта баҳорда ва тўқсонности кузда экилади. Уларнинг ҳосили август-сентябрда пишиб етилади ва юртимиз аҳолисини эрта баҳор (март-апрель) гача пиёз билан таъминлаш имконини беради. Мана шулар сақлаш, бозор расталарида сотиш учун мўлжалланган пиёздир. Юртимизга кутилмагандага совуқ ҳаво оқимикириб келди.

Аксига олиб, пиёзни сақлаш борасида бизда маълум бир муаммолар мавжуд. Булар сақлаш жойлари, омборларнинг етарли даражада жиҳозланмагани ва маҳсулотнинг олди очиқ айвонларда сақланаштаганидир.

Бозорларни ҳам кузатган бўлсангиз, пиёз сақланадиган алоҳида жойлар йўқ.

Совуқ, изфирин пайтида маҳсулотнинг музлаш эҳтимоли юқори эканини кўриш мумкин. Ҳақиқатан, пиёз музлади, аммо шундай хусусияти борки, ҳар қанча музласа ҳам муйян ҳолат ва шароитда асл ҳолига қайтиши мумкин. Фақат ич-ичидан музлаб кетгандагина яроқсиз бўлиб қолади. Пиёз совуқда қаттиқ музлади ва яроқсиз ҳолга келди, деган маълумотлар пайдо бўлди. Лекин буни 100 фоиз тўғри деб бўлмайди. Чунки шу гапдан кейин биз кўпгина ҳамкорларимиз билан мулоқот қилганимизда ҳолат у даражада бўлмаганини, 1-3 фоизгина пиёзда шундай ҳолат юз берганини айтишди. Биринчи омилни шу десак, иккинчи омил логистикадаги узилишлар туфайлидир. Асосий ваҳима кўтариладиган бозор Тошкент ҳисобланади. Нима учун ўша пайтда бозорларга етказиб берилмади, деган савол туғилади. Сабаб оддий: музлаган пиёзни жойидан қўзғатиб бўлмайди. Тадбиркорлар бозорда пиёз қимматлашганини билатуриб, муз-

лаган пиёзни машинага юклаб жўнатиб юборса, маҳсулотнинг бирдан музи эриб тушади. Ҳарорат кескин ўзгартирилса, пиёз сувга айланиб, яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Буни пиёз етиштирувчи дехқон жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам йўлдаги музламалар эмас, балки атайлаб пиёзни жойидан қимирлатмаслик учун ҳам пиёзни ташиб тўхтаган. Шунинг ҳисобига ҳам бозорларда пиёз камайган бўлиши мумкин. Лекин пиёз батамом йўқ бўлиб кетди, деган гап мутлақонотўғри.

Бундан бир ярим йил аввал Пиёзчилар ассоциацияси ташкил этилган. Пиёз билан боғлиқ муаммоларни мана шу уюшма таҳлил қилиши, ўрганиб чиқиши ва ечим топиши лозим.

– Ривожланган давлатларда пиёз қуритилган ҳолда ҳам истеъмол қилинади. Бу усулни Ўзбекистонда ҳам қўллаш мумкинми?

– Афсуски, Ўзбекистонда пиёзни қайта ишлаш ҳали у қадар ривожланмаган. Пиёзни нафақат музлатиш, қуритиш, балки бўтқага айлантириш имконияти ҳам бор. Тиббиётда қўлланадиган концентратлар олиш мумкин.

Биз пиёзни фақат маҳсулот сифатида сотишни биламиз. Агар қайта ишлаш учун 10 та имконият бўлса, биз шунинг 3 тасидан фойдаланамиз. Қолган 7 тасини амалда қўллаш учун бизда салоҳият, илм, тажриба ёки муносабат етишмайди.

Пиёзнинг ўзидан ҳам камида 5 та қўшимча қиймат занжири яратиш мумкин. Бизда пиёзни муайян фоизларда қуритиш тизими бор. Ундан ҳар доим ҳам фойдаланилмайди. Бозор расталарида сотилаётган ҳамма пиёзни ҳам қуритиб, қайта ишлаб бўлмайди. Бунинг учун маҳсус пиёз навлари мавжуд. Бундай пиёз навлари Хиндистонда бўлади. Мана шу навларни Ўзбекистонга олиб келиб, кейин эса шу тизимни йўлга қўйиш мумкин.

Бир неча йил аввал маҳсулот бозорларда етарли бўлиб турганда пиёз захира қилинди. Ўшанда камаз-камаз пиёз чиқиндиҳонага ташланганининг гувоҳи бўлганмиз. Ваҳоланки маҳсулотни ташлаб юборгандан кўра, қуритиб, қайта ишлаш мумкин эди. Аммо буни маҳсус технологиялар ёрдамида маҳсус навларда амалга ошириш мақсадга мувоғик. Шу билан биргадунё бўйича қуритилган пиёзга талаб катта. Дехқон ўзи етиштирган пиёзни нари борса, 5-6 ой сақлаши мумкин. Лекин қуритилган ҳолатда ундан ҳам кўпроқ сақласа бўлади.



– Ўзбекистонда пиёз экспортини ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Ўзбекистон пиёзини бошқа давлатга олиб бориш, яъни экспорт қилиш осон иш эмас. Бу узоқ шаклланадиган жараён ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам муайян худудларга маҳсулоти билан чиқиши, кутилмаганда бу маҳсулоти ўша давлатга манзур бўлса, маълум бир тизимлар ишга тушиши мумкин. Бу имкониятни чеклаш эмас, аксинча янада кенгайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Битта чўпни бўлса ҳам экспорт қилиш бу Ўзбекистонга нафи тегадиган ҳолатдир. Ўзимизнинг маҳсулотни ички бозорда айлантиравериш мамлакат иқтисодиётига унчалик



фойда келтирмайды. Замонавий, тажрибали, молиявий томондан анча бақувват бўлган тадбиркорларни кўпайтириш керак. Хорижий давлатлардаги тадбиркорлар билан қанчалик мустаҳкам алоқа ўрнатилса, четга қанчалик кўп маҳсулот чиқарилса, етиширувчи дехқонлар молиявий жиҳатдан ўзини тиклаб оладиган бўлса, замонавий технологияларни бемалол сотиб олиб, ишларни замонавий асосда такомиллаштириш имконитуғилади.

– Ўзбекистонда яна пиёз тақчиллиги вужудга келмаслиги учун олдиндан қандай чоралар кўриш керак?

– Маҳсулот етарли бўлса ҳам нархи кўтарилиб кетиши мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Ҳатто баъзида нима учун кўтарилаётганини билолмай қоламиз. Ўз-ўзидан кўтарилиб кетиш ҳоллари мавжуд. Баъзан эса ўзидан-ўзи нарх тушади. Омиллари ўрганилмаган. Худди мавхумлик тизими ишлаётгандек. Аслида мана шундай маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш учун статистикани тўғри юритиш лозим. Ўзбекистон аҳолисининг пиёзга

эҳтиёжини ҳудудма-ҳудуд юриб, ўрганган ҳолда аниқлаштириш керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларнинг асосини хусусий сектор ташкил этади. Улар маҳсулотни қайси вақт ва қандай нархда сотишини мустақил ўзи ҳал қиласди. Масалан, пиёз нархи бозорда 8000 сўм бўлса, пиёз етиширувчи нарх янада кўтарилганда сотишини режалаштириши мумкин. Мана шундай вақтда ҳеч ким унга қаршилик қилолмайди.

Шундай экан, бу масалани озиқ-овқат захираси тизимини аниқ йўлга қўйиш орқали ҳал қилиш мумкин. Ҳудудлар бўйлаб аниқ рақам ва тонналар мисолида мониторинг ўтказадиган ташкилотлар қўлида зарур маълумотлар бўлиши шарт.

Кузатувларга кўра, кейинги мавсумда пиёз тақчиллиги юзага келмайди. Марказий Осиёда июль ойидан бошлаб пиёз нархи анча мўътадиллашади ва одатдагидан кўра нархи анча арzon бўлиши эҳтимоли бор.

– Ўзбекистонда пиёз уруғчилиги ривожланганми? Маҳаллий уруғларни етишириш устида қандай изланишлар олиб борилмоқда?

– Аксарият пиёз навлари, яъни 95 фоизи маҳаллийлаштирилган. Нидерландия, Туркия, Германия, Жанубий Кореядан келтириладиган пиёз навлари асосан Сурхондарёда етиширилмоқда. Хориждан келтирилган пиёз уруғлари танлаб олиш йўли билан Ўзбекистонда маҳаллийлаштирилади. Мамлакатимиз аҳолиси истеъмол қилаётган пиёзнинг 99 фоизи сўнгги 15 йилда хориждан келтирилган уруғларнинг маҳаллийлаштирилган навларидан. Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтида ҳам пиёзнинг бир қанча янги навлари устида изланиш олиб борилмоқда. Аммо ҳозирча республикани таъминлай оладиган даражада, деб бўлмайди. Агар иш тўғри олиб борилса, 2030-йилларга бориб нафақат пиёзнинг, балки бошқа сабзавот маҳсулотларининг ҳам миллий нав, дея фахр билан кўрсатса бўладиган янги-янги навларини яратишга эришамиз.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
ложиҳаси журналисти
Наргиза КАРИМОВА сухбатлашди.



БИРИНЧИ НАВБАТДА ЎН ЙИЛЛИК ОЛМА, НОК ВА БЕҲИ ДАРАХТЛАРИ БУТАЛАДИ

Боғларда декабрь ойида қатор оралари 25-30 см чуқурлиқда ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин гектарига 5-10 тонна маҳаллий ўғит солинади. Боғ тупроғи шўрланган бўлса, декабрь ойида гектарига 10-12 минг куб метр сув сарфлаб, ер шўри ювилади. Шу билан бирга коллектор ва зовурлар тозаланади.

Об-ҳаво иссиқ кунлари жанубий ҳудудларда кўп йиллик мевали дараҳтларга шакл бериб, буташ ишларини бошласа ҳам бўлади. Биринчи навбатда, кўп йиллик олма, нок, беҳи дараҳтлари буталади.

Ҳаво очиқ ва илиқ кунларда боғлардаги зарар-кунанда ва касалликлар захираларига қарши кураш ишлар бажарилади. Боғларни дорилашда охирги йиллари кенг тарқалган монилиоз, клястеросприоз (тешикли доғ касаллиги), парша, дараҳт таналарини шикастлайдиган рак касалликларига жиддий эътибор бериляпти. Бунда бордо суюқлиги 3-4 фоизли суспензия ҳолида дараҳтларга пуркалади.

Бордо суюқлигининг ўрнига мис купоросини 1 фоизли ёки темир купоросини 3 фоизли қилиб сепса ҳам бўлади. Маълумки, касаллик юқуми тўкилган баргларда сақланади. Шунинг учун барча боғларда дараҳт атрофидаги тупроқ ағдарилиб чопилади. Шу йўл билан тўкилган барглар йўқ қилинади.

Декабрь ойида жанубий ҳудудлардаги токзорларда токларни кесиш ва шакл бериш ишлари давом эттирилади. Токзорларда шароитга қараб симбағазлар таъмирланади. Қатор ораларига 10-15 тонна маҳаллий гўнг солиниб, 25-30 см чуқурлиқда ҳайдалади.

Мева ва узумнинг кечки навларини сақлаш. Узоқ муддат сақлашга қўйилган мева ва узумлар ҳар куни кўздан кечирилади. Ҳарорат, нисбий намлиқ назорат қилиб борилади (ҳаво ҳарорати 0...+5°C, нисбий намлиқ 85-90 фоиз). Омборхоналарда ҳар ҳафта олтингугурт ёқилиб, тутатиб (дудланиб) турилади. Қоқи ва майиз сақланадиган хоналар, албатта, юқорида тавсия этилганидек, ҳар 6-7 кунда олтингугурт билан дудлаб турилади.

Январь ойида боғларда ҳаво ҳарорати 5°C дан юқори бўлгандага уруғ мевали дараҳтлар – олма, нок, беҳилар синган шох-шаббалардан, нобуд бўлган



пўстлоқлардан ва зааркунандалар захира-
ларидан тозаланади. Дараҳтлар оҳисталик билан
силкитилиб (қор шохларни синдиримаслиги учун),
устига ёққан қор туширилади.

Илиқ ҳаво ҳароратида уруғ мевали дараҳт-
ларга шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишлари
давом эттирилади. Куриган дараҳтлар олиб таш-
ланади.

Гўнг, минерал ўғитлар ва зааркунанда
ҳашарот, касалликларга қарши ҳимоя воситаларини
ғамлаш ҳамда боғ қатор орасига маҳаллий ўғит-
ларни солиш тавсия қилинади. Бунда паст бўйли
пайвандтагга уланган олмазорга гектарига 60–80
тонна, ўрта ўсуви пайвандтагга уланган олмазорга
гектарига 50–60 тонна, уруғ кўчатга уланган олмага
гектарига 30–40 тонна гўнг солинади. Уруғ ва данак
мевали боғларда дараҳтларнинг тагидаги тупроқ
ағдариб юмшатилади. Тўкилган барглар ва бегона
ўтлар йўқ қилинади. Боғларда дараҳтларнинг
ҳолати текширилади ва ҳисобга олинади.

Шакл бериш, буташ ва қирқишиш ишлари дараҳт-
лар уйқудалигида – хазонрезги охиридан то куртак
ёзгунга қадар ўтказилади. Совуқ тушгудай бўлса
(ҳаво ҳарорати $-5\text{...}-10^{\circ}\text{C}$), бу ишлар тўхтатилади.
Боғбон ва соҳибкор мутахассисларни ўқитиши, улар-
нинг малакасини ошириш, ускуналарни тайёрлаб
қўйиш ишлари бажарилади. Суғориш шахобчалари,
зовур ва коллекторлар тозаланади.

Мавжуд боғ-токзорларда ишлайдиган қишлоқ
хўжалиги машиналари, агрегатлар, транспорт воси-
талари таъмирланиб, мавсумга тайёрланади. Боғ-
ларда яхоб сув бериш, 1 гектарни 1500–2000 куб
метр миқдорда сув билан суғориш ҳамда шўр
ерларнинг шўрининювишишлари бажарилади.

Токзорларда январь ойида таъмирлаш ишлари
ўтказилади. Устунларни тўғрилаш, симларни тор-
тиш, гектарига 30–40 тонна майдонга гўнг солиш,
1 200–1 500 куб метр яхоб сув билан суғориш, шўр
ернинг шўрининювишишлари ташкил қилинади.

Боғларда февраль ойида январь ойида мўл-
жалланган ишлар давом эттирилади. Боғларнинг
санитар ҳолатини яхшилашга каратилган тадбирлар
ўтказилади. Касалликлар захираларига қарши 3
фоизли бордо суюқлиги билан ишлов берилади, дара-
ҳтларнинг танаси ва оналик шохлари оқланади.

Олма, нок, беҳи, ўрик, гилос ва олхўри дараҳт-
ларининг кўпчилик навларига шакл беришнинг
олдиндан қабул қилинган технологияси асосида
сийрак-ярусли шаклда бажарилади. Сийрак-
ярусли тизим бўйича тўлиқ шакллантирилган мева

даражти биринчи тартибдаги беш-олти шохдан иборат бўлади. Биринчи тартибдаги она шохларни шакллантириш билан бирга иккинчи ва учинчи тартибдаги шохлар ҳам шакллантирилади. Иккинчи тартибдаги биринчи шох биринчи тартибли шохда ҳосил қилиниб, унинг асосидан 30-40 см узоқда бўлиши керак. Иккинчи шох биринчисидан 25-30 см оралатиб шакллантирилади. Учинчи тартиб шохлари ҳам шу тариқа шакллантирилади. Иккинчи ва учинчи тартибнинг скелет шохлари ён томондан ўсган бўлиши керак. Пастки оналик шохларида иккинчи тартибнинг икки-уч, қолганларида бир-икки новдаси қолдирилади. Иккинчи тартиб шохларида учинчи тартибнинг бир-икки новдаси қолдирилади. Кучли ўсган ён шохлар кесилиб, ярим скелет шохларга айлантирилади. Скелет ва ярим скелет шохлар ўртасида ўсган ён куртаклар кесилиб ёки эгилиб, ҳосил шохларига айлантирилади.

Мевали дараҳтлар шох-шаббасини дастлабки беш-етти йил давомида шакллантириш лозим. Уларни дараҳтларнинг тур ва нав хусусиятларини инобатга олган ҳолда буташ керак. Дараҳт тўлиқ мевага кирган даврда навларига қараб 8–15 ёшгача ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва ҳосилдорлигини сақлаб қолишига қаратилади. Бу вақтда дараҳтлар ёш давридагига нисбатан камроқ буталади. Фақат майда шох-шабба, соя соловчи ва бачки шохлар олиб ташланади, алоҳида ўсган ва янги ташкил топган узун шохлар қисқартирилиб, мева шохларига айлантирилади. Анча йирик шохлар бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда кесилади.

Совукқа чидамсиз бўлган данакли мевалар: ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, олча, тоғолча ва субтропик ўсимликлардан хурмо дараҳтларига баҳорга яқин – февралнинг иккинчи ярми ва март ойи бошидан шакл бериш, буташ ишлари олиб борилади.

Ургуф мевали дараҳтлар куртак чиқармасдан олдин парша (қўтири) касаллиги, монилиоз (монилиал куйиш)га қарши З фоизли бордо суюқлиги ёки 5 градусли ООҚ билан жиққа ҳўллаб ювилади, 10-12 кундан кейин пуркашишларит тақрорланади.

Касаллик юқуми ва заараркунандалар қишлоғчи захираларга қарши тўкилган барглар, мева фўралари, заарарланган мевалар қолдиги ва дараҳт танаси тагидан чиқсан бегона ўтлар қолдиги қўшилиб, дараҳтлар атрофи 20-30 см чуқурлиқда ағдариб чиқилади.

Данак мевали (ўрик, шафтоли, гилос) боғларда монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоқлигига қарши 5 градусли ООҚ ёки 3 фоизли



бордо ёки 1 фоизли мис купороси, ёки 2-3 фоизли темир купороси билан эрта баҳорда – куртаклар бўртиш арафасида ишлов берилади. Тайёрланган бордо суюқлиги 2-3 соат ичидаги ишлатилиши зарур.

Боғ қатор ораларини борона қилиш, янги боғ экиш учун ерларни тайёрлаш ва режалаш керак. Хатоси бор боғларнинг ораларини кўчатлар билан тўлдириш даркор.

Февраль ойида токзорларда симбағаз ва ишкомлар ўрнатиш, эскиларини таъмирлаш зарур. Шу билан бирга суфориш иншоотларини тозалаш, минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларни олиб келиш, токчиликка оид маҳсус техника ва механизmlарни таъмирлашишларини якунлаш лозим.

Нодир ЖАЛИЛОВ,
 “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
 маркетинги бўйича техник кўмак”
 лойиҳаси иқтисодчиси





Илҳом САЙФИЕВ:
**“БИР-БИРИГА
ЎХШАМАГАН
МАҲСУЛОТЛАРНИ
ЯРАТИШ УЧУН
ЙИЛЛАБ ВАҚТ
САРФЛАНАДИ”**

Бухоро шаҳридаги “Livadiya-Bukhara” масъулияти чекланган жамияти айни вақтда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича FSSC-22000, HALAL сертификатларига эга. Қарийб ўн йилдан буён фаолият юритаётган корхонада мева-сабзавотлардан кимёвий қўшимчаларсиз табиий ҳолатдаги 10 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Айниқса, дорихоналар учун қуритилган ер ноки (топинамбур)дан “Авиценна хазинаси” брендидан остида тайёрланаётган, инсулин ўрнини босувчи “INUTOP” кукуни, “GOODS FRUITS” брендидаги қуритилган олма чипси, ошқовоқли, қўзиқоринли ҳамда томатли пюrelар харидоргир бўлмоқда. Ўтган илини корхонада минг тоннага яқин маҳсулот қайта ишланган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткични икки минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Корхона раҳбари Илҳом Сайфиев билан корхонанинг экспортдаги салоҳияти ва келгуси режалири ҳақида суҳбатлашдик.

– Айни вақтда корхона маҳсулотлари қайси давлатларга қай тартибда экспорт қилинмоқда?

– Корхонамизнинг халқаро сертификатларига эга бўлгани экспорт борасида қўл келмоқда.





Мутахассисларимиз талабгор давлатнинг савдо тармоқларидағи талабини пухта ўрганишади. Сўнгра маҳсулот сотуви бўйича ишлар бажарилади.

Айни вақтда Озарбайжон, Польша, Молдова, Руминия, Россия, Қозоғистон каби давлатларга маҳсулот экспорт қиляпмиз. Бундан ташқари, юртимиз ички бозори, супермаркет, дорихоналар ҳам доимий харидоримиз ҳисобланади.

– Асосий экспорт мавсуми қайси даврга тұғрикелмоқда?

– Маҳсулотларни талабгорларга йил давомида етказиб берамиз. Катта сифимдаги музлаткичларга эга корхонамизда сақланаётган мева-сабза-

ботлар қайта ишловчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини етарли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятига эга. Шунингдек, вакуум усулида сақланаётган, қурилган мева-сабзавотлар ҳам корхонамиз учун даромад манбаидир. Ушбу маҳсулотлар экспортда катта улушга эга.

Вакуум усулида сақланаётган маҳсулотларимиз бундан бир неча йил аввал Германияда бўлиб ўтган халқаро танловда биринчи ўринга муносиб кўрилиб, чет эллик харидорлар эътиборига тушган эди.

– Четга ускуналар ҳам етказиб беряпмиз, дедингиз. Улар нималардан иборат?

– Мева-сабзавотларни қуритиш ва қайта ишлаш ускуналарининг барчаси корхонанинг ўзида ясалган. Улар ишлаб чиқариш қуввати юқорилиги ҳамда сифатли бўлгани боис харидоргир бўлмоқда. Бугунги кунда мазкур ускуналаримиз Озарбайжон, Польша, Молдова, Руминия, Қозоғистон каби давлатларга сотилмоқда.

– Ҳар бир корхона янги харидор тошида ўзига хос тажрибага эга. "Livadiya-Bukhara" масъулияти чекланган жамиятида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Корхонамиз маҳсулотлари билан кўплаб кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келаётгани боис янги ҳамкорларни топишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Россия,



Қозоғистонда бўлиб ўтган кўргазмаларда кўплаб харидорлар маҳсулотларимизга қизиқиш билдириди. Келгуси йили Германия ҳамда қўшни давлатларга маҳсулот экспорт қилиш борасида келишув бошлаганмиз.

– Маҳсулотларни жўнатишда логистика хизмати, қадоқ идишларининг узоқ йўлга чидамсизлиги, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш каби экспорт борасидаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Қанча кўп маҳсулот сотилса, корхона шунча кўп даромадга эга бўлади. Шу боис ҳам бу ишни амалга ошириш пухта режалаштирилади. Экспортнинг биринчи талаби маҳсулот сифатидир. Унинг ўлчами, қадоғи, сакланиши, ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ҳамда маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш борасидаги логистика хизматлари ҳам асосий ўрин тутади. Бу борада бизда малакали мутахассислар ишлайди. Шу боис ҳам муаммоларга ўрин қолдирмасдан олдиндан тузилган режа асосида мукаммал иш юритилади. Фаолиятимизда маҳсулотларимиз экспортдан қайтган ёки талабгорнинг эътиrozига учраган ҳолатлар қайд этилмади.

– Масъулияти чекланган жамиятида бирорта мева ёки сабзавот турига оид янги маҳсулот устида йиллаб изланиш олиб борилар экан, келгусида корхонада қандай янги маҳсулотларни қайта ишлаш режалаштирилган?

– Бир-бирига ўхшамаган янги маҳсулотлар харидор эътиборини тез жалб этади. Шундай маҳсулот яратиш учун кўпинча йиллаб вақт сарфланади. Бу борада уларнинг қадоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент ва Фарғона вилоятларида жами 20 гектар ерга топинамбур экканмиз. Ноябрь ойининг ўрталаридан январь ойининг охиригача йиғиб олинадиган ушбу сабзавот экини айни вақтда йиғиб олиняпти. Ушбу сабзавотнинг 6 килосидан 1 килограмм тайёр кукун олинади. 5 килограмм ер нокидан 1 литр шарбат тайёрланади.

Таркибидаги темир моддаси миқдори сабзи, картошка, шолғом, лавлагиникидан юқори турувчи топинамбурдан келгуси йили шарбат тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз. Ушбу шарбатни Германияга экспорт қилиш борасида келишувлар имзолаганмиз.

Шунингдек, майиз, ёнғоқ, бодом, асал қўшиб прессланган ҳолда тайёрланётган 33 граммлик думалоқ кўринишдаги витаминли, инсон иммунитетини кўтарувчи маҳсулотимизни янада бойитиб тайёрлашни йўлга қўямиз. Биргина бу эмас, 100 фоиз табиий ҳолда тайёрланётган маҳсулотлар турини янада кўпайтириш борасида ҳам изланишлар олиб боряпмиз.

“Livadiya-Bukhara” масъулияти чекланган жамиятида эртанги кун учун бугундан барпо этилаётган мустаҳкам замин унинг ривожида катта аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлдик.

Корхонага қарашли 30 дан ортиқ касаначи қуритиш ускуналари билан таъминланган. Уларнинг ҳар бири ойига 5 тоннагача мева-сабзавот қуритиб, хомашё тайёрлаб бермоқда. Бу бир тоннага яқин қайта ишланган тайёр маҳсулотни ташкил этиб, касаначиларнинг ҳар бири ойига 4-5 миллион сўм даромад қилмоқда.

Бухоро, Жizzах, Фарғона, Тошкент вилоятларида фаолият олиб бораётган масъулияти чекланган жамиятга қарашли касаначилар сони янада кўпайиб, қўшимча иш ўринлари очилмоқда.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси журналисти

Жамила ҲАЙДАРОВА сұхбатлашди.




КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ



Калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.) ички карантин обьекти ҳисобланади. У жуда хавфли бўлиб, 150 дан ортиқ дараҳт ва манзарали экинда учрайди. Заараркунанданинг ватани Шимоли-шарқий Хитой бўлиб, у ердан Америка қитъасига ва 1930-йилларда Европа мамлакатларига бориб қолган. Ҳозир бу ҳашарот қўшни давлатлардан Туркманистон ва Тожикистонда ҳамда Кавказ, Украина, Молдовада учрайди.

Таърифи. Урғочисининг ранги лимон каби сарик, шакли ноксимон, узунлиги 1,3 мм, кўзи, оёғи ва мўйлови йўқ. Қалқони юмалоқ, ўлчами 2 мм, бўртган, ранги қорамтири ёки қўнғир, ўртасида 2 та личинка пўстининг изибор.

Биологик ҳусусияти. Калифорния қалқондорининг бир ёшли ва қисман икки ёшли личинкалари ҳамда вояга етган урғочилари қишлиайди, аммо қишида ҳалок бўлади. Қалқондорлар дараҳтларнинг шохи ва ўзларининг қалқонлари остида қишлиайди. Февралнинг охирларида уйқудаги личинка иккинчи ёшга ўта бошлайди. Лекин қиш пайтида 20–50 фоиз личинка ўлиб кетади. Дараҳтлар кўкара бошлаши билан личинкалар озиқлана бошлайди ва 2 марта пўст ташлаб, жинсий етук урғочи ва эркак зотга



Калифорния қалқондори эркаги


айланади. Эркак ва урғочи зотларнинг нисбати ўртача бирга-бир тўғри келади. Калифорния қалқондорининг эркаклари қанотли, серҳаракат бўлади, урғочилари бир жойга ёпишиб олиб, қимирламай ётади. Улар ёш личинкали босқичда ёйилади. Ўрмалаб юради ёки шамол, ҳашарот, қушлар воситасида тарқалади. Личинкалар кейинчалик бирор



Калифорния қалқондорининг урғочиси



Калифорния қалқондорининг личинкалари



Калифорния қалқондори заарлаган мева



жойга ёпишиб олиб, ҳаракатланмайди.

Иккинчи авлод учун урчиган урғочи зот 1 ойча етилгач, тирик туға бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, личинкалар она танасида туғилишдан олдин тухумдан очиб чиқсан бўлади. Камдан-кам ҳолларда личинка қалқон остида онаси тухум қўйганидан кейин чиқади. Булар ҳам дараҳт бўйлаб тарқалиб, янги авлодни бошлаб беради. Калифорния қалқондорининг урғочиси 100–200 тача (жанубдаги баъзи жойларда 500 тача) личинка туғади. Ўзбекистон

шароитида калифорния қалқондори мавсумда 4-5 та авлод беради. Тожикистон ва Озарбайжон шароитида 4 та насл қолдиради. Ҳар қайси авлод личинкаларидан бир қисми қишлишга қолади. Ва ниҳоят охирги авлоднинг дастлабки ёш личинкалари маҳсус тайёргарлик кўриб, она қалқони остида қишлиади. Аммо шароит мавжуд бўлса (иссиқхона ва бошқа хонадонлардаги ўсимликлар), калифорния қалқондори йил мобайнинда тинмай ривожланиши мумкин. У асосан кўчатлар орқали жойдан-



жойга тарқалиши мүмкін. Заараланған мева билан савдо йўллари орқали ҳам тарқалиш имкониятига эга.

Зарари. Калифорния қалқондори мевали дараҳтларга, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга заар етказади. Калифорния қалқондори жуда кўпайиб кетганда дараҳт пўстлоғини ёриб юборади. Шохларни ва ҳатто бутун дараҳтни қурилади. Мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Калифорния қалқондори янги ўтқазилган дараҳтларга, айниқса, катта заар етказади. Зааркунанда ҳамма нарсани еяверади. У олма ва нок дараҳтларига кўпроқ заар етказади. Бундан ташқари, беҳи, ўрик, бодом, ёнғоқ, олхўри, тоғолча, гилос, олчага заар келтиради. Бошқа жуда кўп мевали, манзарали дараҳт, ток ва буталарнинг ширасини сўради.

Кураш чоралари. Қалқони бўлгани учун қалқондорларга қарши кураш бирмунча мураккаб. Физикаий-механик чора сифатида эрта кўкламда буталган шох ва новдалар ёқилади. Дараҳтлар танаси тозаланиб, қуриган эски пўстлоқлари йўқ қилинади. Калифорния қалқондорининг тухумдан чиққан личинкалари дайди ҳолатда яшаган даврда, яъни қалқон тагидан чиқиб, ўзига қулай жой излаётган пайтда уларга кимёвий кураш чораси кўрилса, юқори самара беради.

Эрта кўкламда (куртаклар бўртгунча) 10 фоизли мойли эмульсия ёки (камроқ натижада берадигани) 5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки тоза

ўсимлик мойи пуркалади. Бу дориларни самолётдан пуркаш ҳам мүмкін. Барг битларига қарши курашиш учун ишлатиладиган инсектицидлар ёзда калифорния қалқондорига қарши курашиш учун ҳам ишлатилади.

Дараҳтдаги калифорния қалқондорларини шу инсектицидлар билан батамом йўқ қилиш учун тухумлардан ёш личинкалар чиқиб, ўрмалаб юрадиган қисқа даврдагина ишлатиш керак. Аммо бундай давр одатда атиги 2-3 кун давом этади. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашни самарали ташкил этиш учун тўғри мониторинг ўрнатиш мұхим. Куртаклар бўртиш вақтида минерал мойлар билан таркибида хлорпирифос ёки диазинон бўлган препаратларни аралаштириб ишлов берилади. Вегетация даврида эса таркибида дельтаметрин, диметоат, имидоклоприд, лямбда-циголотрин, малицион ва хлорпирифос бўлган препаратлар билан Ўзбекистон Республикасида руҳсат этилган меъёрларда ишлов берилади.

Норжигит НИШОНОВ,
 "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
 маркетинги бўйича техник кўмак"
 лойиҳасининг ҳудудий иқтисодчиси



Фирдавс ЖЎЛИЕВ,
 ТошДАУСФ магистранти



ТУПРОҚНИ НОНДЕК АЗИЗ БИЛГАН ИНСОН



Узумчиликда дунё аҳлининг эътиборини тортадиган даражада ютуқларга эришган, эл эъзозлаган Ризамат ота Мусамуҳамедов яшаган ўзбек замини ҳам бир неча асрлар аввал узумнинг қадимий ватани бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Ризамат ота Мусамуҳамедов 1881 йилда қадим ва мафтункор Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Баландчақир” маҳалласида дунёга келган. Унинг аждодлари тажрибали боғбон, соҳибкорлар бўлган. Уларнинг серҳосил боғ-роғлари ҳақида яхши эсланади. Ана шундай муҳитда ўсибулғайган Ризамат Мусамуҳамедов кейинчалик таникли соҳибкор бўлиб етишиди.

РИЗАМАТ ота. Бозорлар ва савдо расталарида харидорлар кўзини қамаштирадиган ва дарҳол ўзига эътиборни тортадиган узум нави ана шундай номланади. Унинг таъми, мазаси, инсон соғлиғи учун фойдали хусусиятлари ҳақида гапирмаса ҳам ҳамма билади. Лекин ушбу узум навининг селекционери ва унинг яратилиш тарихи ҳақидаги маълумотлардан ҳамма ҳам хабардор эмас. Хўш, қандай қилиб, дунё бозорида машҳур Ризамат узум нави пайдо бўлди?

– Узумчилик тарихи минтақамиизда жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Археологик ёдгорликларда, масалан, бронза даврига хос, ҳаттоқи ундан ҳам қадимийроқ даврларга оид археологик қат-

ламлардан узум уруғи кўмирга айланган, қуруқ жойларда ҳатто қуруқ ургунинг ўзи, баъзан қурт еган ҳолатда жуда кўп марта топилган, – дейди тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов. – Узоқ тарихдан бошлаб ривожланиб келган узумчиликнинг тараққиёти, айниқса, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Ризамат ота Мусамуҳамедов номи билан боғланади. У ушлаган токқайчите умрининг сўнгигача қўлидан тушмади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соҳибкор, давлат мукофоти соҳиби, фахрий академик Ризамат ота Мусамуҳамедов ҳаёти ва фаолияти давомида узумнинг ўнлаб навларини яратди. Токни яшартириш усулини жорий қилди. Узумчиликда асрлар оша амал қилиб келган ишком, сўри усулларидан воз кечиб, замонавий техника ёрдамида катта майдонларда узумзорлар бунёд этишга мослашган янгича “Қалпоқли симбағаз” усулини яратиб, амалиётга жорий қилди. Ушбу тажриба ток ораларига трактор билан ишлов бериш, кузда кўмиш, баҳорда очишкаби оғир меҳнатларда техникага таяниш ҳамда узум ҳосилдорлигини ошириш имконини берди.

Мирзачўл, Фарфона водийси ва юртимизнинг жанубий ҳудудларида бепоён узумзорлар барпо этилишида Ризамат отанинг хизматикатта.

Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, Қозогистоннинг бир қатор туманларида, Қирғизистон, ҳатто Грузия ва Арманистонда минглаб гектар ерда намунавий токзор ва боғлар яратишга бош бўлгани эса бизда фахр ҳиссини ўйготади.

Ўзбек боғбонининг узум этишириш усуллари бугунги кунда ҳам ўнлаб хорижий мамлакатларда эътироф этилиб, амалиётга киритилмоқда. Ризамат отанинг ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи "Узумчилик бўйича қисқача амалий қўлланма" ўзбек ва рус тилларида тақрор-тақрор нашр этилди. Айниқса, унинг 1959 йилда нашр этилган "Мўл узум ҳосили этиширишдаги тажрибаларим" номли китобидаги фалсафий мушоҳадалари ўқувчини беэътибор қолдирмайди.


– Ризамат ота Мусамуҳамедовни дунё узумчилигига жуда катта ҳисса қўшган амалиётчи олим сифатида тилга оламиз. У узумчилик амалиётида токларга шакл бериш, кесиш, уларнинг юртимиз тупроғига мосларини танлай билиш, илмий жиҳатдан асосланган фикрлар бериш билан ажralиб турган, – дейди қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор Жамолиддин Файзиев. – Уша даврда Ўзбекистонга келган рус олимларига ҳам ток парвариши ҳақида жуда кўплаб амалий маслаҳатлар берган, илмий-тадқиқот ишларида кўмаклашган.

Ризамат ота Мусамуҳамедов узумчиликда оламшумул навлар яратди. Хонадонига йўқлаб келган дунёга машхур давлат ва жамоат арбоблари, олимлар билан сұхbatлар уюштириди. 1936 йилдаёқ оламшумул янгиликка қўл урган ўзбек ўғлони "Мехнат қаҳрамони" орденига лойик қўрилди.

Бир умр қўлида токқайчиси билан меҳнат қилган Ризамат ота Мусамуҳамедов 36 хилга яқин узум навини яратган. Бу айтишга осон, лекин бунга қанча вакт, сабр-тоқат керак.

– Конгрессда Ризамат отанинг олдига Смирнов деган олим келади ва бир таклиф, маслаҳат берсангиз, шундай узум нави яратайликки, ушбу нав энг халқчил бўлсин, дейди. Шунда ота йўлаб туриб, Каттақўрғон билан Паркент навини чатиштириб кўриш орқали халқчил, бозорбол ва ейимли узум нави пайдо бўлиши мумкин, дейди. Ризамат отанинг таклифини инобатга олиб, мана шу навларни чатиштириш натижасида Ризамат номли ажойиб узум нави яратилди, – дейди қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Миржамил Ёқубов.

Ризамат отанинг кенжা фарзанди – математик олим, "Мехнат шухрати" ордени соҳиби Муҳаммадраҳим Мусамуҳамедов падари бузруквори ҳақида



шундай ҳикоя қилади:

– Отамнинг болалиги машаққатли меҳнатда кечган. Ўн икки ёшида рўзгор боқишда қийналиб қолган отасига ёрдамлашиш учун "Дегрез" узумчилик ҳўжалигига ишга кирган. Отам раҳматли тупроқни нондек азиз деб биладиган инсон эди. Қишлоқ ҳўжалигига кўп йиллар хизмат қилгач, 90 ёшга кирганида катта бир анжуман минбарида туриб шундай деганди: "Болаларим, мен қарибим. Лекин ўқинмайман. Гоҳо ёлғиз қолиб, умр ҳақида ўйга толсам, хаёлим қадим ота-боболаримизнинг манзилларига кетиб қолади. Улар неча асрлар аввал ҳам ток парвариш қилган, узум шарбати ичиб, қанд ўрнига майиз еган. Қаҳрабодек узум бошлари, ток новдалари азалдан халқларнинг тинчлик, саломатлик, баҳт-саодат рамзи бўлиб келган. Кўхна Шош шахрининг тамғаларида ток баргининг тасвири бор. Ўйлаб қарасам, кекса умрим ўша тарих заҳматларига уланиб кетгандай. Мен боғлар ўстирдим, мана шу қадоқ қўлларим билан жуда кўп манзилларга ниҳол қададим. Юртимизда боғлар,



узумзорлар зумраддек кўкариб ётибди. Молдова, Украина, бутун Кавказ, Марказий Осиё – ҳаммасида мен яратган боғлар гуркираб турибди. Сиз балки ҳайрон бўларсиз, бир юпун дехқоннинг боласи эдингиз-ку, деб. Тўғри, юпунлик, зорлик, хорликлар қаҳрини кўрдик, ҳақсизликнинг қоқ нонини еганларданман. Аммо баҳтим шундаки, мен она табиатнинг этагидан тутдим, қўйнида улгайдим. Омадим шундаки, ёшлигимдаёқ буюк қалб эгаларига, катта соҳибкорларга шогирд тушганман. Таниқли олим Стеколников билан 22 йил бирга ишладим. Асли узоқ Даниядан бўлса ҳам ўзбек урф-одатларини ҳурмат қиласидиган, Ўзбекистон тупроғини яхши биладиган Рихард Шредер менинг токларни боладай парвариш қилишимни кўриб, “Ҳа, буларни бошқариш мумкин, улар яхши соҳибкорнинг гапига кўнади, лекин халқ тажрибасидан йироқлашиб кетиш керак эмас”, дерди.

Отам нафақат узумчилик ёки боғдорчилик, балки лимончиликка ҳам асос солган, десам адашмайман. 1947 йили Батумига борганида юртимизга биринчи марта лимон кўчатини олиб келган. Олим Зайниддин Фахриддинов билан бирга кўчатни эккан. Шогирдларининг цитрус ўсимлиги бизнинг тупроқда ўсадими, деган саволига “Шундай мевалар, узумларни қанд-шакар қилиб етиштирган жойда ҳамма нарса унади”, деган.

– Мен келин бўлиб келганимда дадам саксон ёшни қоралаб қолган, жуда меҳрибон, беозор инсон эди. Ойим билан дадам бир-бирларига жуда меҳрибон эди, – дейди Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг келини Жўрахон опа. – Ҳеч қачон жаҳл қилганини билмайман. Ҳамиша “Бой бўлгур”, деб гап бошларди. Агар кўчадан ош еб келса, ойимга “Назокат, мен ош еб келдим, болаларга ош қилинглар”, дерди. Кўп кексалар қариганида болаларнинг шўхлигини ёқтирумай, инжиқ бўлиб қолади. Лекин дадам дарёдиллигича яшаб ўтди. Етти нафар қизимизнинг ҳаммасини яхши кўриб, елкасида опичлаб катта қилди. Шоира Зулфияхонимга ўхшаган инсон бўлсин, деб бир қизимизга Зулфия, деб исм қўйган. Қайнота-қайнотонамнинг соясида менинг ниҳолларим ҳам бўй чўзди. Бугун ҳаммаси катта хонадан бекаларига айланган...

Зулфия Абуалибекова, набираси: – Бувам тўғриларида гапирадиган бўлсан, улардан фақат яхши ва ёрқин хотиралар қолган. Мен институтта кирган йилларим оламдан ўтганлар. – Менинг соҳамни давом эттириш учун ўғил бола, қиз болага қаралмайди. Сен ўзинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқсанг ва шу касбимни давом эттиранг, қолаверса, шу соҳада олимда даражасига етишингни хоҳлайман, деб айтардилар. Мактабни битиргач, Қишлоқ хўжалиги институтининг агрокимё-факультетига ўқишга кирдим. Қизил диплом олиб, битирдим. Институтни тамомлаганимдан кейин эса 1993 йилдан бери нав синаш соҳасида бош мутахассис бўлиб ишлаб келмоқдаман. Бу бувамнинг васиятлари десам ҳам бўлади.

Бувам жуда меҳнаткаш одам эдилар. Ёшлари 90 дан ошган вақтлари ҳам шу ҳовлимиздаги узумларни ўзлари парвариш қиласар эдилар. Кўзлари унчалик илғамаса ҳам, меҳнат қилиб юрардилар. Жуда самимий, одам сухбатлашса мазза қиласидиган, ажойиб инсон эдилар.

МАНБА:

<https://tashkentpamyat.ru/memorial/memorial-pamjati.html>).

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
ложиҳаси журналисти
Наргиза КАРИМОВА тайёрлади.





АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«SHIRINMEVA» журнали ISSN рақамига эга бўлганлиги муносабати билан журналнинг 25-сонидан бошлаб илмий мақолалар қўйидаги талаблар асосида қабул қилинади.

«SHIRINMEVA» агробизнес журналида мамлакатимиз мева-сабзавотчилик соҳасига оид умумий масалалар ва муаммоларга бағишиланган ҳамда соҳа тараққиётига хизмат қиливчи илмий таҳлил ва таклифлардан иборат мақолалар эълон қилинади. Мақолалар илмий-оммабол усууда ёзилиши лозим.

Тақдим этиладиган мақолалар қўйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Сарлавҳа мақоланинг мазмунига мос, қизиқтира оладиган, 3-10 сўздан иборат бўлиши керак.

Муаллиф маълумотлари:

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- иш жойи ва лавозими;
- тадқиқот ташкилоти;
- илмий унвони (агар бўлса);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили;
- сурати (журнал форматига мос ҳажмда).

2. Аннотация:

- 150 белгидан кўп бўлмай, битта абзац кўринишида ёзилади ва тадқиқот мақсади, методлари, натижалар, асосий хуносаларни ўз ичига олади.

3. Калит сўзлар:

- 5 тадан кам, 10 тадан кўп бўлмаслиги, мақола мазмунига мос бўлиши шарт.

4. Мақола матни:

- кириш;
- мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (литература);
- натижалар (анализ резульватов);
- хуроса ва таклифлар (заключение/рекомендации).

5. Қўлланилган манбалар рўйхати (библиографик маълумот):

- мақолада қўлланилиш тартиби кетма-кетлигига

Мақола кирилл алифбосига асосланган ёзувда, Times New Roman шрифтида, 14 ҳарф катталигига, 1.15 оралиқ (интервал) билан 3 бетдан кам ва 7 бетдан кўп бўлмаслиги керак. Ҳошияси учун чапдан 3, ўнгдан 1.5, тепа ва пастдан 2 см. қолдирилади.

*****Журналга тақдим этиладиган ишлар мазмун жиҳатидан соҳада фолият юритувчи ходим ва тадқиқотчилар учун фойдали ва, албаттта, қизиқарли бўлишига эътибор қаратилади.

Мурожаат учун: +998 71 202 1121

Журнал таҳририяти

САМАРҚАНДА «AGROPRO EXPO 2023»



Бугун бутун дунёда давлат сиёсати даражасига кўтарилган аҳолини хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш борасида аграр соҳа ривожи мухим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг 21-23 февраль кунлари Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида жойлашган «SOF EXPO Samarkand» халқaro кўргазма марказида «AGROPRO EXPO 2023» халқaro қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг ўтказилиши бу борада яна бир мухим қадам бўлди.

Кўргазмада «Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник қўмак» лойиҳаси, Ўзбекистон Анорчилар асоцiasiяси ҳамда лойиҳа доирасида чоп этилаётган ShirinMeva журнали расмий ахборот ҳамкори сифатида иштирок этди.

Мазкур тадбирда 6 200 нафардан зиёд соҳа вакиллари иштирок этди. Жумладан, 150 дан ортиқ компания ва корхоналар ташриф буюриб 2 000 дан ортиқ маҳсулот ва хизматларини тақдим этишиди.

Шунингдек, аграр соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг янги имкониятлари, кооперация фаолияти, маҳсулот экспорти, ишлаб чиқариш технологиялари, илмий тадқиқотлар каби долзарб мавзулардаги панел сессиялар Ўзбекистон, Покистон, Украина, Беларусь ва Қозоғистон давлатларининг қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирокида ўтказилди.



Баҳодир ТОҶИЕВ, Олий Мажлиси Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

– Юртимизда айни вақтдаги мавжуд муаммолар ҳамда фермерларни қийнайдиган масалаларни бартараф қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг самарадорлигини янада оширишимиз лозим. Аҳолимиз кундан-кунга кўпайиб бормоқда, еримиз эса аввалгидай. Нима ҳисобига биз Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашимиз мумкин? Биринчи навбатда сув ресурслари камайиб бормоқда. Бу борада давлатимиз, вазирликлар, ижро ҳокимияти биргаликда ишлашимиз лозим.

Биргина томчилатиб суғориш тизимини оладиган бўлсак, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида ана шундай ускуналар ишлаб чиқарилаётган экан, ўзимиз бориб кўрдик. Ушбу ускуналарни бир худудда кўрсатиб кейин фермерларга тадбиқ этиш масаласини олдимизга вазифа қилиб қўйсак кўзланган мақсадга эришамиз.

Айни вақтда Сенат ҳам, Парламент ҳам соҳа қонунчилигида қандай ўзгариш керак бўлса, халқимизга, дехқонларимизга осон бўладиган ишларни амалга оширишга ёрдам беради.



Нодир ОТАЖОНОВ, "Ўзагролизинг" АЖ бошқарувиаси:

– Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жадал иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётганига барчамиз гувоҳ бўляяпмиз. Соҳада замонавий агротехникалар кўлланияпти.

Биргина механизация соҳасини оладиган бўлсак дунёдаги энг етакчи компаниялар ўз техникаларини олиб келиб бизнинг бозоримизда сотяпти. Муаммо нимада? Биз фермерларни ўқитиб, улар бир хил ишни бажарганларида натижадорлик ҳар хил бўляпти. Сабаби энг замонавий техникада ерни ҳайдаб, лазер текислагичлардан фаол фойдаланиб, маълум муддатда уни текислаш талаб этилади. Шунингдек ерни 4-5 йилда бир маротаба чуқур юмшатиш лозим. Бу иш оммавий тус олгани йўқ. Жуда кам фермерларда кўлланилмоқда. Ваҳоланки, ҳосилдорликни оширишда бунинг аҳамияти жуда катта. Ушбу ишлар тўғри ташкил этилмагани боис ўша жойда ҳосилдорликка ҳамда тракторларнинг иш унумдорлигига таъсири катта бўлмоқда. Бу борада ҳам тушинтириш ишларини олиб боришимиз лозим.



Феруз ОБИЛОВ, Самарқанд вилоятининг Қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ҳоким ўринбосари:

– Аввалинбор вилоятимизда ташкил этилган «AGROPRO EXPO 2023» халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмасидаги иштироқингиз учун барчангизга миннатдорчилик билдираман.

Бугун дунёда қишлоқ хўжалиги масаласи, озиқовқат хавфсизлиги ҳозирги асосий муаммога айланмоқда Айниқса ҳозирги геоиктисодий даврда унга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Мана шундай ҳолатда ҳалқимиз ўзини қандай тутиши, дехқонларимиз нима қилиши керак? Бунга катта эътибор беришимиз лозим. Албаттабу борада энг катта масала қишлоқ хўжалигидаги инновация, энг сўнгги янгиликларни жорий этиш ҳамда соҳадаги уруғчилик борасида кечикириб бўлмайдиган вазифаларни амалга оширишимиз лозим. Соҳани молиялаштириш, субсидиялар ажратиш ёки қишлоқ хўжалигидаги дотациялар, бу борада айни вақтда кўп ишлар амалга оширияпти. Шу билан бирга муаммолар ҳам мавжуд. Агарар соҳада дехқонни билимини ўзgartариш учун катта меҳнат талаб этилади. Бу борада кўп тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Янгиликлар киритишга ҳаракат қиляпмиз. Томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ишлари яхши самара бермоқда. Охирги 3-4 йилдадеҳқонларимиз анча ўзгаришлар қилишди.

Кўргазма доирасида ҳам ана шу долзарб муаммоларечими борасида илмий ёндашувларни, янгиликларни, илфор тажрибаларни ургандик.





Зоҳиджон ЗИЯДУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқхўжалиги вазари:

– Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси кластер раҳбарлари, илфор фермерларимиз, бир қанча Масъулияти чекланган жамият раҳбарлари иштирок этишди. Бу ердаги кўрсатилаётган янгиликларни биргаликда ўрганиб, энг мосларини танлаб олиб, эртанги кунда Қорақалпоғистонда ҳам қишлоқ хўжалиигига жорий этишни амалга оширамиз. Яна бир муҳим жиҳат «Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак» лойиҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Яхши лойиҳа бошланган экан. Лойиҳанинг ShirinMeva журнали, Ўзбекистон Анорчилар Асоциацияси билан ҳам танишдик. Бу ерда анорчиллик бўйича мутахассилар билан гаплашдик ҳамда биринчи навбатда Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ, иклим шароитидан келиб чиқсан ҳолда анорнинг мос навларини танлаб келгусида ҳамкорликда ишлашни келишиб олдик.



Ким Ми ГЁНГ, «GREN KOREA AGRO INVEST VA GS-BIO SAMARKAND» қўшма корхонасининг кореялик мутахассиси, профессор (Жанубий Корея):

– Биз яратган уруғлик картошканинг «Sumi», «Пикассо» каби 5 хилдаги навлари Ўзбекистон Республикаси иклим шароитига мос келади ва уларни дала майдонларига бемалол экиш мумкин. Ушбу навлар касалликларга чидамли бўлиб, об-ҳаво танламайди. Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб маҳсулотларимизни ички бозор учун сотувга чиқарамиз. Келгуси йилдан бошлаб эса Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилишини бошлаймиз. Кўргазмада қўшма корхонамиз маҳсулотларига катта қизиқиш бўлди ва кўргазма жуда яхши ўтди.



ВАСИФ МЕХДИЕВ, «ЧИНAR TINGCILIK» фирмаси раҳбари (Озарбайжон Республикаси):

– Менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим Самарқанддаги кўргазмадан бошланди. Кўргазмага Озарбайжондаги «инвирто» усулида етиштирилган кўчатларимизни ҳамда юртимизнинг интенсив боғларни қандай ташкил этиш, уларга ишлов бериш бўйича энг сўнгги янгилекларини олиб келганимиз. Кўргазма яхши ташкил этилган, маҳсулотлар қуладай жойлаштирилган, бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.



Мақсадим – энг аввало юртингиз ва унинг бозорлари билан танишишdir. Шунингдек, бу ерда интенсив боғлар қандай ташкил этилади, кўчатларнинг етиштирилишини ўз кўзим билан кўриб, мамлакатингиз

ишлиб чиқарувчилари билан ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишдан иборат. Бу борада аввало «Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак» лойиҳаси, унинг тасарруфидаги ShirinMeva журнали, Ўзбекистон Анорчилар Асоциацияси билан танишиб, келгусидаги ҳамкорлигимиз борасида иш бошладик.



МИРЗОҲИД ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон АгроАхборот-Инновация Маркази раҳбари:

– Бизнинг асосий мақсадимиз фермер, деҳқон, томорқа ер эгаларига ҳуқуқий агротехника, иқтисодий ҳамда уларнинг экспорт-импорт соҳалари бўйича амалий ёрдам беришдан иборатdir.

Айни вақтда мамлакатимиз миқёсида 5,5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгалари мавжуд бўлиб, уларга туманларимиздаги туман кенгашлари тизимида ташкил этилган бухгалтерия марказлари, шу жумладан «Томорқа хизмат» МЧЖлари орқали 12 турдан ортиқ хизмат турлари кўрсатилмоқда. Булар асосан иссиқхоналар ташкил этиш, уларга агротехник тадбирларни кўрсатиш, мини-культиваторлар етказиб бериш ҳамда уларнинг хизматини ташкил этиш, музлаткич, совуткичларни кўрикдан ўтказиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларда сақлаб босқичмабосқич маҳаллий ҳамда хорижий бозорларга тақдим этиш турларидир. Шунингдек боғдорчилик ва сабзавотчиликни кўчатлар билан таъминлаш каби муҳим вазифалар ҳам амалга оширилади.

Бугунги кўргазмада ҳам ҳалқаро ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиш, улар билан битимларни расмийлаштириш, ўз маҳсулотини ҳар бир давлатнинг стандартлари асосида етказиб бериш борасида маслаҳат хизматларини кўрсатиш борасида иш олиб бордик.



Абдуллахўжа АҲРОРХЎЖАЕВ, "AgroKub" асосчиси:

– Ҳар йили февраль-март ойларида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўргазма ташкил этилади. Биз шу кўргазма ташкилотчиларидан биримиз. Кўргазмага қатнашиш барчани бирдек қизиктиради албатта. Кўргазма ўтказилаётган жой чорраҳа вазифасини ўтовчи маскандир.

Бу ерда 4-5 хил йўналишлар мавжуд бўлиб, биринчидан, энг арzonи ташқарида очиқ павильонда йирик техникалар бўлса, уларга қуруқ ер майдони ажратиб берамиз. Иккинчидан, барча шароитларга эга бўлган алоҳидаофис барпо этишда биз гилам, алоҳида стол-стул билан таъминлаймиз. Офис четларини ўраб, мижоз номини ёзib берамиз. Кейинги йўналишларда иштирок этувчиларнинг мақомига қараб жой ташкил қилиб бериш, шунингдек, қатнашувчиларни онлайн

ёритиб бориш, ташриф қофозларини тарқатиш ишларини амалга оширамиз. Тасаввур қилинг, 1 дона ташриф қофози ортидан 4 нафар мижоз келади. Бундан ташқари иштирокчилар ўзлари ҳам тарқатишиади.

Бизда алоҳида ҳомийлик пакетлари ҳам мавжуд. Телеведение, радио, медиадаги реклама баннерларида компания номи бўлади. Бу – иштирок этаётган компанияларнинг кейинги фаолиятига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Нархлари борасида тўхталадиган бўлсан, улар жой майдони, жиҳозланишига қараб турлича бўлади. Ушбу маълумотлар бизнинг ижтимоий тармоқларимизда мавжуд.



Шуҳрат РИЗАЕВ, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор:

– Мазкур кўргазмада филиалимиз илмий-тадқиқотчилари, магистрантлар, докторантлар соҳа ходимларига янги илмий изланишларимиз натижаларини тақдим этишди. Айни вақтда республикамизга ноанъанавий янги сабзавот турлари, донли-дуккакли экинлар ҳам кириб келяпти. Бу борада филиалимизнинг ёш илмий тадқиқотчилари томонидан бир қатор тажрибалар амалга оширилиб, дастлабки натижалар олиб бориляпти.

Ушбу йўналишда бир қатор стартап лойиҳаларимиз ҳам мавжуд. Кўргазмада «Annexure Financial Solutions Limited» компанияси томонидан амалга оширилаётган «Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак» лойиҳасининг Ўзбекистон Анорчилар Асоциацияси билан ҳамкорлик келишувига эришдик. Чунки Самарқанд ҳам ўзига хос анорчилар мактабига эга. Ҳозирда анорчиликни ривожлантириш бўйича янги инновацион илмий-тадқиқотларни амалга ошириш учун ёш тадқиқотчиларни жалб қиляпмиз.

Дарҳақиқат, мазкур анжуман аграр соҳа вакилларига кенг имкониятлар эшигини очди.

Ушбу кўргазма доирасида кўргазмали восита-ларининг ранг-баранглиги билан ажralиб турган қишлоқ хўжалиги соҳасининг кўплаб билимдонлари рағбатлантирилди. Голибларга сертификатлар ҳамда 11 та номинация бўйича мукофотлар топширилди.

Жумладан, «Энг яхши маҳсулот» номинацияси бўйича «Аминосит» қўшма корхонаси, «Бизнеснинг энг долзарб мавзуси» номинациясида "SEMURG INSURANCE" суғурта компанияси, «Доимий ҳамкор» номинациясида Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали голиб, деб топилди.

Жамила ҲАЙДАРОВА,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти



2023

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА ДОИР ХАЛҚАРО КҮРГАЗМАЛАР

15-17 май

LONDON WINE FAIR 2023



Күргазма Англия
пойтахти Лондонда
бўлиб ўтади.

Күргазма 40 йилдан бери ташкил этилиб,
дунёнинг етакчи вино ишлаб чиқарувчилари,
сотувчилари, меҳмонхоналар, овқатланиш
ташкилотлари, барменлар, дегустаторлар
ва соҳанинг бошқа эксперлари иштирок
этади. Күргазмада ҳар йили 14 минг
иштирокчи қатнашади.

+44(0)78 2780 4608

Email: ke.dixon@londonwinefair.com
Веб-сайт: <https://www.londonwinefair.com/>

18-20 июнь

AFRICA'S BIG 7



Күргазма Жанубий
Африканинг Йоханнесбург
шаҳрида бўлиб ўтади.

Күргазма Африка қитъасидаги энг йирик
тадбир ҳисобланиб, унда 37 та давлатдан
4000 га яқин иштирокчи ўзининг
озик-овқат ва ичимликлари билан
қатнашади. Бундан ташқари, моҳир ошпазлар
томонидан мазали овқатларни тайёрлаш
бўйича маҳорат дарслари ташкил этилади.

Email: JPCarvalho@dmgevents.com

+27 11 783 7250

Веб-сайт: <https://www.africabig7.com/>

21-23 июнь

JFEX 2023



Күргазма Япония
пойтахти Токиода
бўлиб ўтади.

Халқаро күргазмада озик-овқат, спиртли
ва спиртсиз ичимликлар ҳамда гўшт ва сут
маҳсулотлари намойиш этилади. Ушбу тадбир
Осиё минтақасидаги йирик тадбир ҳисобланиб,
унда 850 күргазмачи ва 35000
харидор қатнашади.

+81-3-3349-8511

Email: jfex-en.jp@rxglobal.com
Веб-сайт: <https://www.jfex.jp/en-gb.html>

30 август – 2 сентябрь

CNR FOOD ISTANBUL 2023



Халқаро тадбир
Истанбулда бўлиб
ўтади.

Күргазмада озик-овқат маҳсулотлари, озик-
овқат маҳсулотларини қайта ишлаш
ва қадоқлаш замонавий технологиялари
намойиш этилади. Күргазма миллиард
АҚШ долларига тенг битимлар
имзоланиши билан машхур.

Email: intsales@cnr.net
Веб-сайт: <https://cnrfoodistanbul.com/onkayitformu.aspx>

6-8 сентябрь

RIGA FOOD 2023



Күргазма Латвия
пойтахти Ригада
бўлиб ўтади.

Болтиқбўйи давлатларидағи асосий озик-овқат
күргазмаси бўлиб, унда жаҳон давлатларининг
озик-овқат маҳсулотлари, моҳир ошпазлар,
соҳадаги инновацион маҳсулотлар ва сотишни
рағбатлантириш бўйича бир катор
тавсиялар таклиф этилади.

+371 67067550

Email: rolands.nezborts@bt1.lv
Веб-сайт: <https://www.bt1.lv/rigafood/rus/>

“Ўзбекистонда
мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича
техник кўмак”
лойиҳаси



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА ДОИР ХАЛҚАРО КҮРГАЗМАЛАР

2023

17-20 сентябрь

FOODEX SAUDI 2023



Күргазма Саудия
Арабистони пойтахии
Ар-Риёдда
бўлиб ўтади.

Күргазмада 75 давлатдан 500 күргазмачи,
800 та халқаро бренд ва 100 000 га яқин
иштирокчи қатнашади. Күргазма
ўзининг катта ҳажмдаги савдо битимлари
имзоланиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг
кенг ассортименти билан машхур.

Email: apple.laririt@sunaidiexpo.com

Веб-сайт: <https://www.foodexsaudiexpo.com/en>

+966 12 6682 626 (296)

1-3 ноябрь

FoodExpo Qazaqstan 2023



Күргазма Қозоғистоннинг
Олмаота шахридаги
«Атакент» күргазмалар
саройида бўлиб ўтади.

Марказий Осиёдаги йирик озиқ-овқат саноати
күргазмаларидан бири бўлиб, озиқ-овқат
ва ичимликлар, озиқ-овқат технологиялари,
қадоклаш технологиялари ҳамда ингредиентлар
намойиш этилади. Шу билан бирга агрофорум
ва дегустация ҳам ташкил қилинади.

Email: alena@iteca.kz

Веб-сайт: <https://foodexpo.kz/ru/>

+7 727 258 34 34

19-22 сентябрь

World Food Moscow 2023



Күргазма Россия
пойтахти Москвадаги
«Крокус Экспо»
күргазмалар саройида
бўлиб ўтади.

Озиқ-овқат күргазмасида дунёнинг 80
давлатидан 20 000 иштирокчи қатнашади.

Күргазмада мева-сабзавотлар, турли
ичимликлар, пишириклар, денгиз, органик
ва гўшт маҳсулотлари ҳамда ингредиентлар
намойиш этилади.

Email: worldfood@ite.group

Веб-сайт: <https://world-food.ru/ru/>

+7(495)799-55-85

19-21 ноябрь

SAUDI INTERNATIONAL
HALAL EXPO 2023



Күргазма Саудия
Арабистони пойтахти
Ар-Риёддаги күргазмалар
саройида бўлиб ўтади.

Ушбу күргазмада асосан ҳалол озиқ-овқат
ва ичимликлар, уларни етишириш ва ишлаб
чиқариш, ҳалол стандартлари ва унга риоя
қилиш каби масалалар муҳокама қилиниб,
товар ва маҳсулотлар намойиш этилади.

Email: info@saudihalalexpo.com

Веб-сайт: <https://www.saudihalalexpo.com/>

+966 9200 20025

27-29 ноябрь

Abu Dhabi International
Food Exhibition 2023



Күргазма Бирлашган
Араб Амирликлари
пойтахти Абу Дабида
бўлиб ўтади.

Күргазмада 1200 дан ортиқ халқаро озиқ-
овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар,
сотовчилар, ресторанлар, меҳмонхоналар
катнашади. Шу билан бирга соҳадаги
янгиликлар билан танишиш мақсадида
маҳорат дарслари, вебинарлар ва бошқа
қизиқарли тадбирлар ташкил этилади.

Email: sales@adife.com

Веб-сайт: <https://adife.com/>

+971 2444 6900

"Ўзбекистонда
мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича
техник кўмак"
лойиҳаси



AVANT

Kontaktlar:

 +99895 606-33-33

 O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent shahri, Yashnobod tumani,
Elbek ko'chasi,61.

 sales@avantgroup.uz
info@avantgroup.uz

 avantgroup.uz



O'zbekistonda ishlab chiqarilgan.